БОБОҚУЛОВА ДИЛФУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

# ЎҚУВЧИЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



ТОШКЕНТ - 2022 Й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОБОҚУЛОВА ДИЛФУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

# ЎҚУВЧИЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тошкент - 2022 й.

УДК-
373.6
ББК-
74200526
Х-95

**Бобоқулова Дилфуза Мелибоевна. Ўқувчиларига дастлабки тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш.Услубий қўлланма. Тошкент. "Таълим нашриёти" МЧЖ. 2022 й, 120-бет.**

Мазкур "Ўқувчиларига дастлабки тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларини шакллантириш" номли услубий қўлланма бакалавр йўналишидаги барча педагогика олийгоҳ талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда бўлажак педагогик фаолияти билан шуғулланаётган мутахассисларга ва оилада фарзанд тарбияси билан банд бўлган ота-оналарга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларини шакллантиришда асосий манба сифатида фойдаланишга кўмакчи бўлиб, унда барча тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид маълумотларни ёритишга ҳаракат қилинган.

**Масъул муҳаррир:**

**Абдулаева Ш.А.**-Педагогика фанлари доктори, профессор;

**Тақризчилар:**

**Худойқулов Х.Ж.** – Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ "Педагогика ва умумий психология" кафедраси профессори, Педагогика фанлари доктори;

**Ашуров Н.Р.**–Денов тадбиркорлик ва педагогика институти "Мактабгача ва бошланғич таълим" кафедраси мудири. Педагогика фанлари номзоди.

**Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқув-услубий кенгаши йиғилишининг 31.01.22 йил № 6-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилди.**

ISBN 978 9943 6970-9-3

**@ Д.М.Бобоқулова 2022 й.**
**@"Таълим нашриёти" 2022 й.**



# КИРИШ

Бугунги глобаллашган ривожланиш ва тараққиёт даврида келажагимиз бўлган ёш авлод тарбияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва зарурий муаммолардан биридир. Бу борада ёшлар тарбияси, айникса уларни бошланғич синфдан бошлаб тадбиркорлик, тежамкорлик ва ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш зарурий эхтиёжлардан бирига айланмоқда. Айникса юртимизда олиб борилаётган янги ривожланиш даврида барча касблар, шу жумладан тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия соҳасида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилади. Шу билан бир қаторда таълим-тарбия тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2020-йил 23- сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги «Таълим тўғрисидаги Қонуни ҳам қайта ислоҳ этилди ва ўзгартиришлар киритилди.Бугунги тараққиёт ва ривожланиш Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос, бозор қонунларига хос ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ҳам замон талабларига тўғри келишини талаб этади. Ушбу қонунда кўрсатиб ўтилганидек бўлажак мутахассисларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисод тўғрисидаги тушунчаларни билиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай тушунчалар албатта бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб, оилада, мактабда ва ўзаро муносабатларда шакллантириб борилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини оширишда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларимизга мувофиқ хусусий тараққиётига катта имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда, бунинг натижасида сифатида тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланмоқда.

"Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-мафкуравий тараққиётининг хозирги босқичида тадбиркорлик қобилиятининг ривожланиши кишиларда мулкдорлик маданиятини шакллантириш, ва унумли фойдаланиш оркали тежамкорликни ўргатиш, мамлакат иктисодиётини том маънода юксалтириш, аҳолида иқтисодий билимлар

тафаккурнинг қанчалик ривожлангинлиги билан кечади"[1].

Дунёда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон шароитида олдини олиш учун ёшлардан тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимларни ўргатиш ва унга мослаштириш бугунги кун талаб шуни тақоза қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августь куни юзлаб тадбиркорлар билан очиқ, юзма-юз ва онлайндаги бевосита мулоқати ва учрашуви, ҳамда ундаги очиқ маърузаси тадбиркорларни юрт ривожланишида ўз ўрни борлиги яна бир бор тасдиқланди. "2021 йил 20 августь Ўзбекистонда тадбиркорлар-куни"–деб эълон қилинди. Шундай экан, ёшларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантириш ва бу борада оила билан ҳамкорлик қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.Юқорида кайд этилган фикрлардан шуни кўришимиз мумкинки, ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга оид фикрларни тўғри йўлга қўйишдир. Шундай экан бугунги ёшларни тарбиялаш жараёнида улар онгига ва қалбига ота-боболаримиздан бизларгача етиб келган улкан боймаънавий меъросидан фойдаланиб улар онгига янги тадбиркорлик,тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларни сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларни бошланғич синф ўқувчиларига ўргатишдан асосий мақсад, уларнинг онгида бугунги бозор қонунларига мос рақобатбардошликдан чиқиб кетадиган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодга оид билимлар, кўникма ва малакалар биланқуроллантиришдир.

Ўқувчиларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия беришдаўқиш, математика дарсларида ўқувчилар вақтини тежашга, ўқув қуролларини тежашга, асрашга ўргатиб борилади. Умуман айтганда мактабда ҳар бир дарсжараёнида ўқувчилар тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияга хос тушунчалари шаклланади ва тарбияланади.Бу эса мавзунинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар, Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг 2017-21 ларга мўлжалланган ривожланишнинг бешта устувор йўналиши

[1] Раҳбеков Ў. Д. Иқтисодий таълимнинг иқтисодий тафаккурга таъсири. -Т. "Узлуксиз таълим"журнали 2017. 4.11-14-бет



"Ҳаракатлар стратегияси"да кўрсатилган ташаббуслар асосида "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз", "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз" ва Ҳаракатлар стратегиясидан ривожланиш стратегиясига ўтиш бугунги кун талабидир, шундай экан жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида ривожланиш бугунги давлатимизнинг асосий сиёсатидир. И. Каримовнинг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура", "Юксак маънавият – енгилмас куч" каби асарлари биз олиб борган тадқиқот иши учун методологик асос бўлиб хизмат қилди. Аммо бу борада бошланғич синф ўқувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бериш билан боғлиқ илмий-методик мақола ва қисман тайёрланган ишлар кўзга ташланади. Мазкур масала олимларимиз томонидан тизимли равишда етарлича ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорликнинг асосий мақсади ўқувчиларига илк иқтисодий тарбиянинг янги шакл, усул ва воситаларни ишлаб чиқишдан иборат.Унинг вазифаларига қўйидагилар киради:

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясига бағишланган республика ҳамда хориж адабиётларини таҳлил қилиш орқали долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш бериш;

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясига бағишланган интерфаол метод, виртуал электрон дастур воситасида тарбиялашнинг ҳамкорлиги технологиялари моделини ишлаб чиқиш;

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясига бағишланган тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида ўз-ўзини бошқариш ва меҳнат орқали оилада тадбиркорликни қўллаш;

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси асосида, унинг самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, натижаларни математик-статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилиш орқали ва самарадорлигини таъминлаш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

## 1.ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ БУГУНГИ БОЗОР ТАЛАБИ АСОСИДА РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

"Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий,тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир".

**Амир Темур (Темур тузуклари).**

Иқтисодий тарбия илимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларнинг туб мохиятини тўғри тушунишда олиб келади. Шунинг учун бундай билимларни ёшликдан ўзлаштириб олиш яхши самара беради ва натижада ҳар бир фуқарода тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришга оид имкониятлар пайдо бўлади. Шундай экан жамият тараққиётининг асоси бўлган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодиёт тарбия тушунчаларини ўргатиш, бошлангич синф ўқувчиларидан бошлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз иқтисодий таълим концепциясини амалга оширишдан кўзлаган асосий мақсад халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган таълим андозаларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашдир. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида таълим тизимини ислох қилиш жараёнида педагогик технологиялар ривожланишида бурилиш, керакли ахборотни мустақил излаб топиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни оқилона ҳал этиш йўлларини топиш, ўзлаштирилаётган билимларни танқидий таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилашда улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган бўлса, бошлангич синф ўқувчиларидан бошлаб тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиёт тарбия тушунчаларини шакллантириш ва ўргатиш айни зарурий ҳолатлардан биридир.. Тайёр билимларни ўзлаштириш ва умумлаштириш асосий мақсад эмас, балки инсоннинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашувчи воситалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий технологиянинг мазмуни ва вазифаси жараённи оптималлаштириш, фаолиятнинг ижтимоий самарага эришиш учун зарур бўлмаган барча турларини ундан чиқариб ташлашдан иборат. Бошлангич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиёт тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик



технологиялардан фойдаланиш, бошқарув харажатларини камайтириш, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи бош ресурс ҳисобланади. Ривожланиш инсон нимага эга эканлиги билан эмас, балки инсоннинг кимлиги, у ўз ихтиёрида мавжуд нарсалар билан нима қилишга қодир эканлиги билан белгиланади ва бу борада бозор қонунларига амал қилган холда ўзининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини йўлга қўйишни билиши асосий масала ҳисобланади. Бу инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда мактаб, оила ҳамкорлиги ва таълим-тарбия муҳим аҳамият касб этиши лозимлигини кўрсатади. Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилиши, айниқса, кучли иқтисодий имкониятларда намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта олиши ижтимоий ҳаётда таълим-тарбиянинг ўрни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиёт тарбия тушунчаларини шакллантириш каби соҳаларининг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Янги билимлар, ахборот ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга қараб мўлжал олиш саноатлашувдан кейинги тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиётда банд бўлган инсонларнинг фундаментал хусусиятларига ва иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим омилга айланади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ва таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди. Қайд этиш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси ўз миллий тарбия тизимларини ислоҳ қилишни амалга оширдилар, уларга кўп миқдорда молиявий маблагларни киритдилар. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражаси таълим олувчиларда келажакни режалаштириш қобилияти, келажак учун жавобгарлик ҳисси, ўзига ва ўз касбий қобилиятларига ишончни шакллантиришга қодир бўлган янги тарбия тизими

– инновацион таълимни талаб қилади. Республикамизда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва фан-техника салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодиёттигина эмас, балки таълим-тарбия соҳасига ҳам самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқлиги кўрсатиб ўтилади. Анъанавий касблар таркибида,

ходимларнинг иктисодий хулк-атворида, касб танлашда қадрият ва миллий урф-одатлар тизими ҳамда уни мехнатда татбик этиш соҳаларида бугун жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу касбларнинг янгича типи – инновацион фикрлаш услубига эга ходим пайдо бўлганини тасдиқлайди. Меҳнат фаолиятининг амалий натижалари, ишлаб чиқаришнинг техник жихатдан янгиланиши, турли соҳаларда инновациялар, янги махсулот турларининг пайдо бўлиши билан янги эҳтиёжларнинг юзага келиши, кишилар хаёт фаровонлигига қаратилган турли техник воситаларнинг яратилиши–илм ривожланиш даражасининг янги погоналарига кўтарилганлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда зиёлилик билан бирга, билимлардан тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий устунлик сифатида фойдаланиш олиш турли иктисодий тизимларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омилга айланди. Аксарият мутахассисларининг фикрига кўра, ривожлиниган таълим тизими рақобатбардошлик даражасини белгиловчи омиллардан бири хисобланади. Ҳозирги саноат, экологик ва ахборот технологиялари тизимлари шу даражада мураккабки, бирор-бир минтақа ёки давлат улар билан боғлиқ муаммоларни мустақил хал этишга қодир эмас. Бунинг учун турли давлатлар, минтақаларнинг чуқур интеграциялашуви талаб этилади. Айнан шу сабабли давлатлар ҳамжамияти ҳар бир давлат ривожланишида юксак даражага эришишидан манфаатдордир. Агар жамият аъзоларидан бирида технологияларнинг ривожланиш даражаси паст бўлса, у бутун жамиятга таҳдид солади. Юксак технологиялар бу жараёнда иштирок этувчи кишилардан юксак даражада касбий маҳорат, танқидий ва таҳлилий фикрлаш кобилияти, тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади. Айни шу сабабли бугун бошлангич синф ўкувчиларидан бошлаб тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш технологияси оила билан хамкорликда олиб бориш, шу жумладан глобал фикрлаш салоҳиятига эга бўлишлари, ўз минтақаси, мамлакатидагина эмас, балки бутун дунёда юз бераётган жараёнларни билишлари ва тушунишлари лозим. Бу таълимнинг мазмун ва моҳиятига нисбатан бутунлай янгича ёндашувдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб этилади: "Аллоҳнинг нозу неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайру-эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!"-дейилган.

Дарҳақиқат ҳар бир нарсанинг ўртаси яхши деганлек, мол-дунё



сарфлашда ҳам меъёрни саклашни билиш барча учун лозим бўлган одатдир. Кимки тежамкорлик фазилатларига эга бўлса у дунёдаги энг хурматли, файзу-баракали ва бой инсон инсондир деб ҳисобланган.

Чунки давлатнинг эртанги куни тадбиркор, тежамкор ва иқтисодий кудратга эга бўлган ёшларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёшларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бериш оркали биз давлатимизни ҳар томонлама кудратли давлат эканлигини кўрсата олишимиз керак. Шу боис ҳам иқтисодий тарбияда – фан техника ютукларидан окилона фойдаланишга эътиборни кучайтириш шу куннинг мухим долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Юртимизнинг ҳар бир фукороси ўз юртининг тинчлиги, баркарорлиги ва унинг иқтисодий ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшса тараккиёт ўз- ўзидан олға силжийди. Фанларни ўқитиш жараёнида ўкувчилар онгига ва қалбига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини сингдириш

оркали уларда иктисодий билимлар шакллантирилади. Буни амалга ошириш учун эса биринчи навбатда бошланғич синф ўкувчилардан бошлаб тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимларни бериш ва у оркали иқтисодий муомила маданиятини йўлга қўйиш максадга мувофиқдир. Бу эса биз педагоглар томонидан олиб борилаётган илмий тадкикот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Маълумки, азалдан ота-оналаримиз болаларни хўжалик ишлари билан таништириб, оиланинг кирим ва чиқим ишларини уларга ўргатиб келишган. Шу тарзда, болада оиланинг моддий аҳволи ҳақида тасаввур ҳосил бўлишига эътибор берилган.

Ўкувчиларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия беришда халқимизнинг миллий ва маънавий меросидан кенг ва самарали фойдаланиш мақсадга муофиқдир. Ҳар бир даврда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия бериш ҳам мухим ахлокий тарбия хисоблангани каби, бу масала бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эга. Биз тадбиркорликни, тежамкорликни ва иқтисодий тарбия давлат сиёсати даражасида кўтарилишида энг аввало, ўкувчиларда иктисодий тежамкорлик тушунчаларини шакллантришдан бошлаш лозимдир. Ҳозирги кунда ўқув адабиётларида тадбиркорлик, тежамкорлик тарбиясига тўлиқ эътибор каратилган бўлиб, дарсликларда тежамкорликка оид мавзулар қисман киритилиб ўтилган.

Мактабда бошланғич синф ўкувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбиялаш ҳар бир дарснинг назарий асоси

ҳисобланади. Меҳнат,табиатшунослик, ўқиш, она-тили, математика ва умуман бошка дарсларда боланинг тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбиялаш хислатлари шакиллантирилади. Бу дарсларда ўйинчокларни ёки ўқув курролларини тоза сақлашдан тортиб, табиатни асраш, атроф-муҳит ҳимоя этиш ва мамлакатимизресурсларидан оқилона фойдаланишгача бўлган малака ва кўникмалар ўқувчиларга етказиб борилади.

Ўқувчилар меҳнат дарсларида бирон-бир нарса ёки ўйинчокни ясаш давомида ҳар бир ўқув қуролини асраб авайлашга, когоз, қалам, елим ва яна бошқа иш куролларини тежаб ишлатишга, исроф қилмасликка ўргатилиб борилади. Шунингдек чиқинди материаллар (мато қолдиги меваларнинг уруги ва бошқалар) дан турли нарсалар ясашни ўрганиб, ўқувчилар тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбиялаш кўникмалари шаклланади.

Табиатшунослик дарслари ҳам тежамкорлик тарбиясини ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга бу дарсда ўқувчилар сув, тупроқ хаво табиат бойликлари, ўсимликлар, ҳайвонлар тўгрисида маълумотга эга бўлиши билан бир қатода мана шу табиат бойликларини тежаб ишлатишга, исроф қилмасликка, асраб авайлаш орқали иқтисодий тарбияга ўргатилади.

Бошлангич синифларда она-тили дарсларида ҳам ўқувчиларга тежамкорлик тарбияси сингдирилади. Бу дарс орқали тежамкорлик тарбиясини бериш, диктант, баён, иншо, ҳикоя ёздириш мобайнида шакиллантирилади. Бунда маъна шу иншо, диктант, баён матилари тежамкорлик мавзусида танланади ва ёздирилади.

Бу борада "Бошлангич синф ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ваиқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси" нинг бугунги бозор талаби асосида ривожланиши ва унинг аҳамияти мавзусидаги илмий иш, унинг олдида турган вазифаларини, узок давр давомида иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва иқтисодий тарбиянинг вужудга келиши борасида кисқача тўхталиб ўтиш зарурий эхтиёж деб хисоблайман.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда, бевосита ҳар бир ёш авлодни жамиятга кириб келишида, шахсни иқтисодиёт асослари билан таништириш, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби фазилатларни камол топтиришдан иборатдир.



Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бу таълим олувчиларга иқтисодий билимларни бериш негизида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш, қайгуриш туйғуларини карор топтириш, иқтисодий маданиятни шакллантиришдир.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик, тежамкорликва иқтисодий тарбия фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт- шароитларни яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ тартиб тажмилларининг турлари ва сонини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида мавжуд кабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия ислоҳотлар самараси тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштиришда, уларга кенг йўл очиб берган ҳолда назорат қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ-равшан белгилаб олишда ва албатта, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоясини амалда таъминлашда кўринмоқда. Дарҳақиқат, бугун ҳар биримиз тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ҳаётни барпо этишнинг муҳим омили эканлигини чуқур ҳис этмоқдамиз.

**Тадбиркорлик** (инглизча–enterprise, enterprising, русча-предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолиятидир.Соҳибқирон Амир Темур тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва тадбиркорларни улуғлаб, уларнинг нафақат ўзи балки жамият учун ҳам катта нафи тегишини, инсон доимо фаол бўлишини таъкидлаб, ўз тузукларида "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир"[1], деб кўрсатади.

[1] Темур тузуклари //Форсчадан А.Соғуний ва Х.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 15 бет

Тадбиркорлик ва иқтисод тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир бирини тўлдиради. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар фақат товар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга оид муносабат эмас, балки тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ер участкаси олиш, бино олиш ёки қуриш, ёқилғи, хом ашё, асбобускуналарга эга бўлиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олади. Улар тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар бўлиб, бевосита даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа мақсадлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, мулкни бошқариш, корхонани тузиш ва тугатиш бўйича ташкилий мулкий муносабатлар билан боғлиқ барча фаолиятлардир. Бозор муносабатларини тобора ривожланиб бориши, янги-янги мулкдорлар гуруҳини; тадбиркорларни келтириб чиқарадиган бу гуруҳлар тадбиркорлик муносабатларининг мустақил субъекти ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб иштирок этади. Улар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг аксарияти тадбиркорлик қонунчилиги билан тартибга солинади. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар доираси, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан бирга, борган сари кенгайибборади. Хусусан товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, банклар, биржалар ва шунга ўхшаш бошқа субъектлар ўзига хос махсус фаолият кўрсатадилар. Бундай кишилар ўз тадбиркорлиги билан юрт фаровонлиги ва тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган, халқи ва ўзи учун мустақил яхши имкониятлар яратадиган инсонлардир.

**Иқтисодиёт** "юнонча" сўздан олинган бўлиб "уй хўжалигини бошқариш"деган маънони билдиради. Иқтисодиёт инсон фаолиятининг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳим томонидир.

Иқтисодий таълим-тарбия бу махсус тайёрланган кишилар (мутахасис педагоглар) раҳбарлигида амалга ошириладиган жараён бўлиб, унда таълим олувчига иқтисодий тарбия бериш, яъни иқтисодиётнинг маълум тамойиллари, қонун-қоидаларини ҳамда категорияларини тушунтириш ва иқтисодий муносабатларни тарбиялаб, маълум соҳалари ҳақидаги билимларни ўқитишни амалга оширилади. Иқтисодий таълим педагогикаси иқтисоднинг умумий асослари ҳақида баҳс юритади. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади ўқувчи (талаба)га



иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажакдаги ҳаёт фаолиятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий хулқ-атвор меъёрларини иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборат. Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жараёнларида фан, маданият, сиёсат,мафкура, ахлоқ, маънавиятга оид билимларни ўрганиб уларни ўзлаштириб бориши натижасида ўз мақсадлари сари олға қадам ташлайди. Инсон ўз умри давомида орзу қилиб, унга эришиб яхши кун кечиришлари учун, уларга доимо озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва турли ҳаётий эҳтиёж воситалари зарур. Қачонки инсонлар ушбу эҳтиёжни қондиришда маълум кўникма ва малакаларга эга бўлсалар улар реал ҳаётда иқтисодий ва маънавий инқирозларга дуч келмайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримовнинг бу борадаги иқтисодий сиёсатини маъқуллаб, унинг жаҳон молиявий иқтисодий
инқирози ва уни Ўзбекистида бартарф этиш чора-тадбирлари деб номланган асарини ўрганилганда, иқтисодий фаолият нима деган саволга, иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва итеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли- туман фаолиятлар яхлит қилиб, бир сўз билан, иқтисодий фаолият деб аталади- деган жавобини олишимиз мумкин. Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият енгилмас - куч" асарида ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш йўллари кўрсатиб ўтар экан, ёшларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришда миллий қадриятлардан кенг фойдаланиш яхши натижа беради[1].

Юртбошимиз "Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир" - деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

[1] Каримов И.А. "Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият. 2008 й [illegible] 145-б

Шунинг учун қадимги юнон олимларининг (Ксенафонт, Платон, Арисотел) асарларида иқтисодиёт хўжалиги ва уни юритиш қонунлари деб тушунтирилган. Лекин хозирги даврда иқтисодиёт кенг маъноки англатиб, фақатгина уй ёки индивидуал хўжалик юритиш ёки тежамкорлик маъносини англатмайди, балки иқтисодиёт - йирик хусусий хўжалик, жамоа хўжалиги, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат хўжаликларидан, молия ва банк тизимларидан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, давлатлар ўрасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб ижтимоий тизимни англатади. Бунинг устига барча ресурсларимиз пул маблағлари, табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари ҳаммаси чекланган миқдордадир.

Мана шу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўлларини топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу тушунчаларни билажак ўқитувчилар, бошланғич синфларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг ўзи яхши англаб етса, унинг асл моҳиятини ўқувчиларга етказиб бериш осон кечади. Иқтисодиётнинг бу турлари, даражалар, шакллари қандай бўлишидан қатий назар уларнинг ҳаммаси бир мақсадга бўйсунган, у ҳам бўлса инсониятнинг яшаши, кўпайиши ва камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, турли хил ҳаётий воситаларни яратиб уларнинг эҳтиёжларини қондириб боришдан иборатдир.

Инсон ҳамма товар сотувчи товар олувчи ролини бажаради.

Бу жараёнда улардан бир қисми ишлаб чиқарувчи иккинчи қисми эса истеъмолчи, демак ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар мавжуд. Демак, инсонларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари, транспорт иситиш ва совутиш, узатгич, ёритгич каби бир қатор воситалар керак. Унинг барчаси яшаши учун керак бўлганлиги сабабли биз уларни эҳтиёжлар деб атаймиз.

**Эҳтиёжлар:** -табиий эҳтиёж; -моддий эҳтиёж; -маънавий кўринишда бўлади. Иқтисодий ресурслар деганда жамият, мамлакат, айрим корхона ва фирма, оила ихтиёрида тўпланиб, айни вақтда мавжуд бўлган, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб беришда ҳамда истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар ва барча манбалар тушунилади.



Бизга маълумки, иқтисодга оид эҳтиёжлар ва уларга мос товарлар доимо инсон учун қизиқарли манба бўлган ва унга эришиш йўллари доимо инсон тафаккурининг биринчи босқичларидан ўрин олган. Мисолларга мурожат қилсак. Иқтисод илк бор ҳаётидан бошланиб, антик адабиётлар Платон, Арисотел қалимги Миср, Хирой, Ҳинд ва Марказий Осиё олимларининг асарларидан ҳам кенг ўрин олган. Бундай буюк инсонлар ўз асарларида инсон ҳаёти учун зарур бўлган хом ашё буюмлари ишлаб чиқарилган товарлар нақадар зарур эканлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки уни қўлга киритиш,ундан фойдаланиш, уларга сайқал бериб ва келгуси авлодга етказиштехнологияларини ишлаб чиқканлар.

Бошланғич синф ўқувчиларига иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда иқтисодиётдаги чигал муаммолар ечимида янгича йўналишларни юзага келтиради. Шундай қилиб мактабларда иқтисодий тарбиянинг педагогик жараёни қуйидаги сифат босқичларига эга бўлиши лозим: -давлатнинг иқтисодий аҳволини жуда яхши билиш;

-турли мулк турлари ва корхоналар фаолиятининг иқтисодий асосларинибилиш;

-далилларни холисона баҳолаш ва мавжуд иқтисодий асосларни таҳлилэтиш учун савиядхонлик;

-ишлаб чиқариш ва хўжалик ишларида, иқтисодий муносабатларда ташаббускорлик.

Иқтисодий тарбия шартлари ўқувчилардан турли саволлар қилмахиллигини талаб этади. Уларга қуйидагилар киради:

-оилада ва умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий тарбиянинг боғлиқлиги, унинг мақбул бўлиши;

-ўкувчилар билим олишида дидактик тамойилларнинг роли;

-мактабда ўқув фанларини ўқитиш жараёнида амалий тажрибалар хулосаси ва шу билан биргаликда илмий-технологик тараққиётнинг тезлашувида илм-фаннинг ролини тушунтириш орқали ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш;

-давлат ва хусусий мулкни эҳтиёт қилиш, электр энергия, газ, ўқув адабиётлар, асбоб-ускуналар, мактаб биноси, уй жиҳозлари ва ҳоказо;

-моддий захиралардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатларини тушунтириш;

-ўқувчиларга дарсдан ташқари вақтларида иқтисодий тарбия беришни ташкил этиш;

-умумий ўрта таълиммактаб ўқувчиларини олий ўқув юртлари ва ундан кейинг шароитлар ҳақида кўникмалар ҳосил қилиш учун иқтисодий фикрлашга ўргатиш. Янги иқтисодий тафаккур шаклланишида иқтисодий тарбиянинг янги босқичлари, иқтисодий соҳада кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш йўлларини аниқлаб олиб, қуйидаги йўллар билан ўқувчиларнинг иқтисодий таълим-тарбиясини ошириш мумкин:

-олинган назарий билимлар асосида амалий ишларини бажариш жараёнини ташкил этиш:

-касбий ўқитиш ва ҳар бир ўқувчи малакасини ошириш учун лозим бўлган иқтисодий тайёргарлик мажбуриятлари;

-ишлаб чиқариш ва меҳнат характери, иқтисодий соҳада кадрларни ўз соҳаларини билим даражасини аниқлаш;

-иқтисодиёт соҳасида янги билимларни эгаллаш тизими, янги ахборот технологияларини эгаллаш (илмий адабиётлар ва интернет).

Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлиш билан бирга, тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия кўникмаларига эга бўлади. Фарзанд оилада ота-она тажрибалари таъсирида тарбия кўради. Ота-она ҳар қадам, ҳар нафасда болага сабоқ беради: Масалан бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаганда:

Асбобни ишлатгач, дарҳол ўрнига, ёпиқ жойга олиб, қўй. У ёмғир эмас, шудринг тегса ҳам занглайди, ўтмаслашиб қолади;

Токнингни тўғри бос, пойафзалнинг пошнаси

ейилмасин;Сувнинг бир томчиси ҳам азиз. Уни

қадрланг;

Нонинг уволи турмушга, қоғознинг уволи обрўга путур етказади;

Увоқни кўрдингми, кўзингга сурт, қоғоз парчасини четга олиб қўй;

Рўзғорингда ҳеч бўлмаса, ўтин ёки ун, ёғ ортиб туриши керак;

Икки киши учун тайёрланаётган маставага икки дона картошка, бир дона пиёз, ярим пиёла гуруч етади.

Эртага ичаверамиз деганинг хато, қолган овқат совийди, қуюлиб қолади, ачийди. Овқатни ҳар куни янгидан ҳозирлаш керак деган мазмунни оламча бўлган бу ўгитлар ота-оналар томонидан фарзандлар онгига сингдирилаётгани хасислик аломатлари эмас, балки турмуш тажрибасининг дурдона хулосаси, тежамкорликка ундашдир.

**Тежамкорлик** тарбиясига ахлоқий тарбиянинг ҳисоб-китоб билан яшашга ўргатадиган муҳим соҳаси саналади. Ишлаб чиқариш



корхонасидами, рўзғордами, табиат қўйнидами, қаерда бўлмасин, тежалган неъмат катта ижтимоий аҳамиятга эга. Агар биз ўзимизга берилган ризқу рўзимизни тежамкорлик билан истеъмол қилсак, жамиятимиз бойлигини тежаган бўламиз. Жамият мулкини, бойлигини тежаб борсак, унинг нафи ҳар бир кишига тегиши муқаррар.

Демак, жамият мулкини тежаш орқали ўзимиздан ташқари жамиятга маълум даражада фойда келтирган бўламиз. Ҳам шахсий, ҳам ижтимоий мулкни баробар тежаш эса биздан дунёқарашимиз ва ахлоқимиз, турмуш тарзимиз даражасини намоён этади. Тежамкорлик жараёни оила ёки давлатнинг моддий қудратини мустаҳкамлашдан ташқари, одамларни турмуш кечириш меъёрига амал қилишини ҳам вужудга келтиради. Нон, туз, қоғоз, ёқилғи, электр қуввати, газ, нефт, руда, мато, кўйлак, барча неъматлар-азиз. Аммо инсон ўзи яратувчи, ўзи истеъмолчи, ўзи назоратчи бўлганлиги учун ҳам, уларнинг ҳаммасидан арзонроқдир. Шу сабабли, аввало, инсоннинг ўзини унинг умри, кучи, ақл-заковати, истеъдоди, кайфиятини, меҳнатга қобилиятини асраш умрининг узайтириш тежамкорликнинг энг хусусиятли томони ҳисобланади.

Вақт инсон ихтиёридаги бебаҳо хазина. Уни фақат дунёни ўрганиш ва ўзгартиришга, шахсий манфаати ва эл-юрт хизматига, меҳнат самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга сарф этиш хусусияти ҳар

бир кишида шаклланиши зарур бўлган улуғвор фазилатдир. Тежамкорлик хусусиятлари кишиларда уларнинг маънавий хислатларига мувофиқ равишда шаклланади ва хасислик, пишиқлик, саховатлик, ҳалоллик тарзида кўзга ташланади. Хасис кишилар ўз имкониятларини тежашга доимо интиладилар, аммо ўзгаларнинг ва жамият манфаатини ҳимоя қилишга мойил бўлмайдилар, ундайлар шахсий манфаат, бойлигини кўпайтириш васвасаси билан ёниб, инсоф, мурувват ва одамийликни унутиб яшайдилар. Бундай кишилар сархил мевамиз бозорига, сутимизнинг қаймоғи харидорга, нонимизнинг мағзи, кўрпа-тўшакнинг янгиси, хонамизнинг чиройлиси меҳмонга, ўзимиз сифатсиз неъматларни тозалаб еб, лаби учган идишлар ишлатсак ҳам, яшасак ҳам бўлаверади, деб тушунадилар. Бу билан обрў орттиришга интиладилар. Улар "Топганингдан етарлисини еб-ичиб, кий, саломат, тетик, беармон яша», деган ғояга қарши иш тутиб, фаровонлигимизнинг асл мазмунига путур етказадилар: яшаш ва даромад қилишнинг виждонга, тарбияга хилоф усулларини қўллаб, бизлан кўпчиликнинг нафратига дучор бўладилар, ўз хасисликлари, ясама хушомадлари, ёлғон мулозаматлари билан турмуш

кечириш, меҳмон кузатиш ва фарзанд тарбиялаш маданиятига доғ туширадилар.

Пишиқлик даромад ва харажатни тўғри режалаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, хўжасизликнинг олдини олиш манбаидир. Рўзғорда ёки хўжаликда бор нарсани қизғанмаслик, инсон қадрини моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш сахийлик аломатидир. Сахийлик кишиларда камтарлик, соддалик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик, самимийлик, меҳмондўстлик, муҳтожни қўллаш, берилган ёрдамни таъна қилмаслик хусусиятлари устун бўлади. Сахийлик юксак даражадаги инсонпарварликдир.Шу билан бирга сахийлик, тежамкорлик руҳи билан суғорилмоғи керак. Ёшларга даромад ҳажмини белгилаш ва харажатнинг меъёрини барқарорлаштириш, бошқача айтганда, неъмат яратиш ва уни тасарруф этиш режасини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш кўникмаси сингдирилиши даркор. Қиймати қай даражада бўлишидан қатъий назар, нарсани эгасидан
сўраб ёки рози қилиб олиш, омонатни эҳтиётлаб ишлатиш ва қайтариш ҳалоллик белгисидир.

Ёшларга нимани, қачон, нима учун ва қай даражада асраш лозимлиги, тежашнинг моҳияти ва усулларини тўғри англатиш тежамкорлик тарбиясининг мақсади ҳисобланади. Бу мақсаднинг тўлақонли амалга ошиши ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарлар, жамоатчиликнинг фаоллигига боғлиқ. Ҳар қандай ота-она ўз фарзандини вояга етказиб, уйли- жойли қилгунга қадар, ҳатто ундан кейин ҳам ўтдан, сувдан, шамол ва офатдан, синиш, чиқиш, заҳарланиш, ғафлат ва хаёсизликдан, саёқлик ва бегимликдан, моддий танглик ва жиноят қилишдан, хижолатлик ва ғанимлар назаридан қудрати етгунча эҳтиётлайди, асрайди.

Демак, тежамкорлик тарбиясининг мазмуни, таъсирчанлиги ва самараси билан болалар дастлаб ўз оилаларида танишадилар. Ота-онанинг хал қилувчи роли ана шу танишувдан бошлаб юзага чиқади ва секин-аста кучая боради. Намуна кўрсатиш, ишонтириш, насиҳат қилиш, маслаҳат бериш йўли билан фарзандларини тежамкор бўлишга сафарбар этиш, улар фаолиятини доимо назорат қилиб бориш, лозим бўлса, исрофгарчилик қилганлари учун жазолашва ота-оналарнинг тарбиялай олиш маҳоратларига боғлиқ. Тарбиявий таъсир тарбияланувчи шахсида қисқа муддатли, узоқ муддатли, беқарор ёки турғун асорат ҳосил қилиши мумкин. Таъсир қанчалик тўғри, асосли ва кучли бўлса,фарзандларда тежамкорликка мойиллик, ишқибозлик шу қадар мустаҳкам шаклланади.



Ота-оналар ҳовли ва хонадонларни тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакни ямаш, рўзғор асбоблари ва уйдаги жиҳозларни таъмирлаш соҳасида болалар меҳнатини ташкил этадилар.

## 1. ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ПЕДАГОГИКАСОСЛАРИ

Ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда яшаш инсонлардан,айниқса ёшлардан кенг иқтисодий билимларга эга бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам уларни ёшлигиданоқ иқтисодий билимлар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон давлатининг моддий ва маънавий ўсиши борасидаги иқтисодий қонунияти билан ўқувчилар табиий фанлар мазмунида танишадилар. Одобнома дарсларида болалар халқ фаровонлигини юқори даражага кўтариш учун қандай тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик иқтисодий вазифалар бажариши лозимлигини ўрганадилар. Табиатшунослик, она тили, меҳнат ва кейинчалик таълим жараёнига киритилган иқтисодий билим, тежамкорлик асослари фанларини ўқитишда, дарсдан ташқари турли тарбиявий тадбирларда ҳам ўқувчиларни иқтисодиётимизга оид кўплаб масалалар билан таништиришимумкин.

2001-йилда Қ.Абдуллаева, М.Юсупова, М.Махмудова, М.Мавлоновалархаммуаллифлигида чоп этилган 2-синфлар учун Ўқиш дарслигида тежамкорлик тарбияси шакллантирилган бир канча мавзулар келтирилган. Мисол қилиб “Тежамли бўлинг” матни, “Вақт қадри” ҳикояси, “Китоб дейди”шеърларини келтиришимиз мумкин.

Бу мавзулар ўқувчиларга китобни йиртмай, асраб-авайлаб, ўзидан кейинги ўқувчиларига яхши аҳволда етказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, вақтни бефойда сарфламаслик лозимлигини уқтиради.

Мамлакатимизнинг биринчи президенти И. А. Каримовнинг деярли барча нутқ ва асарларида иқсодий масала алоҳида ўрин эгаллаган. Масалан, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992) асарида “Ички
сиёсатнинг негизи-инсон манфаатларига қаратилган меҳнатини рағбатлантириш кучли механизмга эга бўлиш ва аҳолини ижтимоий ночор

қатламларини давлат йўли билан химоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир" [1], дейилади. Асарда бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари вабосқичлари ҳақида фикр билдирилади.

"Ўзбекистон иқсодий сиёсатининг устувор йўналишлари" (1993) рисолада эса: "Ўзбекистон танлаб олган йўл республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисотдир"[2], - деб кўрсатилади. Асарда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, хўжалик алоқаларини хар томонлама ривожлантириш, иқтисодиёт таркибини қайта қуриш каби бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтиладики, бу фикрларни ўқувчиларга тушинитириб бориш ўта зарур. Чунки ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик технологиясининг ёшлар онгига сингдириш орқали биз уларда иқтисодий тарбияни шакллантириб борамиз. Иқтисодий тарбия нима деган саволга эса қуйидагича жавоб беришимиз мумкин.

"Иқтисодий тарбия" деганда ўқувчиларда тадбиркорлик,тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб- китоблар ҳақида аниқ фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир деб тушунадилар.. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан доимий бойитиб келинган. Ал-Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино асарларидаиқтисодий тарбия ва уни болаларга ўргатиш ҳақидаги муҳим фикрларни кўриш мумкин. Болаларни ишбилармонлик, тежамкорликка ўргатиш оиладанбошланади. Ўқувчилар мактабда турли фанларни ўқиш жараёнида хам иқтисодий билимларга эга бўладилар. Давлатимизнинг моддий ва маънавий юксалиши борасидаги иқтисодий қонунлар билан ўқувчилар табиий фанларни ўрганишда танишса, табиатшунослик, она тили ва меҳнат дарсларида халқ фаровонлигини юқори даражага кўтаришда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимлар зарур бўлади деган фикрни педагогика фанлари доктори Х.Ж.Худойқулов ўзининг илмий асарларида бериб ўтган.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз мустақил ва тараққиёт йўли. -Т.:Ўзбекистон,1992.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т.:Ўзбекистон, 1993.



Шу билан бир қаторда олимлар ҳам меҳнат дарсларининг хам иқтисодий тарбия беришдаги ўрнига ҳам тўхталиб ўтади. Айникса ижтимоий фойдали меҳнат орқали оилада ва мактабда, шунингдек бошланғич синфларида ўтиладиган барча фанлар замирида иқтисодий тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш орқали уларни ҳаётга тарбиялаб бориш йўлга қўйилмоқда.

Бошланғич таълимнинг 4-синфларида ўқувчиларга сингдирилиши лозим бўлган тушунчалар нафақат дарс жараёнида балки дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларда ҳам, ҳар хил ўйинларни ўтказиш жараёнида ўқувчилар онгига сингдириб борилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки ўқувчиларда иқтисодий тарбияни шакллантиришда меҳнатнинг ўзига хос таъсир этиш кучи бор. Шунинг учун ҳам ўқувчида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни шакллантиришда меҳнат тарбияси биланинтеграсиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам меҳнат тарбиясига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Меҳнат тарбияси болаларда меҳнат қилиш истаги ва интилишини таркиб топтириши, уларни жамиятимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилишга амалий тайёрлаш лозим. Бунинг учун болаларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига чуқур ҳурмат ҳисларини тарбиялаш керак. Ўқувчиларга турли дарслар жараёнида ва дарсдан ташқари тадбирларда, оиладаги ўзаро муносабатларда меҳнат тарбияси бериш мумкин. Айникса, меҳнат дарсининг меҳнат тарбияси беришдаги ўрни жуда каттадир. Меҳнат, меҳнаткашлар ҳақида суҳбатлар,мунозаралар, меҳнат фахрийлари ва илғорлари билан учрашувлар, мактабларда ўтказиладиган ҳосил байрамлари, наврўз байрами ва бошқалар орқали ҳам меҳнат тарбияси бериш мумкин. Бизга маълумки, қадимдан ота - боболаримизнинг кундалик ҳаётига бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб борган. Шусабабли ҳам улар яшаш учун курашганлар.

Бунда ота боболаримиз ўзларидаги табиий эҳтиёжни табиат қонунлари доирасида қондириб бориш жараёнларида айрим тўсиқларга дуч келганлар. Мисол учун, бундай тўсиқлар қаторига табиатда юз бериб турадиган табиий офатлар ҳамда ҳайвонларнинг мавсумга қараб ўз жойларини ўзгартириб туришлари уларни яшаш учун курашишга ундаган. Шунинг учун ҳам уларда табиий эҳтиёж билан бир қаторда моддий эҳтиёжлари кучайиб борганлиги сабабли ҳам ўзлари учун керакли бўлган озуқаларни ғамлаш, сақлаш, кераклижойларга олиб бориш, табиий офатлардан сақланиш воситаларини ихтиро қилган. Улар совуқдан

сақланиши учун иссиқ пана жойлар излаши натижасида, горлар, уйлар, ясаганлар. Кейинчалик эса, уни иситиш воситаси зарурлигини сезиб, қуёш тафтини қумсаганлар. Хом озуқаларини пиширишга бўлган эхтиёжлари кучайган, натижада олов кашф қилган.

Қалимдан ота-боболаримиз тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисоднинг ҳамма нарсадан устунлигини тушуниб етганлиги боис ҳам ёш авлодлар онгига иқтисодий билимларни аста-секинлик билан сингдириб келишган. яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, мафкуравий ҳамда меҳнат маданиятини шакллантириш каби тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратишдан иборатдир. Юқоридаги тарбияга оид тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришда ҳамда ижтимоий буюртмани тўлақонли амалга ошириш нуқтаи назаридан бир қатор олимларимиз ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашга ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўқувчи пулнинг вазифасини, оила ва мактаб бюджети структурасини, товарлар нархи қандай ва уларнинг нималарга боғлиқ бўлишини, бойликнинг қандай шаклланиши ва унинг манбалари нималардан иборатлигини ва ҳоказоларни аниқ тасаввур қилиши лозим.

Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки ёшларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни юксалтириш орқали гуллаб яшнаб келаётган юртимизнинг иқтисодиётини янада юксалтириш ва унинг тараққиётига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимларни бошланғич синф ўқувчиларига айнан 4-синф ўқувчиларига ўргатишда 1-синфдан 4-синфгача бўлган жараёнда ўргатилган тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчалар такомиллаштирилади, бойитиш янада яққол ҳаётий масалалар билан тушунтирилади. Иқтисодий қонунлар - иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий такрорланиб, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия ишлаб чиқаришнинг жамиятдаги тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситалари ва иш қуролларининг моҳияти, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш ва одамларда шу билимларга кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимлар билан қуроллантириш нима учун керак? деган саволга ҳеч иккиланмасдан шундай жавоб бериш мумкин бўлади. Бугунги



кун, кечаги кун билан шуниси билан фарқ қиладики биз бозор иқтисодиётига асосий даврда яшаяпмиз. Демак, бизнинг фарзандларимиз бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топиши керак. Уларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия беришда, иқтисодий қонунлар, обектив иқтисодий воқеликнинг назариясини, обектив реалликни, илмий башоратни ўргатиб боришимиз керак. Бизга маълумки, тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия қонунлари, уларнинг ривожланиши алоҳида шахсларнинг истагига, кишиларнинг онгига қараб амалга оширилмайди. Маълум тарихий даврларда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражасига, мавжуд иқтисодий тизимнинг хусусияти ва шарт-шароитга мос келадиган иқтисодий қонунлар вужудга келади ва амал қила бошлайди.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий қонунлар кишиларнинг иқтисодий фаолиятидан ташқарида, улардан ажралган ҳолда амал қилмайди, балки айнан уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари, иқтисодий хулқ-атвори
туфайли таркиб топади ва улар орқали намоён бўлади. Шунинг учун инсонлар тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия қонунларининг хусусиятини билиб, уларнинг, талабларини ҳисобга олиб, улардан фойдаланишлари лозим бўлади. Масалан, одамлар вақтни тежаш қонунини, ишлаб чиқариш ёки бозормуносабати қонунлари талабларини билиб, шунга биноан фаолият юритса, иш вақти ва бошқа чекланган ресурслар сафини тежаш билан бирга ўз фаолиятларини самарали олиб боришлари мумкин. Бу талабларга зид ҳар қандай қарор ва хатти-ҳаракатлар кишиларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар, муқаррар равишда хўжалик фаолиятида қийинчиликларга, ресурслар исрофгарчилигига олиб келади.

Иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунларга ўхшаб, уни билиб, ўз фаолиятида фойдаланилса инсониятга, катта фойда келтиради, агар унинг мавжудлигини тан олмасдан, талабларини билмасдан ёки менсимасдан кўр- кўрона хатти-ҳаракат қилинса, бу катта салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келди. Лекин иқтисодий қонунлар табиат қонунлари билан тамомила бир хил эмас. Уларнинг фарқи шундаки, табиат қонунлари доимийдир, иқтисодий эса ижтимоий ҳаёт қонунлари бўлиб, тарихдир ва ўзгарувчандир, чунки у кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб кишилик жамияти мавжуд бўлганда пайдо бўлади ва амал қилади.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия категориялари

доимо такрорланиб турадиган, иктисодий жараёнлар ва реал ходисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий назарий тушунчадир. Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия категориялар (илмий тушунчалар) кишилартомонидан ўйлаб топилмаган балки, реал иктисодий ходисаларни ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий фикрлаш махсулидир. Масалан, бозор,капитал, ишчи кучи, иктисодий мувозанат, молия, кредит боскичлари шулар жумласидандир. Иқтисодий конунлар билан тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иктисодиётнинг турли бўғинлари, соҳалари бўлаклари орасидаги боғликликни уларнинг бири ўзгарса, албатта, иккинчиси хам ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия категорияси илмий тушунчалари эса, иктисодий ходисаларнинг бир томони, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, нарх, талаб деган тушунчалар оркали биз, энг аввало, бу тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни оркали эса, талаб хажми билан нарх ўртасидаги алоқадорликни билиб оламиз. Шунинг учун, хар бир иктисодий конун атрофида икки ёки бир нечта илмий тушунчалар бўлиши мумкин-ки, уларни билмасдан туриб иқтисодий конуннинг мазмунини тушуниш ва унинг табиатини билиш қийиндир. Масалан, биз юқорида айтганимиздек, талаб конуни мохиятини билиб олишимиз учун нарх ва талаб тушунчалари мазмунини билишимиз зарур бўлса қиймат конунини тушуниш учун товар, пул, қиймат, нарх, мехнат каби тушунчаларнинг мазмуни билан таниш бўлишимиз лозим. Умуман олганда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия конунлари ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб улар бир-бирини тўлдиради. Уларни биз ўзимиз тўлик англаб етканимиздан кейин, ўқувчиларга иктисодий билимлар беришимиз ва шу орқали ўкувчиларда иқтисодий, билим, иқтисодий маданият, иктисодий дунёкарашлар амалга оширилади. Иқтисодий конунларни ўргатиш оркали биз ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, қилаётган саъй- харакатилари самарали бўлишга, тежашга, моддий имкониятлардан авайлаб фойдаланишга ўргатиш лозимдир.

Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия масалаларини такомиллаштирилар экан, бевосита бугунги бизнесни молиялаштириш ва молия кредит масалаларини такомиллаштириш ишларига алохида эътибор берилмокда.

Хар кандай тадбиркор бу масалаларни яхши билиши лозим.



бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан хамкорлик технологиясининг йўлга қўйишида юртимиздаги илмий-назарий ижтиларни билишимизни такоза этади. Республикамиздаги тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқбўлиб, ушбу мурожаатларнинг асосий кисмида кредит ставкаларинингюқорилиги ва ўйлаб кредитларнинг киска муддатга, тадбиркор учун нокулай шартларда берилаётгани қайд этилган.

Ҳакикатан хам, тан олиб айтишимиз керак, тадбиркорларга бугунги кундаберилаётган аксарият кредитларнинг муддати 3 йилдан ошмайди.

Шунингдек, банклар томонидан 18 мингга якин тадбиркорга йиллик 8 – 10 фоизда хорижий валютада берилган кредит, валюта курсининг мунтазам ўсиши хисобидан, қўшимча харажатларни юзага келтирмокда.

**Биринчидан**, банкларнинг капиталини ошириш бўйича қўшимча имкониятлар ишга солинади. Келгусида банкларга Тикланиш ва тараккиёт - жамғармасидан бозор тамойиллари бўйича қўшимча 600 миллион долларажратилади. Бу маблағлар танлов асосида, ҳам давлат, ҳам хусусий банкларгажойлаштирилади.

**Иккинчидан,** юқорида кайд этилган маблағларни жалб этмокчи бўлган банкнинг ўзи хам ташқи ва ички молия бозорларидан камида 30 фоиз қўшимчаресурслар жалб қилади. Жумладан, банклар томонидан келгуси йили халкаромолия бозорларида миллий валютада 5 триллион сўмлик евробондлар чиқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистон бозорида ишлашга тайёр, замонавий технологияларга эга бўлган йирик хорижий банкларнинг юртимизга кириб келиши учун кенг имкониятлар яратилади. Бу ўз навбатида, тадбиркорларимизучун кулай шароитлар таклим этади ва банк тизимида биз учун нихоятда керакбўлган соғлом рақобатни шакллантиради.

**Учинчидан,** банклар четдан ресурсни кандай валютада жалб этишидан қатъи назар, тадбиркорларга кредитни миллий валюта — сўмда ва бизнес вакиллари учун макбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади. Шу учун Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва худудларда унинг филиаллари ташкил этилади. Ушбу компания банклар томонидан чет эл валютасида жалб қилинаётган маблағларни сўмга ўтказиб, кредитни ички бозорда фақат миллий валютада бериш учун зарур шароит яратади.

**Тўртинчидан,** бундан буён Ҳукумат томонидан халкаро молия

ташкилотларидан жалб қилинаётган имтиёзли маблағлар ҳисобидан банкларгабериладиган кредитларнинг муддатини чеклаш амалиёти бекор қилинади.

**Бешинчидан,** жорий йил 1 октябрдан бошлаб илгари 1 миллион долларгача хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тадбиркорнинг жами 1 миллиард долларга яқин кредитлари, тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан миллий валютага ўтказиб берилади.

Умуман, юқорида таклиф этилаётган механизмлар ҳисобидан тижорат банкларида ҳар йили ўртача 30— 40 триллион сўмлик миллий валютадаги узок муддатли қўшимча ресурслар шаклланади. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар миллий валютадаги кредитларни узок муддатга ва ҳозирги ставкалардан камида 5 фоиз арзон олиш имкониятига эга бўладилар.

Лекин кредит бўйича фоиз ставкаларини сунъий пасайтирилиши, пул- кредит бозоридаги мувозанат бузилади. Шунинг учун иқтисодиётга арзон кредит берамиз деб, макроиқтисодий барқарорликни унутиб қўймаслигимиз лозим. Барқарорлик бўлмаса, иқтисодий ўсиш бўйича кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Бу борада фоиз ставкаларига бевосита таъсир этадиган инфляцияни, яна такрор айтаман, инфляцияни пасайтириш ҳамда банк орқали кредитлаш жараёнини тўлиқ бозор механизмларига ўтказишга қаратилган ишларни изчилдавом эттирамиз.

Замонавий бозор тамойилларида ишлаш учун ҳудудларда банклар лойиҳафабрикалари ва тадбиркорликка ўқитиш марказларини ташкил этиб, хорижий мутахассисларни жалб қилмоқда. Ушбу марказлар тадбиркорларга, айниқса, ёшларга ўз ғояларини амалиётга татбиқ этиш, бизнес режаларни ишлаб чиқиш,маблағлар жалб қилишга ёрдамлашади ҳамда уларга бизнес жараёнинингбарча занжирида кўмаклош бўлади.

Умуман, инфляция даражасини жорий йилдан10 фоизгача, кейинчалик 5 фоизга тушириш режалаштирилмоқда. Бу эса табиий равишда кредит ставкаларини ҳам мақбул даражага тушириш ва муддатини узайтириш имконини беради.

**Олтинчидан,** ислоҳотларнинг муҳим бўлган оилавий тадбиркорлик йўналишида ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Бу янги тизимда одамларимиз тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳокимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмайди, асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун - таъминотчини қаердан топаман, деб, бош қотиришга зарурат қолмайди.



Кредитни расмийлаштиришдан тортиб, маҳсулотни олиш ва етишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда, онлайн шаклида ҳал қилинади. Ўз навбатида, ушбу платформа таъминотчи корхоналар учун ўзлари ишлаб чиқарган асбоб-ускуналар, хом ашё ва тайёр маҳсулотларни тўғридан-тўғри сотиш имконияти яратилади.

**Еттинчидан,** Президентимизга йўлланган кўплаб мурожаатларда бизнесни молиялаштириш манбаларини янада кўпайтириш мақсадида банкдан ташқари кредит ташкилотларини очиш ва юритишга бўлган мавжуд талабларни камайтириш ва енгиллаштириш сўралган. Шунинг учун жорий йилдан микромолия ташкилотларини лицензиялаш тартиби тўлиқ бекор қилинади. Энди улар ўз фаолиятини бошлаши учун фақатгина Марказий банкреестрига киришлари кифоя.

Шунингдек, бундан буён уларга касса учун хоналар ташкил этиш, ҳудудларда филиаллар очишда Марказий банкнинг розилигини олиш шарт бўлмайди. Улар томонидан тадбиркорларга бериладиган микрокредит (300 миллион сўм) ва микролизинг (600 миллион сўм) учун амалдаги чекловлар ҳамолиб ташланади.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотларига бошқа ташкилотлардан маблағлар жалб этиш, облигациялар чиқариш ҳуқуқлари ҳам берилади. Шунингдек, ушбу ташкилотлар, худди банклар каби, тўловларни қабул қилишваколатига ҳам эга бўлишади.

Умуман, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан ҳам кредит бозорида тадбиркорларимиз учун йилига қўшимча маблағ шаклланади.

Ҳар қандай тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бевосита солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш учун янги чораларни излаб топишга ҳаракат қиладилар. Маълумки, сўнгги уч йилдасолиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди. Мол-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди.

Бу эса, ўз навбитида, тадбиркорлар ихтиёрида қолган ўз маблағини бизнес фаолиятига сарфлаш имконини беради.

**Биринчидан,** Бу борада Президентимиз аниқ қилиб 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади деб айтиб ўтдилар. Бунга қонун билан кафолат берилган. Жумладан, ушбу тадбиркорлар инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган эди.

Шунингдек, ички бозорда тенг рақобат бўлиши учун экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга олиб келинган хом ашё импорт божидан озод этилади.

Айни пайтда бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Ҳозирги кунда Республикамизда қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини яратиш бўйича катта ислоҳотлар олиб борилаяпти. Шу боис махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

**Иккинчидан,** мамлакатимизда қурилиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Масалан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ цементнинг таннархида — 14 фоиз, асфальтда — 10 фоиз, қум-шағал аралашмасида — 7 фоизни ташкил этади.

Шу боис норуда қазилмаларга (қум-шағал, оҳактош, гипс, доломит каби) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2 баробар камайтирилади.

**Учинчидан,** биз хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Қисқа муддатда янги иш ўринларини яратадиган соҳалардан бири ҳам сервис соҳаси ҳисобланади.

Бу борада умумий овқатланиш ва туризм корхоналаридан ўтган йили - берилган имтиёзларни узайтириш бўйича 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Шу боис жами 13 мингта умумий овқатланиш корхонаси йил якунигача ер ва мулк солиғидан озод этилади.

Шу билан бирга, туризм компаниялари ва меҳмонхоналарни туристик йиғимлардан 2 йил муддатга озод этилса бу — ҳозирги қийин шароитда тушуми камайиб кетган 2 минг нафар тадбиркор ихтиёрида 150 миллиард сўм қолишини англатади.

**Тўртинчидан,** бугунги кунда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операциялари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд. Пандемия сабабли ушбу тадбиркорларга жарима солиш ва ҳозирги пайтгача қўлланган 6 триллион сўмлик жарималарни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади.



**Бешинчидан,** солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ идораларининг назорат функцияларини такомиллаштириш юзасидан жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби эса тўлиқ бекор қилинади.

**Олтинчидан,** амалдаги тартибга биноан, тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот топшириш билан бирга, ундаги фарқни қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида мурожаат қилишган ва тадбиркорнинг фаолиятига

бевосита боғлиқ бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча сарсонгарчиликдан озод деганини англатади.

**Тадбиркорларга ер ажратиш**

Тадбиркорларни энг кўп қийнаётган муаммолардан яна бири — ер ажратиш масаласи ҳисобланади.

Жорий йилда ушбу йўналишда катта ислоҳотларни бошладик. Бу бордаОлий Мажлис палаталари томонидан маъқулланган қонунни куни кеча имзоландим. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихидаислоҳотлар йўлидаги энг катта қадамлардан бири бўлди. Мана шу ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳолимиз ҳам яхши тушуниб олишлари зарур.

**Биринчидан,** ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

**Иккинчидан,** биз барча ерларни икки тоифага, яъни қишлоқ хўжалиги ерлари ва қишлоқ хўжалигига кирмайдиган ерларга ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари — бизнинг бебаҳо миллий бойлигимиз, бу — озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси, оддий қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти, дегани. Шунинг учун ушбу ерлар очиқ танлов асосида фақат ижарага берилади. Танлов — ҳар бир ер участкаси бўйича "бу ерни олишга ким энг кўп ҳақли?" деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади.

Бу танловда барча — деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади.

**Учинчидан,** қишлоқ хўжалигига кирмайдиган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади.

Биз сўнгги бир ярим йил давомида ерларни аукцион орқали очиқ-ошкорасотиш бўйича етарли тажриба орттирдик. Лекин таҳлиллар шуни

кўрсатмоқдаки, аксарият холларда аукционга қўйилган ер майдонлари тадбиркорга маъкул жойлардан эмас, балки олис, чекка худудлардан, инфратузилмаси бўлмаган жойлардан берилган.

Бундан буён ер майдонлари факат ва факат очиқ-ошкора аукцион орқалихусусий мулк сифатида сотилади ёки ижарага берилади.

Бир нарсани аниқ билиб олиш зарур: хусусийлашгани билан ер майдонлари камайиб ёки кўпайиб қолмайди, лекин унинг бозор қиймати пайдо бўлади. Ери бор одам ҳақиқий мулкдорга, капитал эгасига айланади.

**Тўртинчидан,** кўпчилик тадбиркорларни ўз корхонаси жойлашган ер майдонининг тақдири эртага нима бўлади, деган саволлар қийнаётгани ҳам бор гап. Ушбу корхоналарнинг хозир эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари, уларга мулк қилиб расмийлаштириб берилади. Яъни, бу ерни бошқа одам сотиб ололмайди, уни хусусийлаштиришга фақат ер эгасининг ўзи ҳақли бўлади. Бунда ернинг турига қараб, унинг жойлашган худудидан келиб чиқиб, ерлар имтиёзли - шартлар асосида ушбу корхоналарга хусусийлаштириб берилади.

Бундан кейин тадбиркорлар ердан юқори ликандли актив ва гаров объекти сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўйлайманки, бундай янгиликлар тадбиркорларимиз узоқ йиллар кутган тарихий адолатни рўёбга чиқаради.

**Бешинчидан,** бундан буён давлат мулки объектларини улар жойлашган ер билан бирга, ягона мулкий мажмуа сифатида аукцион орқали сотилади.

Бинони сотиб олган тадбиркорлар унга бириктирилган ерга ҳам хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилади.

**Олтинчидан,** бундан кейин янги ер майдонларини аукционга чиқаришдан олдин ҳар бир ҳудудни ривожлантириш бўйича аниқ режани тузиб олишимиз зарур.

Кўплаб тараққий топган давлатлар тажрибасини ўрганганимизда, бирорта мамлакатда ер майдонларини режасиз бериб юбориш мумкин эмаслигига гувоҳ бўлдик. Олдин аниқ ҳудуд танлаб олиниб, унинг "мастер-плани" ишлабчиқилади.

Қаерда — уй, қаерда — мактаб, қаерда — ишлаб чиқариш бўлиши аниқ белгиланиб, инфратузилмалар яратиш режаси тузилади. Шундан кейингина еручасткалари аниқ лойиҳа билан савдога чиқарилади.

Шунинг учун вилоят ҳокимлари кадастр ва архитектура идоралари



билан бирга, ушбу тажриба асосида ишларни ташкил этишлари, аниқ ҳудудни белгилаб, режасини тасдиқлаб, кейин ерлар аукционга қўйилади.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда махсус жамғармалар ташкил этилади ва ермайдонларини сотишдан тушган маблағ тўлиқ туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилиб, тадбиркорлар учун инфратузилма яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Ишлаб чиқаришда яхши натижага эришишда четга маҳсулотларни чиқариш ва яхши даромад олишдир.Бунда Экспортер корхоналарни қўллаб-қувватлаш кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалбэтишни такомиллаштириш лозимдир.

Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш борасида ҳам бошлаган ислоҳотларимиз қатъий давом эттирилади.

**Биринчидан,** ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби амалда ўз самарасини берди.

**Иккинчидан,** кўплаб экспорт қилувчи корхоналарнинг асосий муаммоларидан бири, бу — айланма маблағ етишмаслигидир.

Энди бу имкониятлар янада кенгайтирилиб, йилига 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион долларгача имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

**Учинчидан,** кўплаб тадбиркорлар юқори сифат ва назорат тизимига эга бўлган мамлакатлардан (Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби) сертификатланган асбоб-ускуна ва хом ашёларни олиб келганида, миллий сертификат олиш талаби мавжудлигини эътироз сифатида қайд этишган.

**Тўртинчидан,** ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш мақсадида божхона божлари 2 баробар пасайтирилган.

Маҳсулотларни рақобатбардош бўлиши, янги бозорларга чиқиши, умуман худудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт— логистика масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳсулотларимиз рақобатбардош бўлиши, янги бозорларга чиқиши, умуман, ҳудудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт- логистика масалалари муҳим ҳисобланади.

Бу борада транспорт коридорларини ривожлантириш, юкларни божхона орқали ўтказишни соддалаштириш ва рақамлаштириш,

транспортхаражатларини қисман қоплаш тизимини йўлга қўйилди.

Бунинг учун, **биринчидан**, юк автомобилларини олиб киришга 2 йил аввал божхона имтиёзлари берилиши хисобидан автотранспортда ташиш хизматлари 2 баробар арзонлашган, юк ҳажми эса 1,5 марта ошган. Шуни инобатга олиб, имтиёзларни яна 3 йилга узайтириш бўйича янги қарор имзоланган.

**Иккинчидан,** Шунингдек, Транспорт вазирлиги келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳар бир хизматнинг таннархи ва унинг таркибини кенг жамоатчиликкаэълон қилиб боради.

**Учинчидан,** темир йўл соҳасида келгуси 5 йил учун 7 мингдан зиёд юк вагонларига эҳтиёж мавжуд. Бу муаммони давлат томонидан эмас, балки худди электр энергияси ёки цемент ишлаб чиқаришда бўлгани каби, фақат ва фақат хусусий секторни жалб этиш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин.

Шунинг учун келгуси йилда ўз вагони ва контейнерига эга бўлган хусусий логистика операторлари фаолияти йўлга қўйилади ва тарифлар иккига ажратилади. Бунда давлат томонидан фақатгина темир йўл инфратузилмаси ҳамда локомотив хизматлари тартибга солинади, юк вагонлари хизмати эса бозор тамойиллари асосида ташкил қилинади. Шу сабабли хусусий

тадбиркорларга темир йўл вагонларини олиб келишга берилган имтиёзлар 2025 йил 1 январгача узайтирилиши кўзда тутилган.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва хусуий мулк дахлсизлигини таъминлаш лозимдир.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсат давом эттирилиши кўзда тутилган.

**Аввало,** бугунги кунда, тадбиркорлар учун назарда тутилган субсидиялар олиш жараёни ўта мураккаблигича қолмоқда.

Бунга сабаб — ушбу субсидияларни тўлаш тартиби мураккаб ва рақамлаштирилмаган. Тадбиркор субсидияни олиш учун ўртача 5 та ҳужжатни тақдим этиши, 10 та вазирлик ва идорадан хулоса олиши зарур. Бунга камида бир ой кетади.

Бундан ташқари, 60 фоиз чорвадорлар субсидия олиш жараёнини мураккаб деб ҳисоблайди. Шу боис келгуси йил 1 январдан бошлаб субсидияларни ажратиш бўйича мурожаатлар "ягона дарча" тамойили асосида қабул қилинади, бу жараёнда иштирок этадиган давлат идоралари



сони 2-3 баробар қисқартирилиши кўзда тутилган.

**Иккинчидан,** ўтган бир йилда тадбиркорлардан талаб қилинадиган 400 дан ортиқ лицензия ёки рухсатномалардан 114 таси бекор қилинган.

Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча рухсат этувчи ҳужжатлар онлайн тарзда расмийлаштирилади. Жорий йил якунига қадар лицензия ёки рухсатномалар сони яна камида 30 фоизга қисқартирилиши режалаштирилган.

**Учинчидан,** Сирдарё вилоятидаги "Wang Da Group" қўшма корхонаси - раҳбари Гўзал Тожимирзаева ва металлургия соҳасидаги 30 дан зиёд бошқа тадбиркорларимиз индукцион печлардан фойдаланишга рухсат берилишини сўраганлар. Ушбу мурожаатларни инобатга олиб, шу йил 1 ноябрдан барча техник талабларга тўла жавоб берадиган, замонавий индукцион печлардан фойдаланишга қўйилган чекловлар бекор қилиниши белгиланган. Бунда маҳсулот сифатини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ягона стандарт ва хавфсизлик талабларига тўла жавоб бериши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Тўртинчидан,** тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган ҳар қандай текшириш, мониторинг ва назорат тадбирларида адолат мезонлари ва қонун устуворлиги таъминланиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бунинг учун Савдо-саноат палатасига тадбиркорнинг розилиги билан барча текширишларда иштирок этиш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати берилган.

**Бешинчидан,** бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар бино ва иншоотларнинг бузилиши бўйича 349 нафар тадбиркордан 123 миллиард сўм қарздорликлари мавжудлиги сабабли барча вилоят ҳокимларига шу йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлар билан барча ҳисоб-китоблар якунига етказилиши, бир сўм ҳам қарздорлик қолмаслиги шартлиги тўғрисида огоҳлантирилганлар.

Янги Ўзбекистонни қуришдек буюк тарихий жараёнда сиз, ҳурматли тадбиркорлар зиммасида ҳам масъулият ва ислоҳотларимизга нисбатан дахлдорлик тобора ортиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада қуйидаги масалаларни алоҳида таъкидлаб ўтилган.

**Биринчидан,** ҳозирги кескин рақобат даврида, кичик бизнесга ҳар томонлама шароит яратиш билан бирга ўрта ва йирик бизнесни янада ривож-лантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу мақсадда тадбиркорларимизга бизнесни бошқаришдаги ўз

билим ва кўникмаларини ошириш, фаолиятига инновация ва илғор технологияларни кенг жорий этиши учун барча имкониятларни яратиб бериш мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчидан,** ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш

ва сифатини яхшилаш, мавжуд қувватлардан янада самарали фойдаланишимиз муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

**Учинчидан,** ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари бўйича фаолликни кучайтириш, бунинг учун импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш орқали, экспорт ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайтиришимиз лозим.

**Тўртинчидан,** замонавий хизмат турларини кўпайтириш, "IT", соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишларда давлат хизматларини аутсорсинг асосида ташкил этишда ҳам хусусий сектор фаол иштирокчи ва етакчи бўлиши шарт.

**Бешинчидан,** бизнес вакиллари ҳам ўз кадрлари замонавий билим олишлари учун барча имкониятларни ишга солишлари зарур.

Олийгоҳларда ўқитилаётган тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш бўйича таълим йўналишлари, ўқув дастурлари ва методологиясини, амалиёт билан уйғун бўлган замонавий ёндашувлар асосида чуқур қайта кўриш талаб этилади. Эл-юртга танилган, тажрибали тадбиркорларимиз мактаб, касб марказлари, олийгоҳларда мотивация ва маҳорат дарслари ўтказиб борсалар, ўзларининг мактабларини, ўқув марказлари ва базаларини ташкил этсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Олтинчидан,** ҳалол тадбиркор, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб, бу "яширин иқтисодиёт"га қарши курашнинг энг мақбул йўлидир.

Жорий йилдан бошлаб, иш ўрни яратишда, инновацияларни татбиқ этишда, солиқларни ўз вақтида тўлашда, экспорт қилишда, етук мутахассислар тайёрлашда барчамизга намуна бўладиган бизнес вакиллари ҳақида ҳар йили **"Йилнинг илғор тадбиркорлари"** китоби чоп этиб борилиши режалаштирилган. Бундай тадбиркорларимизни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотларини таъсис

этилиши кўзда тутилган. Ҳар йили **"20 августь Тадбиркорлар куни"** деб белгиланди. **"Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш**



**учун барча шароитларни яратиш — энг муҳим вазифамиздир"**-[8] деган эди ЎзбекистонРеспубликаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида.

## 3. ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЗАМОНАВИЙ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Оила жамиятнинг негизи, баркамол авлод ана шу оилада камол топади, тарбияланади. А.С.Макаренко "Ҳозирги ота-оналар болаларни тарбиялаш билан мамлакатимизнинг келажак тарихини тарбиялайдилар"[7]- деганниҳоятда доно сўзи бор.

Оилаларда ота-оналар, оиланинг кекса авлод вакиллари, ёши катталар томонидан амалга ошириладиган тежамкорлик болалар учун ўзига хос сабоқ бўлади. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигидан насиҳат йўли билан ўргатади. Оилада тежамкорлик ва эҳтиёткорликда тўғри йўл тутиш учун эса ота-оналарнинг ўзлари ўқувчиларига ўрнак бўлишлари зарур. Бинобарин, оиланинг тежамкорлик ва эҳтиёткорлик фаолияти тарбия ишида муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амалқилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги

даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Бозор иқтисодиёти — бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундан иқтисодиёт эркин товар-пулмуносабатларига асосланади, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, иқтисодий

7 Макаренко А.С. Педагогическая поэма. М.: Правда, 1987 г.

8 Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. – Т.: 2017 й.20 августь

монополизмни инкор этади.

Ўқитувчи ва ота-оналар ўқувчиларга оиланинг сарф-харажатлари структурасини очиб бериш керак:

кундалик харажатлар таркибини: овқатланиш, кийим-бош ва пойабзал, транспорт, квартира ҳақи, коммунал, маиший ва бошқа пуллик хизматлар;

бир йўла қилинадиган харажатлар таркибини: узоқ вақт фойдаланиладиган буюмлар (уй, дала ҳовли, квартира, транспорт воситаси, мураккаб уй-рўзғор техникаси, мебел, санитария техникаси, газ плитаси ва хоказо), уй анжомлари сотиб олиш, солиқларни тўлаш.

Оилада Ўқувчилар эхтиётк орлик ва тежамкорликка қанчалик яхши ўргатилса, бутун жамиятга ҳам, ўзига ҳам шунча кўп фойда келтирилади.

Ҳар бир бола оила аъзоси шу маънода у маълум даражада оила хўжалигининг ҳам иштирокчисидир. Бинобарин, биз ўқувчиларимизни фақат оила хўжалигинигина эмас, балки жамият хўжалигини тежаб-тергаб юритадиган садоқатли инсон қилиб тарбия қилмоғимиз лозим. Барча ота- оналар бундай тарбия мақсадлари тўғрисида ўзларида равшан тушунча хосил қилиб, шу асосида иш тутишлари зарур. Оила тарбия соҳасида тўғри раҳбарлик қилиш ёрдами билан ўқувчиларда софдиллик, виждонлилик, масъулиятлилик, зийраклик, уддабуронлик каби хислатлар тарбияланади.

Ибн Сино Ўқувчиларни ҳаётга таерлаш учун уларга ҳунар ўргатиш керак деб кўрсатади: "Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки ҳунар унга келажакда рўзғор тебратиши учун асқотади. Оилада иқтисодий тарбия ўргатиш замирида болада меҳнатсеварликни шакллантириш ётади. Бу шундай олиб борилиши керакки, бола ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин.

Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англайди.

Ҳунар эгаллаш ёшларни мустақилликка ўргатади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлади" Ота-оналар ҳовли ва хонадонлари тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакни ямаш, рўзғор асбоблари ва уйдаги жиҳозларни таъмирлаш соҳасида Ўқувчилар меҳнатини ташкил этадилар. Бунда ота-она юмушларни ўқувчиларга уларнинг жисмоний, ақлий,руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда топширишлари керак. Ота-она ишни топшириш билан чекланмай, бола уни қандай бажараётганини назорат қилиши, лозим бўлса, маслаҳат,



кўмак бериши, болани руҳлантириб туриши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларигава ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ. Бугун мактаб парталарида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улуғвор вазифаларни ҳал қиладилар. Бас, шундай экан, ёшларда шахсий ва ижтимоий турмуш масалаларини, шунингдек, Ватан мудофааси, халқаро муносабатлар ва табиат муҳофазаси билан боғлиқ равишда туғиладиган муаммоларни тўғри ҳал этишга яроқли бўлган қобилиятни, жумладан, тежаш ва тежамли бўлиш қобилиятини ҳозирдан бошлаб астойдил шакллантириш ва ўстириш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик технологиясининг ўзига хос-хусусиятлари ва бозор қонунларининг белгилари мавжуд:

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

-турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;

-тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;

-рақобат курашининг мавжудлиги;

-давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;

-корхона ва фирмаларнинг ички ҳамда ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги. Ана шу белгилар мавжуд бўлгандагина бозор механизми яхши ишлай бошлайди.

Буни бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганда ўргатилади. Энди уларда иқтисодий тарбия механизмини таркиб топтиришимиз зарур бўлади. Хўш энди иқтисодий тарбия ҳақида нималар дейиш мумкин ва у қандай амалга оширилади. Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини шакллантириш орқали биз мактаб ўқувчиларига иқтисодий тарбияни қандай қилиб сингдириш лозимлиги борасида ўз фикримизни бериб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бизга маълумки Бошланғич таълимнинг 4-синфида қуйидаги иқтисодий тушунчалар ўқувчиларга сингдирилиши керак. Булар: бизнес; бизнесмен; менежер; рақобат; унумдорлик; инқироз; кўчмас мулк; талаб; таклиф; ярмарка; биржа; акция; аукцион; экспорт; чакана савдо; улгуржи

савдо ва олдинги синфларда ўтилган билимлар такомиллаштирилади унда мисол учун 1-синфларда ўтилган иктисод, эҳтиёж, аклий меҳнат, жисмоний меҳнат, маҳсулот, бозор, сотувчи, харидор, дўкон, пул, нарх, давлат мулки, мулкдор каби бир катор тушунчалар ўкувчиларга ўргатилган. Шунинг учун хам улар бу тушунчаларнинг мазмун моҳиятини тўла англаб етадилар.

Чунки 1-синфдан то 4-синфгача бу сўзлар билан ишлар узлуксиз давом этиб келмокда. Бошланғич таълимнинг 2-синфларда ўкийдиган ўкувчиларга қуйидаги иктисодга оид билимлар ва тушунчалар сингдирилган. Булар:

- моддий эҳтиёж; маънавий эхтиёж; товар; натурал махсулот; ишлаб чиқариш; корхона; тадбиркор; реклама; даромад; иш ҳаққи; мукофот; мерос; меросхўр; банк; банкер кабилар. Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки,

хар бир ўкувчининг онгига иктисодга оид билимларни сингдириш ва шу оркали уларда иктисодий тарбияни йўлга қўйишдир. Мисол учун моддий ва маънавий эҳтиёж тушунганда билимларнинг иктисодий тарбияни тўғри йўлгақўйишда ундан кандай фойдаланиш мумкин.

**Эхтиёж** – жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларига қарамлигини ифода этувчи ва бу шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатдир.

Эхтиёж–инсоннинг, унинг ҳаёти ва ривожланишини таъминлайдиган маълум шароитларга бўлган зарурати. Эҳтиёж - инсоннинг воқеликка ва ўз вазифаларига бўлган муносабатини белгиловчи шахс хусусияти, охир-оқибат бу муносабат, унинг яшаш, хаёт тарзи ва фаолияти.

Ўрта Осиё халқининг энг кадимги «Авесто» диний китобининг вужудга кела бошлаши натижасида, яъни милоддан 3000 йиллар мукаддам шаклланибкелган Ғарб ва жаҳондаги бошка мамлакатларда яшовчи халклар маънавиятига зид ўларок уят, андиша, шарм-ҳаё, ибо, ор-номус, иффат, ғурур,иззат-нафс, қадр, инсонпарварлик, мурувват каби ахлоқ меъёрларига асосланган инсоннинг руҳий, ахлоқий киёфаси бўлиб, шулар асосида ташкил топган урф-одатлар, миллий анъаналар ва турмуш кечириш тарзи ҳисобландиАнашу тушунчалар моҳиятидан келиб чиққан холда маънавий ва моддийэҳтиёжга тўхтаб ўтамиз.

**Моддий эхтиёж** – кишилик жамияти, инсонлар ўзларининг табиий эхтиёжларини қондириш жараёнида унга муҳтожлик сезади. Мисол учун сувга, кийимга, уйга, машинага иш қурилмалари ва ҳоказолар. Булар



тўғрисида ўкувчиларга кандай маълумот берса бўлади ва у оркали уларда кандай қилиб иктисодий тарбия шакллантирилади деган саволга албатта ўз жавобига эга бўлиши керак.

Буни амалга оширишда ўкитувчи ўзининг маҳоратига, кобилиятига таяниб иш кўради. Бошланғич синф ўкувчиларига маънавий эҳтиёж тўғрисидатушунча берганди қалб истагига кўра, китоб ўкиш ва уни харид қилиш қўғирчоқ театрларига бориш, ҳар хил рангдаги гуллар расмини йиғиш. Ўйин

учун олинган воситаларнинг кўркамлиги, чиройлилиги, оламни ўзига жалб қилувчи томонлари, уйга, ота-она бағрига талпинишини мисол қилиб кўрсатибўтиш мумкин. Бунинг иқтисодга оид томонлари инсонда эхтиёж пайдо бўлса, ундан фойдаланиш механизмини онгли тарзда ишга тушуриш керак бўлади. Бу ўз навбатида ўкувчиларда авайлаб-асраш, саклаш, яхшилаб тутиш, кўпайтириш,жило бериш, сарфа қилиш каби истакларни рўёбга чиқаради. Ўзида эҳтиёж оркали эришган нарсаларни асрашга ва тежашга ўрганиб боради. Ананшу тарика бошланғич синфларда иқтисодий тарбия аста-секинлик билан йўлга қўйилиб борилади.

Бошланғич синфларда ўкувчиларнинг иқтисодий билимларини ривожлантиришнинг бош мақсади кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларда иктисодий билимдонлик, иктисодий онг, иқтисодий маданиятни таркиб топтиришдан иборатдир. Бу вазифани бажаришда эса бошланғич синф ўқитувчисининг билим ва маҳорати жуда кўп нарсани ҳал килиб, уларнинг иқтисодий саводхонлик даражаси ҳамда ўз фаолиятини педагогик мулоқат асосида, яъни субект-субэкт муносабатларига таянган ҳолда қуриши кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашдаги асосий талаблардан бири уларни бошланғич синф ўкувчиларига иктисодга оид билим ва тушунчаларни тақдим этиш бўйича билим, маҳорат ва методика билан куроллантириш, иктисодий фикрлашга ўргатишдан иборат.

Бошланғич синф ўқитувчиси бир эмас бир неча ўкув предмети бўйича ўкувчиларга тўрт йил давомида билим беради. Шунинг учун иқтисодга оид тушунчаларни мазкур ўкув предметлари таркибига сингдириш, яъ ни, интеграсиялашган тарзда тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бўлажак Бошланғич синф ўкитувчиларини интеграсиялашган дарслар мазмунини ишлаб чиқиш, интеграсиялашган ўкув материалларини тақдим этишнинг энг маъкул шакли, метод ва воситаларини танлай олиш, интеграсиялашган дарсларни дидактик

жихозлашга ўргатиш лозим.

Талаба бошланғич синф ўкитувчиси сифатида нафакат таълим жараёнинниуюштира олиши, балки, педагогик маҳоратини доимо ошириш, ижодий изланиш, ўкувчиларнинг ички дунёсини, уларнинг интилиш, мотив ва эҳтиёжларини тушуниш, ўкувчи шахсини тўлақонли ривожлантириш, ўкувчиларни эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш каби сифатларга эга бўлиши лозим.

Оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга жалб етиш биринчидан боланининг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан пул сарфлаш маданиятига ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини оила коллективига янада жипслаштиради.

## 4. ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Дунё иқтисодий тараққиётида Марказий Осиё мутафаккирларининг педагогик меросида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия муаммолари алоҳида аҳамиятига эгадир.

Бу муаммоларнинг ривожланишида Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб мутаффакирлар ижодида ўз ифодасини топган.

Форобий ва Ибн Синонинг педагогик меросида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни ривожланиш марказида инсон ва унинг эхтиёжларини қондириш масаласи туради. Зеро, юқорида айтилганидек, инсон дунёнинг олий неъмати ва унинг эхтиёжларини қондириш ҳар қандай жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир. Инсон эхтиёжини ижтимоий- иқтисодий, сиёсий,
маънавий каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Ушбу эҳтиёжлар ичида инсон ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш устивор ҳисобланади.

Шарқнинг буюк фарзанди, биринчи файласуфи Абу Наср



Форобийнинг Арасту фалсафаси таҳлилига бағишланган асарида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбияни педагогика фанининг категорияси бўлганэҳтиёжлар масаласига катта эътибор қаратилган. Абу Али Ибн Сино "Тиббиётдостони"да ёзадики: "агар, ҳайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим- кечак уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришлари лозим". Унинг таъкидлашича, одамлар ўз меҳнатлари билан ўзларига озиқ- овқат, кийим- кечак, уй-жой яратадилар, улар ана шу мақсадда деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланадилар : Шунинг учун Ибн Сино одамларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия бериш орқали ижтимоий фойдали меҳнатга чорлади. Шарқда иқтисодий тарбиянинг ривожланишида Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" номли тарихий асариалоҳида аҳамият касб этади. Асарда меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, меҳнатни тақдирлаш, меҳнатни қадрига етиш, моддий манфаат, касб- ҳунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя масалаларига катта ўрин берилган. Бу асарда ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар ҳамда чорвадорларга алоҳида боблар

---

берилган. Аллома айтадики: "Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходимнинг кўнгли синди. Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимининг боши кўкка етади". Юсуф Хос Ҳожибнинг манфаатлар (шахсий манфаат) масаласига доир ғояси айниқса аҳамиятлидир. "Айниқса бутун қимирлаган жон нафни ўйлаб ҳаракатланади деб ёзади. Бу фикр кейинчалик "Сиёсий иқтисод дарсликларида"[6] ҳар қайси ҳаракат замирида манфаат ётади деган фикрда ҳам ўз ифодасини топди.

Шарқ иқтисодий тафаккурлари ривожланишида улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон, буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темурнинг иқтисодий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалда қўллаган иқтисодий сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Амир Темур иқтисодий ғоялари" Темур тузуклари" асарида баён этилган. Бу асарда иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга солиб бериш, уни барқарор суръатлар билан юксалтириб боришга шунқтисодий тавсиялар жамланган.

"Темур тузуклари" да қуйидагиларни ўқиймиз: "Касб-ҳунар ва маърифатаҳлларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин, билагида

---

[6] Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" - Т.: Ўқитувчи. 2011 й.

кучи бор фақир мискинлар эса ўз аҳволи ва касбкорига қараб йўл тутсинлар". "Сармояси кўлидан кетиб қолган савдоларга ўз сармоясини кайтадан тиклашиучун хазинадан етарли олтин берилсин". Темурнинг иктисодий карашлари замирида, давлатни бошқаришнинг мухим омили саноати, солиқ сиёсати ҳам четда колмаган. У ўз солиқ сиёсатида ҳам халк манфаатидан келиб чиқади. Амир Темур таъкидлайдики: "Аҳолидан олинадиган соликлар уларнинг ишлаб топган даромадларига қараб белгиланиши, уларнинг кайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида ўз мол мулки^ва сармоясини аямай сарфласа; уларга давлат солиқ тўлашда имтиёз бериши керак" .

Ўзбек халкининг маънавий меросида, унинг маданияти халкаро микес касб этишида улуғ шоиримиз, фахр ифтихоримиз, маънавий доҳиймиз буюк Алишер Навоийнинг ўрни бекиёсдир. Ҳозирга кадар халқимиз уни шеърият мулкининг султони сифатида караб келди;

Бирок унинг илмий мероси шу кадар бой ва кенг қирралики, унда иктисодиёт масалаларига доир кўпгина кимматли гоялар ҳам ўз ифодасини топган. Буюк мутаффакиримизнинг иктисодий қарашлари унинг бир умрликкитоби бўлган "Махбуб-ул-қулуб" ("Қалб севгилиси") асарида баён қилинган.Алишер Навоийнинг иқтисодий масалаларга оид ғоялари 1482-йилда ёзилган "Вақфия" ва 1500-йилда ёзилган "Маҳбуб-ул Қулуб" асарларида баён этилган. У киши маҳсулотни уч қисмга бўлиб:

- биринчи қисмини кетган харажатга;
- иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига;

- учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради.

А. Навоий ўз асарларида инсон меҳнатига алохида тўхталиб ўтади. У бойликни ҳар бир инсон ўзининг халол мехнати билан топиши шарт дейди яъни шу нарсани тасдиклайдики хеч бир инсон ўзи учун зарур бўлган барча истеъмол буюмларини ўзи яратаолмаслигини, шунинг учун ҳам улар бир-бири билан тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбияда алоқада,муносабатда бўлишлари объектив зарурият эканлигини асослаб беради.

Алишер Навоий иккита иктисодий ғояни илгари суради: биринчидан, меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиши фикри бўлса, иккинчидан, меҳнатга яраша ҳақ олиш "Она сутидек ҳалол" эканлиги ҳакидаги фикр уктирилган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, хозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб колмокда. Юқоридагилардан



кўриниб турибдики, бу ғоя "Кандай қилиб бўлмасин, тирикчилик ўтказилса бўлди-да", кабилидаги фикрга тамомила зиддир. Ёшларда, барча фуқароларда иктисодий тарбия масаласи илгари сурилаётган бир вақтда буюк шоиримизнинг юқоридаги ғояси накадар аҳамиятли эканлиги тушунарлидир.

Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб-ул-қулуб" асарида қуйидагича ёзади:"Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, савдо қилиб фойда топаман, деб ортикча кема сурмаслиги, мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарак бўлмаслиги керак", "Савдогар бож-хирожни бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обўсинитўкмаса ёки топган тутганини меросхўрлари сотиб совуриши учун тўплаб кўймаса ёки бирор ёмон ходиса кўзғаш учун сарфламаса, жамғармаси яхши бўлади".

Алишер Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу фикрлари худди бугун бизнинг савдогарлар ва тижоратчилар учун айтилаётгандек туюлади, Асардаги бу фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин. Биринчидан, савдо, тижорат, бозор, муомала жараёни (олди-сотди) иктисодиётни ривожлантиришда етакчи аҳамият касб - этади, зеро, бу товарлар такчиллигини тугатишга хизмат килади. Иккинчидан, савдо давлат бюджети даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий куч-қудратининг таянчи хисобланади, зеро, савдогарлар давлат бюджетига соликлар тўлаб туриши оркали уни бойитиб боради. Учинчидан, алломамиз савдогарларни инсоф, диёнатга чақиради, Улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш кўрмасликларинииталаб килади.

Одамлар ўз фаолиятлари жараёнида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий манбага ва кучга зарурат сезиб, уни тўплаш пайтида бўлганлар. Улар бир неча йўлларда иш олиб боришлари шулардан бири. Меркантелизм одамларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат, бойлик савдода асосан ташқи савдода-муомала жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган мехнат унумли мехнат, бошка меҳнатлар эса унумсиздир, деган фикрни олға суради.

Бундай фикрларга карши А.Смит, У.Петти, Д.Декардо каби атокли иктисодчи олимлар ўзларининг бошқачарок фикрларини билдиради. Улар бойлик фақатгина кишлоқ хўжалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат,транспорт, қурилиш ва бошка хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилади деган хулосага келадилар.

Шуни айтиш керакки, А.Смитнинг "кўринмас қурол" тамойили ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмокда. У ўзининг "халклар

бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида" (1776) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир деб кўрсатади.

Инсон ўз шахсий манфаатини амалга оширишга, яъни фойда олишга интилиб меҳнат тақсимоти шароитида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади, бошқаларга этказиб беради, ўз капиталини кўпайтиради ва шу интилишда ўзи билмаган ҳолда жамият тараққиётига ҳисса қўшади деб тушунтиради. Унда иш билармандлик, меҳнат, товар, ишчи кучи ва бошка ресурсларининг эркин ҳаракатини таъминлаш тамойилини илгари суради.

Ушбу мактабнинг "классик" деб ном олишига уларнинг қуйидаги ютуқлари сабаб бўлди:

**Биринчидан:** А.Смит ва Д.Рикардо иктисодиётни ўрганишга илмий ёндашув берадиган тадкикот усулларини ишлаб чиқди ва муваффакиятли қўлладилар. Айнан ашшу усуллар ёрдамида улар меркантилисларнинг бойликнинг мабаси савдо деган ғоясини асоссиз эканлигини исботлашди.

**Иккинчидан:** иқтисодиёт тўғрисидаги барча йиғилган билимларни классик мактаб намоёндалари маълум бир илмий тизимга келтирдилар. Бу нарсага улар биринчи бўлиб иқтисодий товарларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемол ўртасидаги тизимли алоқани тадқиқ этгани сабаб бўлди. Шундан сўнг ёшларни хар томонлама камол топтиришга қаратилган таълимий-тарбиявий ишлар йўлга қўйила бошлади. Бир неча замонлар ўтиши билан иқтисодий тирбияга, маънавий тарбияга, маъ рифий тарбияга бўлган эҳтиёжлар турли даражада тус ола бошлади. Бугунги кунга келиб иқтисодга оид манбалар жуда кўплаб учрайди. Улардан фойдаланишдаэса ўқитувчи унинг асарларини ўрганиб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясининг бугунги бозор талаби асосида ривожланиши ва унинг аҳамияти кўпдан буёнпедагогларнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иктисодиётига ўтилаётган бир пайтда ёшларди тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбиялаш айниқса муҳимдир. Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмоқ даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнацеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодийҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш



қобилиятини бошлангич синфдан бошлаб мактаб ва оила ҳамкорлигида йўлга қўйиш лозим.Муҳаммад Хоразмийнинг бир ҳикмати бор: "Сўз–гул, иш–мева". Бу жумлалар шунчаки айтилмаган агар режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самарали бўлади. Бу шундай олибборилиши керакки, бола ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англаши мумкин. Ҳунар эгаллаш ёшларни мустакилликка ўргатади.

Қобуснома. Фарзанд тарбияси ҳамиша Шарқ мутаффакирларининг диккат марказида зуради. Кайковуснинг "Қобуснома" асарида ҳам фарзанд тарбиясига алохида эътибор берилади. Шунинг учун хам ушбу асар Шарк педагогикасининг қомуси сифатида қарийб асрлар давомида жахон халклари эътиборини козониб келмокда. Асардаги мўъжаз латифалар, ихчам ривоятлар китобнинг ниходтда жозибали, ўқишли бўлишини таъминлаган. Асарнингбаъзи бир боблари унда келтирилган ривоятлар баркамол авлодни иктисодиёт бўлимларини шакллантиришга ундайди Жумладан, "Тижорат ва бозоргарлик расм-русумлари зикрида" фикрлар баён этилган. Яъни: "Бозоргарлик икки навбўлур ва иккови ҳам хатарлидир-бири муомала ва бири мувофиқликдир. Муомала муҳимлари (доимий турувчилар) хосдуркими, касод молларини фойда таъма билан сотиб олурлар. Бундай мол хатарлидур ва бу ишда далир (шижоатли), пеш (илгари, олдин) бир (кўрувчи) киши кухирким касод матони сул умиди била олган. Демак, хар тарикайл била бозорғон ўзининг моли ва танига далир бўлмоғи, бебоқ (беларво) бўлмаслиги, ўзининг нафи учун ўзгаларнингзиёнини тиламаслиги керакдир". Жамият иктисодий ҳаёти масалаларига доир карашларнинг вужудга келиши узок тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бундай карашлар дунёнинг барча мамлакатлари'ва халқлари тарихида мавжуддир. Тарихий тараққиётнинг турли даврларида ўша даврнинг илгор кишилари жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бўлаётган вокеаларга ўз муносабатларини у ёки бу даражада билдирганлар ва бу масаладаги ўз қарашларини турли шаклларда ва турли даражада ифодалаб келганлар. Ана шундай карашларнинг умумий заминида араблар ҳудудида яшаб ижод этган. Буюк мутафаккирларнинг хизматлари ҳам каттадир. Улар ўзларининг илмий, тарихий, бадиий асарларида жамиятнинг иқтисодий ҳаёти, иқтисодий муносабатлари масаласига доир кимматли фикрларини илгари сурганлар.

Буюк мутафаккирларнинг иқтисодий муносабатларига доир қарашларини улар яшаган даврдан ажралган холда ўрганиш мумкин эмас.

Бунинг асосий сабаби шундаки, улар дунёқарашларига ўша даврлардаги иқтисодий - сиёсий тартиблар, идора қилиш усуллари, халқлар ва давлатлар таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам ўзларининг асарларида давлат бошликлари, ҳукмдорлар ва уларнинг амалдорлари олиб борган иш усуллари ҳақида, халқларнинг босқинчиларга қарши кураши ва улар ичида етишиб чиққан қаҳрамонлар ҳақида муҳим маълумотлар берганлар.

Феодализм жамияти ва давлатида ислом ғоялари етакчи ўринни эгаллаган. Исломда ички зиддиятлар ривожланиб, турли ғоявий -сиёсий оқимлар, мактаблар келиб чиққан. Уларнинг барчаси маълум синфлар устидан ҳоким синфларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳукмронлигини таъминлаш учун хизмат қилган. Араб мамлакатлари ҳудудида вужудга келган иқтисодий қарашлар ўша даврларда яшаган олимлар ва тарихчиларнинг асарларида ифодаланган.

Ислом маънавиятида савдо -сотиқ ишларидаги масалалар ғоят батафсил, икир -чикирларигача ишлаб чиқилган. Унга кўра тижорат билан шуғулланувчи киши ҳалолликка асосланган қуйидаги талабларга сўзсиз риоя этиши шарт: Олди-берди, савдо-сотиқ қоидаларини билиш;
Харидорларга динидан қатъий назар, бир хилда муомилада бўлиш, яъни савдода мусулмонга алоҳида афзаллик бермаслик;
Молларнинг нархи масаласида «Молнинг фақат фалон нархда сотаман» - дебтуриб олмаслик;

Агар бирон - бир киши савдо битимни тузиб, кейин ундан воз кечмоқчибўлса, шунинг айтганини қилиш ва ҳ.к.

Яна шариатга биноан савдо иши билан шуғулланишга бел боғлаган киши қуйидаги шартларга жавоб бериши зарурдир:

У вояга етган, ақлли, эс - ҳуши жойида бўлиши;
У йиғган бойлигини бефойда ишларга сарфламай, оқилона тасарруф этсин; Савдо ишларида ҳазил ёлғон гап ишлатилмаслик, жиддий бўлишлик;
Тижорат ишларига ўзга одамни зўрлаб, унинг инсон - ихтиёрисиз жалб қилмаслик;

Вояга етмаганлар билан (ҳатто ота -онаси рози бўлса ҳам) савдо юзасидан битим тузмаслик, уларни ишга олмаслик.
Шариат қонунлари ўзаро (пулсиз) мол айирбошлашга (охирги атамани қўлласак-«бартер»га) йўл қўяди, фақат бунда қуйидаги шартлар бажарилиши шарт:

Молнинг ҳажми, миқдори, вазни ёки ўлчами ошкора



бўлсин;Мол айирбошлашда у, албатта, қўлдан - қўлга топширилсин;Бир хил мол шундай хил бошқа молга айрибошланмасин;

Омонат учун берилган, аммо бошқа бир мол билан алмаштириш кўзда тутилмаган молни эгасининг ижозатисиз сотиб юборилмасин.

Юқорида тилга олинган қонун - қоидаларнинг ўзидан ҳам яққол кўриниб турибдики, ислом амалиётида тижорат жуда катта иқтисодий аҳамиятга моликиш деб ҳисобланади. Шу боис неча - неча асрлардирки, барча мусулмон давлатларининг, ҳатто энг олий ҳукмдорлари ҳам савдо сотиқ ишларини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уни давлатнинг асосий даромад соҳаларидан бирига айлантириш устида мунтасил ғамхўрлик қилиб қоладилар ва шу каби ишларда Расулуллоҳдан ибрат оладилар. Ислом маънавиятида иқтисодий тарбия қуръонда савдога катта ўрин берилган, аммо судхўрликка қарши фикр билдирилган. Мулкнинг муқаддаслиги, бировнинг мулкига хиёнат қилиш катта гуноҳ эканлиги қайд этилган. Жамиятнинг тенгсизлиги азалдан танолинади. қарз олиш, бериш, мерос тақсимлаш, етим -есирларга мурувват, хайр эҳсон қилиш ғоялари кучли. Солиқ турлари ва миқдори ҳам катта аҳамият касб этади. Етим ҳақига хиёнат қилиш энг катта гуноҳ деб эълон қилинган. Ўзаро ёрдам зарур, лекин ёмон ишларда ва душманликда бунча ҳожат йўқ, дейилади. Турли касбларни эгаллаш, айниқса деҳқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги исботлаб берилган. «Ҳадис» китобларида ҳам иқтисодиёга оид кўллаб фойдалй фикр ва тушунчалар келтирилган.

X-XII асрларда Урта Осиё илғор ижтимоий тафаккурнинг Шарқдаги йирик марказларидан бирига айланди. Бу даврда бутун дунёга танилган Форобий. Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомул-Мулк ва бошқа кўплаб мутафаккирлар яшаб ижод этган. Уларнинг асарларида иқтисодий ғоялар ўз аксини толган. Шарқда олимлар шу даврдаги тижорат, мулкдорлик, хунар сирларини баён этганлар. Уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб «Одамга фойдаси тегмайдиган одам- ўлик, эссиз ўтган умри эса, эссиз сарфлаган меҳнат»-дейди.

Арастунинг издоши, унинг асарларини таҳлил этган Форобий (673 - 850 йй) жамият шаклланиши учун моддий эхтиёжларнинг аҳамияти ҳақидаги таълимотни яратади, сиёсий, иқтисод, фанидан зарур бўлган «Эҳтиёжни» таърифлайди, моддий бойликларни яратишда меҳнат ва меҳнат қуролларининг ўрнини белгилаб беради. Ибн Сино ва Юсуф Хос

Ҳожибасарларида «меҳнат тақсимоти» масалалари хакида фозил (идеал) давлат тўғрисида фикр юритиб, ўзаро ердам, дустликка катта ўрин берганлар. Мусулмон ҳуқукшунослигида товарнинг истеъмол қиймати тан олинган, товарнинг қиймати билан сўралаётган баҳо фаркланган,

Товар қийматига хом ашё қиймати, меҳнат воситалари оралик товарищлаб чиқарувчилар меҳнатининг киймати киради. Олимларнинг фикрича,айрим ҳунарлар бошка ҳунарларни ўз ичига олади. Масалан, дурадгор ёғочданясалган буюмларни, ўкувчи йигирилган ипни ишлатади ва ҳ.к. Шунингдек,асарда товар -пул муносабатлари таҳлил этилган, нархлар бозорга олибчиқилган товарлар массаси (талаб - таклиф) га боғлиқлиги, солик тизимини тартибга солиш кераклиги айтилган.

Шуниси диққатга сазоворки, Ибн Ҳолдун (асли араб) тарих такозоси билан Амир Темур билан учрашган (асир тушган) ва у билан сухбат курган, унинг гояларидан, вокиф этди. Низом ул-Мулк (1017-1094) «Сиёсатнома»асарида ҳукмдорларнинг исрофгарчилиги, амирлар, амалдорлар ва

қозиларнинг мансабни суистеъмол қилиши, соликларнинг огирлиги, давлат маблағларини саклаш ва сарфлашда хисоб -китоб зарурлигини кайд этган.

Иқтисод ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий аҳволга караб, ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халкимизда «Олдин иқтисод, сўнгра сиёсат»- деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта.

Иқдисодиет -бизнинг нафакат бугунги, балки эртанги хаётимиз, хозиргикелажагимиздир. Шунинг учун ҳам юкорида айтиб ўтганимиздек иктисод ва иқтисодий фикр ривожланиши жамият хаётида катта аҳамиятга эга. қадимдан инсонлар ўзи яшаб турган муҳитдан келиб чиқиб, иктисодий фикрларни ривожлантиришган, ўзлари яшаб турган тузумдаги муносабатлар билан кизикиб, улар устида иш олиб боришган. Буларнинг хаммаси иктисодий фикрлаш ривожланишига асосий сабаб бўлган.

Иқтисодиёт илмининг ривожланишини акс эттирадиган иқисодий тафаккур тарихи ғоят бойдир. Инсоният тарихи давомида иқтисодиётга оид кўпгина ғоялар олга сурилган, улар жамланиб, хар хил назарияларни ташкил этган. Шарқ ва ғарб алломалари иқтисодий ҳодисаларни назарий жиҳатдан таҳлил этиб, иктисодиёт соҳасида турли категория ва конунлар борлигини кашф этганлар. Улар моддий ва маънавий меҳнат



[illegible]ираларидан фойдаланиш, савдо-сотик, нарх-наво, солик ундириш, [illegible]тўплаш ва пул муомаласига оид жуда кўплаб фикр- мулоҳазаларни [illegible] этганлар. Урта Осиёда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби мутафаккирлар, Низомул мулк ва Амир Темур сингари давлат арбоблари ҳам иқтисодиётга оид кўпгина фикрлар айтганлар. Иқтисодий фаолиятга оид [illegible] конун-коидалари дастлаб, куръонда жамланган. Улуғ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг иқтисодий карашларини кўриб чиқадиган бўлсак, XII асрнинг бошларида мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило килиши натижасида бу ерларда иктисодий муносабатларнинг бириунча бузилишига олиб келган. Лекин қадимдан бу ерларда яшаб келаётган халкларнинг истилочиларга карши чикишлари тарихдан маълум.

Бобокалонимиз Амир Темур бутун умрини Ўрта Осиё ерларида яшаётган халкларнинг тинч-тотув яшашлиги учун сарф қилган. Бунинг натижасида XIV асрда иқтисодий муносабатларнинг тикланишига савдо-сотик, хўжалик юритиш шахар ва кишлоклар уртасида алокаларнинг ривожланишига замин яратган. Бу даврда Алишер Навоийнинг «Чор девор», «Хамса» ва бошка асарлари яратилди, бу асарларда унинг иктисодий карашлари акс эттирилган. Унинг фикрича, меҳнат жамиятнинг асосий белгисини, оддий ишлаб чикарувчилар эса бунинг асосини ташкил этади.

Беруний ўз асарида муруввватни улуглаш билан бирга улар ўртасидаги фаркни кўрсатиб ўтади. Чунки улар турли асосларга эга. Бирига кодир бўлганодам, иккинчисига кодир бўлмаслиги мумкин, ҳар бир иш ўз ўрнида ва меъерида бўлиши шарт, меъёрдан ташқари килинган иш оқилона бўлмайди. Беруний бунга мисол қилиб, қуйидаги хикояни келтиради: Арабларда айрим одамлар ўз меҳмонлари ёки улардан жой сўраган кишилар учун ўз ҳаётларинникурбон килганлар.

Баъзилар эса Хотамтой каби иш тутганлар, у ўз ракиби билан уруш килаётганда рақибининг найзасини синдирган. Рақиб ўзини ўлар ҳолатига тушганини англаб, айёрлик йўлига ўтган. У Ҳотамдан найзасини совга килишини илтимос килган. Карам ва марҳамат эгаси Хотам найзасини рақибига туҳфа қилиб, ўз ҳаётини хавф остига колдиради. Беруний юқоридаги ишлардан сакланишни, яъни ҳар бир ишни килишдан аввал чукур фикр юритишни маслахат беради.

Умуман Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг буюк ҳомийси ва муҳлиси сифатида мамлакатнинг ободончилиги, илм - фаннинг

гуллашида, оламнинг бахти эса унинг билим - маърифатида деб билади. Яратган асарларида у таълим -тарбияга доир шеър ва ҳикоялардан мисоллар келтириб, улар орқали ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига қараб, хайр - эзгуликка интилиши, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват кўрсатмаслигини таъкидлайди.

Алишер Навоий ва унинг тижорат ҳақидаги фикрлари. Кишилик жамиятида муҳим ҳисобланмиш Ипак йўлининг шаклланиши катта имкониятлар яратибгина қолмасдан, балки, Турон юртининг савдо марказлари барпо бўлишига сабаб бўлади. Алишер Навоий даврида савдонинг ривожланганлиги сабабларидан бири савдогарларнинг фақат карвонсаройида истиқомат қилиб, савдо қилишлари эмас, балки бозорларда махсус дўконлар очиб, ўз мамлакатларидан келтирилган молларини савдо қилувчи - сотувчиларнинг мавжудлигидир. Алишер Навоий маҳаллий савдогарлар ва ажнабийлар фаолиятини кузатар экан улар ҳақида ўз фикрини баён қилади:

Савдогарлар дастлаб ҳалол ризқ топиши, жамиятга хизмат қилиши керак. Айрим савдогарлар эса харидорларини, айниқса, фақирларини алдаб, уларнинг ҳисобига яшайдилар. Шу сабабли бўйинларида фақирларнинг ҳақлари бор.

Савдогарлар ўз мол -мулкини ҳам кўрсатиб, давлатга бож ўлпон билан диний солиқни инкор қиладилар, Бу орқали муҳтожларга тақсимлаб берилиши кўзда тутилган диний закотларни бекор қиладилар. «Бундай ишбилармонликени амалга оширишда шаҳар олиб сотарлари олдинги ўринни эгаллайди.

«Шаҳар олиб - сотарлари» деб ёзган эди. Алишер Навоий, - хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлаган ҳолда қаҳатчилик тилайди». Чунки қаҳатчилик бўлса, унинг иши юришади, молини бекитиб, сотиб юқори баҳода пуллайди, мақсади элга зиён етказиш, орзуси арзон олиб қимматга сотишдир. У шойини бўз деб камситади, сотишда бўзни шойи деб атайди. Навоий замонидаги бозорларни таъминлашда шаҳар ҳунармандларининг роли жуда катта бўлган. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши қишлоқдаги аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, маҳсулотнинг бир қисми даштларда яшовчи кўчманчи аҳолига сотиш учун мўлжалланган. Бозордаги харидорларнинг энг кўп қисмини деҳқонлар ташкил қилиб, улар бу ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келар ва ўзларига керакли ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилар эдилар. Кўпчилик ҳунармандлар ҳақида Навоий яхши фикрда бўлса ҳам кўпчиликларини олиб сотарлардан қолишмасликда ўтади. Улар савдога



берилиб, охиратни унитадилар. Тижорат муҳим бир назарий асослардан бири қиймат қонун бўлиб, қийматнинг ўлчови пулдир. Алишер Навоий баҳони маҳсулот етиштиришга сарфланган меҳнат билан эмас, балки талаб - таклифга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритади. Шу билан бирга айрим савдогарларниўз ташаббуслари билан нарх -навони ҳаддан ташқари қимматлаштириб юборганликларини қайд қилади. Бундай нархдан ошириб сотувчиларга, савдогарларга нисбатан жазо чораларини кўришни кўзда тутиб, инсоф ва адолат тарозиси билан нархни тартибга солишни тавсия қилади. Шоир мамлакат ички бозорларини ривожлантиришда ташқи савдони ривожлантириш аҳамиятини алоҳида кўрсатади. Шу муносабат билан: Навоийнинг Астрободдан Хусайн Бойқарога йўллаган хати диққатга сазовордир. Бу хатда шундай деб кўрсатилган:

«Янги улким, девонийларга хуки бўлсаким, атрофдин келган бозурганлар (савдогарлар)нинг жонидан риоят қилсалар (уларнинг манфаатдорлигига зарар етказилмасин). Ул вилоятда «тамға» лафзи мазкур бўлмаса (савдогарларга бож солинмаса закотни)», мулкдан олинадиган солиқ шарх ва хукм (шариат ва қонун) йўлида билан закотчилар ишдан тавчи (тафтишчи, назоратчи) маҳбаних, балки хафта бахафта вутук таниб (харидор билан текшириб кўриб) арзга етказсалар... савдогарлар келиши кучаяди. Хусайн Бойқарога ўзи «рисола» сида кўрсатиб ўтгандек, хорижлик савдогарларга шароит яратиш йўлида Навоий тавсияси асосида кўп тадбирлар амалга оширилган. «Ҳар бир работда фасад аҳлининг бузуқларга ёмон ишларини дафъ этиш учун ва талончиликни ман этиш учун ҳукумат хизматчиларидан бири тўсди ва доимий аскарлардан бир гуруҳи жилмай турадиган қилиб таъминлаб қўйилган». Алишер Навоийнинг тижорат ҳақидаги фикрларининг кўплари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Иқтисодий таълим-тарбия масаласига Мустақил Ўзбекистон Республикаси шаклланган биринчи кундан бошлаб юртимизда иқтисодий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ ўтмиш ва бой тарихни ўрганишдан бошладилар. Шунга кўра, «Авесто» таълимотлари, «Қуръони карим» оятлари, Ҳадиси шарифдаги қадриятлар ҳозиргача ўз ўрни ва алоҳида ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор ёшларга ўргатиш имкони пайдо бўлди. Булар узоқ давр мобайнида, миллатимиз иқтисодий онг ва тафаккурининг ривожланишида, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият ва анъана, урф- одатларимизнинг юзага келишида мустаҳкам пойдевор ва асос бўлиб келмоқда. Хусусан, «Авесто»да

кишиларнинг деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиш кераклиги, ер, сув, ҳавони булғалаш, ифлослантириш оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади. «Қуръони карим» оятлари ва ҳадисларда иқтисодий таълимотга алоҳида эътибор қаратилиб, савдо-сотиқ ишларини ҳалол амалга ошириш, бошқаларни алдамаслик, сулхўрлик каттик гуноҳ эканлиги, бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик, ҳатто ҳасад қилиш гуноҳ эканлиги келтирилади. Ёлғон ишлатиш, ўғрилик ва меҳнатсиз даромад орттириш ман этилади. Қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш, етим- есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш, солиқ турлари ва миқдори тўғрисидаги тушунчалар катта аҳамият касб этади.

**Тежамкорликка** катта урғу берилиб, исрофгарчилик қаттиқ қораланади. «Енглар, ичинглар, ҳадия қилинглар, аммо исроф қилманглар», деб марҳамат қилинади. Иқтисодий онг ва тафаккурнинг ривожланишида оила ўгитлари ҳам алоҳида ўрин тутган, оиладан бошлаб ҳунар эгаллаш, рўзғор ишларини юритиш, меҳнат қилиш, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймасликка қатъиян ўргатилган. Қиз болалар рўзғор тутишга, ўғил болалар ҳунарли бўлишга, бирор-бир юмушнинг бошини тутишга йўналтирилган. Ўрта Осиё ва Шарқнинг буюк мутафаккирлари Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср алФаробий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирийнинг асарларидаги умумбашарий иқтисодий тафаккур, комил инсон баркамоллигига бағишланган тарбиявий ўгит-маслаҳатлари, тижорат, мулкдорлик ҳунари сирларидан иборат яхлит миллий-умуминсоний қадриятлар шаклланиши, иқтисодий онг ва қарашлардаги меросимизнинг бойишида алоҳида ўрин тутганлигини кўрамиз. Масалан, буюк мутафаккир
Алишер Навоийнинг ижодида ҳалол меҳнат, тижорат, савдо ишлари маъқулланади, тўпламачилик ва чайқовчилик қаттиқ қораланади ҳамда бу дунёда инсонлар қаноатли бўлиб яшашга ундалади:

Ҳирсдин кечгил, ул ғамедурким, Ҳадду ғоят анга эмас
пайдо.
Тут қаноаткким, ул эрур моле Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

(Яъни, ҳирсу ҳавасдан кеч, чунки у беҳад ва охири йўқ ғамдир. Қаноатни маҳкам тутки, у ниҳояси йўқ молдир), дейилади[7].

[7] А.Навоий Маҳбуб-ул-қулуб.-Т.: Фан 1973 й



Юртимизнинг иқтисодий таълимотлар тарихи мустақил хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, XVIII асрда яшаб ижод қилган, адолатли солиқ тамойилларини иқтисод фанига киритган инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг солиқларни фуқароларнинг даромадларига қараб тақсимлаш кераклиги, солиқ тўлаш фуқаролар учун қулай вақтда ундирилиши ҳамда солиқлар миқдорини солиқ юкини оғирлаштириш ҳисобига эмас, балки солиқ базасини кенгайтириш ҳисобига ошириш кераклиги ҳақидаги таълимотини Амир Темур бундан бир неча аср олдин башорат қилган эди.

Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги ўгитлари, яъни одамларда қандай қилиб ишга қизиқиш уйғотиш мумкинлиги, мажлисларни қай тарзда ўтказиш, вазифа ва масъулиятни қандай тақсимлаш зарурлиги замонавий менежментда талқин қилинмоқда. Уларни ўрганиш ва энг муҳими ҳаётга татбиқ қилиш бугунги кунда солиқ маданияти ва механизмларини шакллантиришда ҳамда бошқарув тизимини ташкил қилишда яхши самара беради. Буюк бобокалонларимизнинг ушбу таълимотларини ўрганишдан кўп ҳолларда янгилик яратишга ҳожат ҳам қолмайди.

Қадимги аждодларимизнинг маънавий мероси бизгача этиб келган, зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да ҳам тежамкорлик ҳақида шундай фикрлар баён этилган:

1.Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, ҳаво, олов умуман дунёдаги жамийки нарсаларни пок ва бус-бутун асрашда бурчлидир.

2 .Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши тўрт юз қамчи уруш жазога маҳкумдир.

3. Болалар ёш пайтданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш ва асраб-авайлаш, ерга ишлов бериш, тежамкорлик сирларини ўзлаштириш шарт бўлган. "Авестода бундан ташқари инсон учун ҳар битта нарса муқаддас саналиб кийимкечак, озиқ-овқат, бадан тоза тутилиши васақлашга алоҳида эътироф берилган". Ислом динининг муқаддас китоби "Қуръони Карим" ва "Ҳадис" илмида ҳам тежамкорлик ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилган. Хасис бўлманг, лекин исрофгарчиликка ҳам йўл қўйман "Қуръони Карим" да таълим берилишича мол-дунё инсонни синаш
учун берилади, мол-дунёга эришган ҳар бир инсон уни тўғри йўлда сарфлаши керак дейилади. (Анфал сураси).

Бобокалонимиз Имом Исмоил ал-Бухорий "Ал-адаб ал-муфрад" (Адаб дурдоналари) асарида шундай ёзадилар: Абдуллоҳ ибн Аббосдан

ривоят қилинди. Расулуллоҳ “Яхши сийрат, чиройли хайрат ва ҳар бир ишда исрофгарчилик этмиш хислатдан бир бўлагидир”[13] дейдилар ( 216 боб, 468 ҳадис ). Яна шу ҳадисда молни исроф қилувчилар ҳақида шундай жумлаларни ўқишимиз мумкин, Абу Хурайрадан ривоят қилинади, у киши айтадилар; Расулуллоҳ “Сизларнинг учта ишингиз учун газабли бўлади, молни ерларга сарф қилиб зойэ қилмангиз шуларнинг биттасидир, дедилар” (206 боб 131-бет).

Исроф сўзининг луғавий маъноси бу молни гуноҳ ишларга сарфлаш ёки бола- чақаси учун ҳам нарса қолдирмай, бор-йўғини майда чуйда икир-чикирларга сарфлаб юбориш маъ ноларни англатади. Исроф у қайси кўринишда бўлмасин кишининг бор-йўғини совуради, йиксон қилади, деган фикр илгари сурилган. Демак, тежамкорлик ислом дунёсининг доим диққат марказида турган. Еб-ичиш, ўкишдан ҳам айнан тежамкорлик, иқтисод ва унга таълуқли маданият муҳимроқ ўринда турган.

Тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик тарбияси улуғ алломаларимизнинг нодир асарларида ўз аксини топган,

Жумладан, улуғ педагог аллома Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида тежамкорлик, исрофгарчиликка қуйидагича тўхталиб ўтади. “Мол бериш халкнинг зийнатидир, аммо исрофдан хазар қилгил. Ҳар ишнинг бир сабаби бордир, аммо камбағалликнинг сабаби исрофдир. Исроф фақат молни сарф қилишгина эмас, оқибатда кишининг қилиқларида, нутқида, ҳам исроф пайдо бўлади, нафсни ранжитади, ақлни кочиради ва фикрни ўлдиради. Донишмандлар дебдиларки, ҳар қандай ишда ҳам исроф қилмагил, исроф қилгувчи ҳамма вақт зиён кўради. Улуғ алломаларимизнинг кўплари ўз асарларида тежамкорлик ахлоқий меъёр унга амал қилиш яхши одат, тежамкорлик кишига яхшилик келтириши ҳақида ёзади”, улуғ мутафаккир Абу Наср Фаробий. Исрофингизга бир чегара қўйиб пулингизни тежанг, ўзингиз ўзингиздан қарз олинг,- деб уқтиради.

Биз дунё миққиёсидаги кескин ва бешавқат рақобатга бардош бериш учун иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоғимиз зарур. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини, хусусий мулкдахлсизлигини янада кенгроқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

[13] Имом Исмоил ал-Бухорий "Ал-адаб ал-муфрад" (Адаб дурдоналари) 216 боб, 468 ҳадис -Т.: Фан 1991 й.



Шу муносабат билан ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида инновацияларга истиқболли ривожланиш воситаси сифатида қизиқиш янада ошади. Ишлаб чиқаришда ва корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши инновацион жараёнларни самарали бошқариш тизимларини яратиш заруриятини янада кучайтиради.

Инновация ва янгиликлар инновацион фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этади. Уларнинг асосий фарқи шундаки, биринчи ҳолатда янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади. “Тадбиркор” оддий тилда тадбир ишлатувчи деган маънони билдиради.

**Тадбиркорлик** - бирор тадбирни, жараённи уюштириш, бирор муаммони ечишга чора топиш, самарали қарорлар қабул қилиш, йўл-йўриқлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш орқали ривожланишга, тараққиётга йўл деган маъноларни англатади.

Таълим тизимида инновацион ислоҳотлар: бу олимлар ва ёшлар нигоҳидаянги қирраларни очишдир. Тадбиркор бирор ишни, мақсадни амалга ошириш,рўёбга чиқаришда муайян воситалардан фойдаланади, шунинг учун пухта ўйлаб чиқилган амалиёт чораларни қўллайдиган инсондир. Ишнинг кўзини биладиган, муаммоларни бошқалардан кўра тез ва оилкорлик билан ечаоладиган, ҳар бир ҳодисанинг яхши-ёмон томонларини тўғри белгилай оладиган ташаббускор, чаққон, изланувчан, ижодкор одамни тадбиркор дейиш мумкин. Кўринадики, тадбиркор бирор-бир иш билан шунчаки эмас, балки ижодкорлик ва инновацион ташаббус билан шуғулланадиган инсондир. Тадбиркорлар авваламбор ўз манфаатларини кўзлаб фойда олишга интиладилар. Аксарият ҳолларда улар хитарли ишга қўл уришга тайёр бўлган. Марказий Осиё халқларининг бутун иқтисодий тафаккури тизимида тадбиркорлик ғоялари алоҳида ўрин тутганлигининг боиси ана шундадир.

Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида ёзадики, “Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас, билурсанки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур[11]”. Моддий ва маънавий бойлик яратиш учун ишлаб чиқариш ва тижоратнинг зарурий барча омилларидан фойдаланишни назарда тутадиган, тадбиркорлик маданиятининг энг муҳим ахлоқий-маънавий

[11] Кайковус "Қобуснома" - Т.: Ўқитувчи.2011 й.

талаблари нималардан иборат деганда?

**Биринчидан**: ҳалоллик тамойили. Тадбиркорлик фаолиятининг бош мақсади-кўпроқ фойда олиш. Буни инкор этиш мумкин эмас. Аммо масаланинг энг муҳим жиҳати бунга қандай йўллар билан эришишдадир. Албатта, "фойда топмоқ тарғиби ақл ва маънавият асосига қурилмоғи" зарур.Тадбиркор ва ишбилармонларнинг бир қисми тинимсиз меҳнат, изланиш,

ташаббус натижасида катта фойдани қўлга киритса, иккинча, бошқалари бунга ҳақиқий тадбиркорлик маданияти асосида эмас, балки тадбиркорлик маданиятига зид бўлган йўлдан бориб эришишга интилади. Бунинг сабабларикўп, албатта, иллатларнинг энг асосийси-тадбиркорлик билан шуғулланадиган айрим кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, жамият тақдирига бефарқлиги, уларнинг тадбиркорлик маданиятида маънавий тамойил ва меъёрларнинг етарли даражада намоён бўлмаслигидир. Ҳолбуки, тадбиркорлик маданияти- шахснинг ўзи, оиласи, миллати ҳамда ўзи яшаётган жамият манфаати учун бирор бир соҳани танлаш ва шу бўйича моддий ва маънавий неъматлар яратиш, инсонийлик тамойилларига амал қилиб, ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилиш, бутун жисмоний ва ақлий қобилиятни ишга солиш билан узвий боғлангандир.

**Иккинчидан**: ташаббускорлик тамойили. Тадбиркор фаолиятининг самарадорлиги, ижтимоий аҳамият касб этиши негизида нафақат объектив шарт-шароитлар, балки шахснинг ташаббускорлик, ишбилармонликқобилияти ҳам ётади.

**Учинчидан**: мақсадни аниқ-равшан кўра олиш тамойили. Бугунги, эртангива келажакдаги мақсад ўзаро узвий боғланган бўлиши лозим. Режа:қилинаётганда обектив ва субектив омиллар ҳисобга олиниши зарур. Обективомиллар: булар жамиятдаги вазият, талаб ва таклифни ўзгариб бориш эҳтимоли, сиёсий барқарорлик, ижтимоий технология, метод, тарбия, ота-она. Бошланғич синф ўқувчиларига мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда ёшлардаиқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир. Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмоқ даркор.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтиришдир.



Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб келинди. Муҳаммад Хоразмийнинг бир ҳикмати бор: "Сўз-гул, иш- мева". Бу жумлалар шунчаки айтилмаган агар режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самарали бўлади.

Буюк мутаффакир математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Бу жумлалар шунчаки айтилмаган агар режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самарали бўлади.

Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин. Абу Наср ал-Фаробий инсонга яшаш учун жуда кўп нарсалар кераклиги ва уларни вужудга келтириш йўлида бошқа шахсларга мурожаат қилишни эътироф етади. Бу ўринда олим иқтисодий алоқа зарурлиятини кўрсатиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, иқтисодий алоқа ўрнатиш учун одамлар, давлатлар, жамиятлар интегратсия йўлида ҳаракат қиладилар. Ҳозирги пайтда бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини Европа амалиёти мисолида кўриб турибмиз. Иқтисодий интеграсия давлатларга фақат бойлик келтиради.

Ал-Фаробий "Бахт-саодатга етишув ҳақида" асарида шундай ёзади: "Инсон ўз маблағини сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди"[12]. Кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирлари мактаб ва оила шароитларида болаларни иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни ҳамкорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб- китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратганлар. Бунга иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни сақлаш йўлларини билиши керак. Эҳтиёжни ортиқча нарсаларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигиданоқ насиҳат йўли билан ўргатади. Ибн Сино болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга ҳунар ўргатиш лозим деб кўрсатади. Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки ҳунар унга келажакда рўзғор тебратиш учун керак. Бу шундай олиб борилиши керакки, у ўз меҳнатининг натижаларини кўра

[12] Ал-Форобий "Бахт-саодатга эришув ҳақида". – Т.: [illegible] 2014 й.

билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англаши лозим.

Ўзбек халқининг кўзга кўринган машҳур алломаларидан бири, файласуфАхмад Дониш ҳисобланади. Бу буюк олим иқтисодий тарбия назариясига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган ва иқтисодий ғояларини ривожлантирган.Унинг қолдирган мероси Марказий Осиёда иқтисодий тарбияни юксалтириш учун муҳим аҳамият касб килади. Ўтмишдаги Марказий Осиёнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва педагогик ғоялари асосида идеал жамият тузимини нисбатан қайта қуриш муаммосини биринчи бўлиб Ахмад Дониш томонидан олға сурилган.

А. Дониш дипломатик секретар сифатида уч марта Санкт-Петербургга борган. А.Донишнинг қилган сафарлари унинг дунёкарашига маълум даражада ўз таъсирини ўтказади. А.Донишнинг "Редчайшее проишествие" ("Нодб воқеа") асари 1870-1885 йиллар давомида 15 йилда яратилган. Унинг бу асари тарихий-дидактик ва ижтимоий-иқтисодий характердаги ахлоқ-одоб шакллари танқидий таҳлил асосида баён қилинган. Асар 23 бобдан иборат бўлиб, иқтисодий ғоялар нуқтаи назаридан ўрганиш ҳуқуқий турмуш тарзи, ҳунармандчиликнинг афзаллиги, тинч-тотув яшаш тарзи, ёш авлод қоида тартиблари ва бошқаларни ўрганишга ундайди. Абу Али Ибн Сино (980-1037). Шарқда фан юлдузи ҳисобланган Ибн Сино математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия соҳаларида ижод қилган ва жаҳонга машҳур бўлганйирик асарлар мерос қолдирган алломадир.

IX аср охири X аср бошларига келиб, ўлкада ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблашганлиги сабабли Ибн Сино Хоразмга-Урганчга кўчиб келади.

Хоразмда у қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган "Маъмун академияси" да илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Ибн Синонинг 250 дан зиёд илмий асарлари авлодларга бой меросбўлиб қолмоқда. Фанларни тасниф этган Ибн Сино биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди.

Фалсафани эса икки гуруҳга: назарий ва амалий гуруҳларга ажратган. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга бошласа, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади, деб таъ кидлаган. У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё



қонуниятларини ўргатувчи барча фанларни киритади. Ибн Сино камолотга [illegible] биринчи мезони - бу маъ рифатни эгаллаш деб айтган. Чунки илм-фан инсон учун хизмат қилиб, у табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши [illegible].

Болаларга билим беришда ўқитувчининг масъулиятли бурчи ҳисобланади. Шунга биноан Ибн Сино ўқитувчисининг қандай бўлиши ҳақидақисқача тўхталиб ўтади:

-болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;

- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериши;

-таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;

талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсийхусусиятларни билиши; -фанга қизиқтира олиши;

-берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;

билимларни талабаларга тушунарли,унингёши, ақлийдаражасига мос равишда бериши;

-ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишигаэришиш зарурлиги.

Ибн Сино ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбия инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлаган. Уни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлилқилган. Ибн Сино биринчи бўлиб, жисмоний тарбиянинг илмий-педагогик жиҳатдан бир бутун тизимини яратади. Жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тарбиясига амал қилиш, инсон соғлигини сақлашда кафолатли омил эканлигини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаган. Шундай қилиб, Ибн Синонинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари инсоннинг ақлий, ахлоқиестетик ҳамда жисмоний ривожланиши, унинг камолга эришишида асосий мезон эканлиги баён қилинган.

Абу Наср Форобийнинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти:

Абу Наср Форобий. Унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Форобий машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда донг таратган йирик мутафаккир – "иккинчи муаллим" саналади. Форобий 873 йилда Тошкент (Шош) га яқин Фороб (Ўтрор) деган жойда ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Форобда Бошлангич таълимни олгач, Шошда, Бухорода, Самарқандда таҳсил олган. Форобий Бағдодда ўрта аср фанини турли соҳаларини ўрганади.

У Бағдодда математика, мантиқ, тиббиёт, илмий нужум, мусика,

тиббиёт, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика билан шуғулланади ва кўп тилларни ўрганади. Айрим манбаларда Фаробий етмишдан ортиқ тилларни билганлиги қайд этилади. Фаробий таълим-тарбияга оид асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. "Фозил одамлар шаҳри", "Бахт-саодатга эришув тўғрисида", "Илмларнинг келиб чиқиши", "Ақл маъ нолари тўғрисида" ва бошқа асарларида ижтимоий-тарбиявий, иқтисодийтарбия масалалари баён этилган.

Фаробий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан мулоқотда бўлиши, уларнинг муносабатларига муҳтожлигини таъкидлайди. Бунинг учун таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш билан эришилади, дейди.

Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ақлий, ахлоқий жиҳатдан камолотга етаклайди. Умуманинсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутади, ўзгалар билан тўғри мулоқотда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига амал қилади.

Фаробий биринчи бўлиб, таълим-тарбияга таъриф берган олим ҳисобланади. Таълимдеган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарийбилим бериш; тарбия эса - назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини, амалий ўргатишга чорлайди.

Фаробий айтади: "Таълимдеган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса - шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир. Таълимфақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан, яъ ни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишдир". - деган эди. Фаробийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам фойдалидир. Таълим-тарбияда иқтисодий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия инсонда гўзал фазилатларни шакллантиради.

Таълимназарий фазилатларни бирлаштирса, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-ҳунар, хулқ-одоб фазилатларинибирлаштиради, таълимсўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади, дейди. Ҳар иккаласи бирлашса, етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганилганига қараб ифода топади. Фаробий



таълим-тарбия икки йўл билан амалга оширилади деб таъкидлайди.

Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-ҳунар) ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади:

**биринчиси** - қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил этилади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

**Иккинчиси** йўл (ёки усул) - мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кирмайдиган, қайсар кишиларга қўлланилади". Хуллас, Фаробий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Шундай қилиб, инсоннинг камолотга етишида ақлий ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда Фаробий тавсия этган таълим-тарбия усуллари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятининийўқотмаган. Иқтисодий тарбиянинг диққатга сазоворлиги - бу давр тақозосидир. Алишер Навоийнинг иқтисодий тарбия масаласидаги бизга қолдирган маънавий меросида қуйидагиларга эътибор қаратади:

**Алишер Навоий** (1441-1501). Буюк мутафаккир адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва иқтисодий тарбияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ва ундаги иқтисодий масалалар илм-фан билан уйғунлашишни зарурий элемент эканлигиникўрсатиб ўтади.

А.Навоий фикрича, комил инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларга: ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат киради, деб баён этган. Шунинг учун у илмни қоронғуликни ёритадиган чироқ, ҳаёт йўлини нурафшон этадиган қуёш, оламларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатадиган омил тарзида ифодалайди. Демак, А.Навоий илм-фан ва иқтисод масалалари инсон камолоти учун энг зарурий фазилат деб уқтиради. Шунга биноан ўз асарларидакишиларни илм-маърифатли ва иқтисодий имкониятларни тўғри йўлга қўйишга чорлайди ва илмли-иқтисодий имкониятли бўлиш ҳар бир инсон учун муқаддас бурч ҳисоблайди.

А.Навоий яхши хулқ асоси - одоб инсоний хислатларнинг бошланиши ҳисобланади деган. А.Навоий давом этиб: ҳақиқий инсонга хос хислатлар: қаноат, сабр, тавозе, ишқ, вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, (юмшоқ кўнгиллилик) худди шу одоблик ичида таркиб топади, деб таъкидлаган. Масалан, "Қаноат - булоқдир, хазинадир, экинзордир, дарахтдир.

Қаноат - булоқдир, суви олинган билан қуримайдир. Хазинадир – нақадар сочган билан камаймайдир. Экинзордир – уруғи иззат ва шавкат меваси берадир. Дарахтдир - шохи тортинчоқлик ва хурмат меваси етказад", -
деб баён этган.

Демак, қаноат инсонийлик белгиси. У инсонни ёмон кунлардан асрайди.Чунки, қаноат канчалик оғир ва машаққатли бўлмасин, инсонни нафс балосидан, дўст-душмандан, таъмагирликдан халос этади. Шунинг учун аллома хеч качон таъмага берилмаслик, ҳалол меҳнат билан хаёт кечириш қай даражада улуғлигини таъкидлаб, таъма ва очкўзлик, хасислик инсонийлик заволи, деб таърифлайди. "Сабр аччиқдир, аммо фойда берувчи, қаттиқдир - аммо зарарни даф этувчи, сабр шодликлар калитидир ва бандлар очкичидир...".

А.Навоий давридаги таълим-тарбия талабларига биноан инсоннинг хар томонлама баркамол бўлиб етишишида кишиларнинг жисмоний соғлом ва бақувват бўлишига хам жиддий эътибор берилган. Жумладан, унинг каҳрамонлари Фарҳод, Қайс, Искандар образларида жисмоний тарбия ва диловарлик таълимини кўрамиз. Зеро, бундай таълим-тарбия қадим даврлардан бошлаб, анъанавий тарзда давом этиб, такомиллашиб борган. Таом ейиш коидаларига риоя этиш, тежамкорлик билан сарф-харажат қилиш, сихат-саломатликка энг биринчи эътибор бериш, инсон учун зарурий талаби сифатида талқин қилинган. Мутафаккирларнинг иқтисодий қарашларининг бугунги кун билан боғлиқлиги хам шуни кўрсатади.

А.Навоий асарларида комил инсонни тарбиялаш усуллари, воситалари хам ифодаланган. У тарбияда инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашга, хато ва камчиликларини англаб, тузатишга эътибор беради: янглишиш ва хатокишиликнинг шартидир. Янглишиш ва хатони англаб, огоҳлангин бахтли кишидир. Кимки, эътироф томон қайтар экан, хатоси йўқолади. Кимки, далил келтириб алжирайверса, хатосини бир карра оширади. Муболағаси канча кўпроқ бўлса, янглишиши шунча кўримлироқ бўлур, ўзини катта кўрсатиб, тортишуви қанча эса ортиқроқ, ўзи халқ ўртасида шунча расворок кўринур. Яъни, киши хато килганда янглишганини бўйнига олса – бу яхши. Агар ўз хатосига далил кўрсата берса, унинг хатоси яна икки баробар ортади, дейди аллома.

А.Навоий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатади. А. Навоий ўқитувчини жамиятда обрўли ва хурматга лойиқ инсон деб билиб, шогирдлар муаллимни



итандек жуда хурмат қилишларини, эъзозлашларини уқтиради. Буюк аллома А. Навоийнинг иқтисодий тарбия назариясига оид қарашлари алоҳида берилмаган бўлса ҳам, унинг катор асарларида иқтисодий тарбияга оид ўгитлари, исрофгарчиликка қарши теран фикрлари иқтисодий тарбияга оид эканлигига хеч қандай шубха йўқ.

Фикримизнинг далили сифатида собик Совет Иттифоки замонида, аникроги XX асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг иқтисод институтида Искандар Юсупов "А. Навоийнинг иқтисодий қарашлари" мавзусида номзодлик диссертациясини рус тилида химоя килган ("Экономические взглядо Алишера Навои").Унда Навоийнинг иқтисодий тарбияга оид кўплаб фикрлари асосли мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Абдураҳмон Жомий (1414-1492). А. Жомий 1414-йилнинг 7-ноябрида Жом шаҳрида таваллуд топган. Жомий тахаллуси у туғилган жой - Жом шахри номидан олинган. Жомий математика, араб тили, адабиёт, синтаксис, бадиият илми, мусика, фалакиёт, фалсафа, фиқх, нотиклик илми, Қуръонни ўқиш ва шарҳлаш каби фанлардан чуқур билим олган, дунёкараши кенг инсон, шоир ва олим сифатида машҳур бўлган. У ўта камтар ва хокисор инсон бўлган. Жомий 1469-йилда Ҳиротда А. Навоий билан учрашиб колади ва улар ўртасида самимий дўстлик муносабатлари пайдо бўлади. Бу дўстлик эса аллома умрининг охиригача давом этади.

У 1472-йилда хаж сафари билан Макка-и-Мукаррама шаҳрига боради. Сафар жараёнида Жомий турли шаҳарларда бўлиб, машҳур олимлар, шоир ва мутафаккирлар билан мулоқотда бўлади. Икки йиллик сафардан сўнг, яна Ҳиротга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда хаёт кечиради. А. Жомий ўз асарларида инсоний юксакликни таъриф этади. Унинг учта лирик девони, еттита достондан иборат "Ҳафт авранг" (Етти тахт), таълим-тарбияга оид "Баҳористон" асарлари билан жаҳон маданияти тараққиётига муносиб хисса қўшган. А. Жомийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари унинг асарларида ўз ифодасини топган. А. Жомий билимсиз ва ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ўз асарларида тарбиянинг аҳамиятига катта эътибор беради. А. Жомийнинг "Покизалар шаҳри", унинг юксак орзу-умиди, пок қалби тасаввуридаги инсоният тарихидаги идеал тузум тимсолидир.

Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530). Ўзбек адабиётида ўз салоҳиятига эга бўлган, Темурийлар сулоласининг сўнгги вакилларидан

БобурМирзо Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб хисса кўшган, гоят самарали фаолияти билан тарихда ўчмас ном колдирган инсондир. Жахон шаркшунослари томонидан олим сифатида тан олинган.

Бобур фаннинг кўп сохалари бўйича кимматли ишларни амалга оширган. Якин ва Ўрта Шарк халклари маданияти тарихи учун катта хизмат килган. Жумладан, профессор Ҳ. Ҳасанов уни факат давлат арбоби эмас, балки машхур лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусикачи ва меъмор хам бўлган шоир эканлигини эътироф этган. Истеъдод сохиби Бобур 12 ёшида подшо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача ўзи кўрган вокеаларни, ўзкатнашган ходисаларни, ана шу вокеа ва ходисаларга дахлдор бўлган юзлаб тарихий шахслар хаётини, фан учун мухим бўлган кўплаб далилларни адабийшаклда баён этган "Бобурнома" ва шеърлар девонидан ташкари, мусулмонлик коидалари ва конуншуносликка багишланган "Мубаййин", араб алфавитини ўзгартириш хакидаги "Хатти Бобурий", аруз вазни ва кофия масалаларига оид "Муфассал", шунингдек, мусика ва харбий санъат хакидаги асарларни мохирона яратган. Бу асарлар илм-фанни юксалишида мухим рол ўйнайди.

Улуғ шоир, адиб, тарихчи ва олим Мирзо Бобурнинг илмий-адабий мероси хозир хам ўзининг тарихий-маъ рифий, илмий ва эстетик кимматини саклаб келмокда. Унинг кўп киррали меросида педагогикага доир бирор махсус асари, ё рисоласи мавжуд бўлмаси хам, деярли барча асарларида хаётга ва ватанга мухаббат хисларининг яккол ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий киёфаси, тарбияси хакида терен фикр-мулохазалари, фан ва динга оид масалаларини, яхши хулкли ва одобли бўлишга чорлаши, илм-фан ва маъ рифатни эгаллашга ундаши, ахлокий ва эстетик гояларни, жўшкин ва мазмундор хаёт кечиришга тарғиб килишини ва бошкаларни яккол кўриш мумкин. Бобур кишининг хаётдаги энг асосий бурчи - хамма жойда хам ўзини тута билишидан ва яхши хулк-атворли бўлишидан иборатлигини баён этган. Инсонларга доимо яхшилик килиш энг олийжаноб фазилатлигини таъкидлаб, айтади:

> Бори элға яхшилиғ килғилки, мундан яхши
> йўк. Ким дегайлар дахр аро колди, фалондин
> яхшилиғ.

каби сатрлар оркали баён этади.

Мирзо Бобур ўз ижодида эзгуликни, инокликни, вафодорликни



[...]ардоклаган шоир ўзидан аввалги касбдошларига эргашиб ёвузликни, [...]улмни, кабихликни коралайди.

[...] халкининг "Ҳар ким экканини ўради"-деган маколига [...]вобан: Ҳар кимки вафо килса, вафо топкусидир.

[...]ар кимки жафо килса, жафо топкусидир. Яхши одам [...]ўрмагай ёмонлиг харгиз,

[...]ар кимки ёмон бўлса, жазо топкусидир.

Бошлангич синф ўкувчиларига иктисодий тарбия беришда уларга, иктисодий конунлар, обектив иктисодий вокеликнинг назариясини, обектив реалликни, илмий башоратни ўргатиб боришимиз керак.

Ҳунар эгаллаш Бошланғич синф ўкувчиларини мустакилликка ўргатади. Бу жараёнда бола хисоб-китоб килишни хам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлади. Агар биз ўзимизга берилган ризкурўзимизни тэжамкорлик билан истеъмол килсак, жамиятимиз бойлигини тежаган бўламиз. Жамият мулкини, бойлигини тежаб берсак, унинг нафи хар бир кишига тегиши мукаррар. Демак, жамият мулкини тежаш оркали ўзимиздан ташкари жамиятга маълум даражада фойда келтирган бўламиз. Ҳамшахсий, хам ижтимоий мулкни баробар тежаш эса бизнинг дунёкарашимиз ва ахлокимиз, турмуш тарзимиз даражасини намоён етади. Тежамкорлик жараёни оила ёки давлатнинг моддий кудратини мустахкамлашдан ташкари, одамларни турмуш кечириш меъёрига амал килишни хам вужудга келтиради. Нон, туз, когоз, ёкилги, электр куввати, газ, нефт, руда, мато, кўйингки, барча неъматлар-азиз. Аммо инсон ўзи яратувчи, ўзи истеъмолчи, ўзи назоратчи бўлганлиги учун хам, уларнинг хаммасидан арзонрокдир.

Хулоса килиб айтганда, тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила хамкорлик технологияларининг ривожланиши ва том маънода тарғиб килиниши, ахоли турмуш даражасининг яхшиланиши, жамият фаровонлигини таъминлашга олиб келади. Иктисодий таълим-тарбиянинг пировард натижалари бугунги кундаги иктисодиётнинг янги тармоклари ривожланиши ва анъанавий тармокларини модернизациякилиш йўлидаги саъй-харакатларнинг бесамар кетмаслигига имкон беради. Бу борада Бошлангич синф ўкувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорлик технологиясининг тарихий меросимиздаги ўрни ва мохиятини ёшларга етказиш хар бир фукаронинг инсоний фазилатидир. Аждодларнинг бизга колдирган тарихий мероси битмас-туганмас маънавий бойлик

хисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланайлик.

## 5. ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС АМАЛИЙ ШАКЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

Ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясининг йўлга қўйишда энг аввало ота-она раҳбарлигида бозор одоблари ҳақидамаълумотлар берилиши лозим.

Хуш бозор ўзи нима? Унинг одоби-ахлоқи қандай амалга оширилади? Дунёдаги ҳар бир халқнинг тил-забони ўзгача бўлгани каби, миллий хулқ- атвори, одоб-ахлоқи, феъл-атвори, муомала-муносабати, турфа урф-одатлари билан ҳам ажралиб, фарқ қилиб туради. лекин умуминсониятга хос бўлган меҳр-муҳаббат, ҳаё-иффат, раҳм-шафқат, ҳурмат-иззат ва қадр-қиммат деган туйғулар борки, бу ҳамма миллатлар учун бирдек гўзал фазилат ҳисобланади. Буни иқтисодий тарбия жараёнида ҳам кенг қўлланиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларда тежамкорлик ҳақида қуйидаги 1-расм асосида маълумот бериб ўтсак уларнинг тушуниши осонлашади.

1-расм:




1-расмда Тежамкорликни нимадан бошлаш лозимлиги кўрсатилган.



Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясининг йўлга қўйишда энг биринчи Бозор деган жойнинг табарруклиги одамлар эҳтиёжини қондирадиган эл дастурхони бўлиши билан бирга, ҳеч бир миллат ажратмай, ҳеч кимни камситмай барчани ўзига чорлайди. Бозорга қайси миллат-элат кириб келмасин, ҳаммаси бир инсон сифатида ўзаро муомала муносабатда хушмуомала, ширинсўз ва адолатли бўлишлари табиий ҳолдир, шундан келиб чиқиб бозор – ҳамманики, насиба – насибники, ҳар ким насиб қилганини олади, дейишимиз жоиздир. Бозорнинг турли-туман одоб-қоидалари борки, улардан баъзиларини қуйида баён этдик, "Савдогар-сотувчиларга" ва "Харидор-муштарийларга" деган ўгитларга амал қилиб, ўзларига керагини олади деган умидламиз. Бозорга Оллоҳ таоло бахт-барака ато этсин! Бозорни – фаришта, одамларни фаришта деб билинг.Бозорнинг ўз қонун-қоидаси ва одоб меъёрлари мавжуддир:

Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик технологиясининг ўзига хос амалий шакллари ҳақида сўз юритар эканмиз албатта унга амал қилишда бозор одобига амал қилиши лозим. Бозорда баланд овозда бақириб-чақирманг, ҳаё-иффатингизни сақланг. Ҳисоб-китобда бир- бирингизга хиёнат қилманг, хиёнат баракани учиради. Бозор ризқ-рўз дастурхони, уни ифлос қилманг. Покиза неъмат, – сиҳатга қувват. Бозордабир-бирларини ота-она, ога-ини, опа-сингилдек ҳурмат қилган иззат топади.Бозорда ҳеч кимга унинг дилини оғритадиган аччиқ-қуруқ гап қилманг. Ҳадисда айтилган, "Ўзингизга раво кўрган нарсани бошқа биродарингизга ҳамраво кўрмагунингизгача мўмини комил бўла олмайсизлар" васиятини дилдамаҳкам тутинг. Сўз ғазабига миниб, оғзингизга эрк берманг. Чайқовчи-олибсотарларга дуч келиб қолсангиз, ранжиб: "Илоё бозорига ўт тушсин деб айюҳаннос солманг, ҳалол савдогар бозорчиларнинг дилини оғритиб қўйманг! Бозорда кўпчилик ичида қарғиш ва сўкиниш сўзларини тилга олманг.

Бозорда бировга масхаромуз тикилманг ва қўл бармоғи билан ёнингиздаги одамга бировни нуқталаб кўрсатманг. Бозорда биров беҳосдан туртилиб кетса, "ҳайвонга ўхшамай ўл, "Туркинг қурсин, "Кўзингга қараб юр, аҳмоқ" каби сўзлар билан ҳақорат қилманг. Бундай ҳолда: "И-е, нима бўлди, эҳтиёт бўлиб юринг", деб танбеҳ берилса, унинг кушёр бўлишига кифоядир. Бозорда ноиложликдан харидга чиқиб, мункиллаб-довдираб қолган қарияларга ёрдам-мадад бермоқ савобли ва раҳматли юмуш эканини унутманг. Сиздан ёрдам- мадад сўраган ожиз,

нитавон, кария, заифа, бемор кишиларни кўрганда илтижоларини эшитмагандек тескари караб кетманг, илтижоларини бажо этинг, Савобга коласиз ва рахматини оласиз!

Харидор-муштарийларга илтифотли бўлиши керак.

Харидорликни ширин сўз билан бошланг, харидингиз хайрли бўлади. Сотувчининг молини ёктирмасангиз олманг, лекин хунук сўз айтиб лат уриб кетманг. Бирор харидор оламан деб турган нарсани тортиб олишга уринманг, бундай килсангиз бировнинг огзидаги лукмани еганлик гунохига коласиз. Нимаики харид килмокчи бўлсангиз, нархини камайтириш ниятида: "Молингиз яхши эмасу, арзонрок берсангиз оламан", деб сотувчини дилини огритманг. Бир киши олаётган нарсадан, "менга колмайди" деб шошманг, сизнинг насибангизга аталгани хам борлигини унутманг. Сотувчи камгап- камсукум одам бўлса, сўзамоллик килиб ранжитиб кўйманг. Пештахталардаги ювилган-ювилмаган меваларни огизга солаверманг, бирор юкумли дардга чалиниб колишингиз мумкин.

Ноз-неъмат харид килишда сифати-мазасини билиш учун сотувчи дехконнинг рихсатини олиб, сўнг еб кўринг. Сотувчи айтган нархга нарса олманг, хадисда "мусулмонларда савдолашмасдан олишлик харомга киради деган иборани эсланг. Нарх-навода сотувчи билан тортишинг, лекин уч кайтасўраганингиздан кейин бермаса, зўрламанг, чунки "Сўраганнинг бир юзи кора, бермаганнинг икки юзи кора" бўлишини унутманг. Сотувчи молни тош- тарозида тортганда: "Бир-иккита ташлаб юборинг" деб таъ магирлик килманг, химматни ўзига хавола этинг. Сотувчи ноз-неъматни олиб тарозига кўяётганда, сиз хам кўл чўзиб, чанғаллаб тарозига солишга одатланманг, агар ёмонини кўриб колсангиз, олиб ташлашни сотувчидан яхши сўз билан илтимос килинг. Бозорга тушишдан олдин уйда зарурий нарсаларни рўйхат килиб ёзиб олинг, шунга яраша тўрва, халта, идишларни эсдан чикарманг. Сотувчи нарсани тортиб тайёр килганда, тўхтатиб мактал килиб кўйманг. Харид килган мева-чевангиздан еб, чикиндисини дуч келган жойга улоктирманг. Сотувчи битта олувчи мингта, сотувчини айблаб, каттик сўз айтманг. Дехкондан ноз-неъмат олганда, "Барака топинг, Оллох кувват берсин" деб яхши тилак айтишни унутманг. Мол-буюмни бахолашни билмасангиз, арзон ёки киммат нархни айтиб бировларга жабр килманг, яхшиси аралашманг. Сотувчи кўпчилик билан олди-сотди килаётганда, сизга ортикча кайтим бериб юборса, "бопладим савдогарни" деб кетманг, бу харом пул рўзгорингиз баракасини кул



килади. Яхшиларнинг бозорлари баракали, ноң-насибалари ва имонлари бутун бўлсин, топган-тутганлари тўй-у, хайрли ишларга буюрсин!

Савдогар-сотувчиларга куйидагича муомалада бўлиши лозим.

Савдогарликнинг энг яхши фазилати мехр-мухаббатли, хурмат иззатли ва илтифотли бўлишдир. Савдо-сотикда тор феълли бўлганнинг кисмини хам торайиб боради. Халол савдогарнинг кўлига, мевали дарахтга кушлар келиб кўнавергандек барака кираверади. Харидордан хакни тўгри хисоблаб олинг, кайтимини тўгри санаб беринг, сўнг рози-розилик тилашиб кўйинг. Харидорга сертакаллуф, ширин лутф, одамшаванда бўлинг. Сотувчиларнинг забонида: "Келинг, пулингиз бўлмаса хам олиб кетинг "Олмасангиз хим тотиб кўринг, еганингизга пул олмаймиз", "Ош бўлсин "барака топинг деган тилаклар бўлиши канчалар яхши эканини доим хис этинг. Харидорнинг халта-тўрвасига тарозидан нарсани беозор жойлаб бериб: "Уйингизга яхши етказиб олинг деб тилак айтинг. Касал кўргани борадиган харидор илтимос килса, ноз-неъматдан саралаб беринг, шунда сиз хам беморни кўрганлик савобини оласиз.

Харидор тажанг бўлса, сиз кулиб-очилиб муомала килинг – таранг асаби бўшашади, феъл-атвори тош бўлса, сахийлик килинг, - тошдек дили мумдек юмшайди. Харидор билан нархни келишолмай колсангиз ачиқланиб: "Ўтинг,
сиз оладиган нарса хув ўёкда деб дил огритиб йўл-йўрик кўрсатманг, яхшиси:
— Нархини келиша олмадик, бошкаларникини сўраб кўринг, деб чиройли муомала килинг. Илтифотли бўлинг, харидор хар бозорга тушганда сизни кидириб топадиган бўлсин. Иктисодиётнинг нимани, канча ва ким учун ишлаб чикариш зарур деган азалий муаммоси бозорда аникланади. Бозорнинг зарурлиги ана шу ерда кўринади. Шу сабабли бозор тизими конун- коидаларини ўрганишни бозордан бошлаймиз ва энг аввал бозорнинг ўзи нималигини аниклаймиз, сўнгра унинг турларини кўриб чикамиз. Ишлаб чикаришда яратилган турли-туман махсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларга тўгридан-тўгри эмас, балки бозор оркали етиб боради.

Бозор ишлаб чикаришни истеъмол билан боглайди, чунки хеч бир нарса текинга берилмайди, уни бозорда пулга сотиб олиш талаб килинади. Бозор - бу харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иктисодий алокалар, уларни бир-бирига боглайдиган механизмдир. Бозорга товар эгаси уни сотиш учун, харидор эса уни олиш учун чикади. Сотувчилар – бу товар ишлаб чикарувчи фирмалар, фермер хўжаликлари, якка тартибда ишлаб чикарувчи кишилардир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар,

яъ ни хонадонлар, ресурсларни олиб ишлагувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилар бўлади. Агар аҳоли бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларини сотиб олса,фирмалар ва якка тартибда ишловчилар асбоб-ускуна, машиналар, ёқилғи, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиб оладилар.

Бозорда товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади. Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари товарайирбошлашда муҳим аҳамиятга эга. Товар пула айирбошланганда (Т-П бўлганда) сотиш операцияси, пул товарга айирбошланганда (П-Т) харид этишоперацияси юз беради. Демак, бозор муносабатларида ҳам товарлар, ҳам пул ишлатилади. Шунинг учун буни товар-пул муносабати деб айтилади. Ишлаб чиқаришда яратилган махсулот ва хизматлар бозорда товар шаклига киради. Шунинг учун хам товар деганда бозорда сотиш учун чиқарилган нарсалар тушунилади. Ҳамманинг иши бозорда битади, чунки у ердан пулга барча

кераклн истеъмол буюмлари ва ресурсларни топса бўлади. «Ҳамма нарсанинготаси ҳам бозор, онаси ҳам бозор» деган гапнинг маъноси мана шунда. Ҳамманинининг бозорда битиши унинг афзаллиги бор дегани. Хўш, бу афзалликнимада? Бу бозор алоқаларининг иқтисодий жиҳатдан қулай бўлишида, албатта. Гап шундаки, ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқаргандан кўра бир хил маҳсулотни чиқариб, бошқасини сотиб олиш нафли бўлади.

Товарни яратувчининг меҳнати ихтисослашган бўлади, яъни ишлаб чиқарувчилар фақат у ёки бу товарни ишлаб чиқариш билан машғул бўладилар, натижада касбларнинг тури кўпайиб боради. ХХИ асрга келиб ер юзида 20 мингдан зиёд касблар пайдо бўлдики, улар билан машғул кишилар 45 триллион доллардан зиёд (2020 й.) маҳсулот ва хизматларни яратдилар, булар гоят хилма-хил товарлар бўлиб, уларни ишлаб чиқарувчилар бозор орқали бир-бирига етказиб берадилар. Ихтисослашув товарларни айирбошлаш орқали истеъмол этишини қулай қилганидан бунга зарурат пайдобўлади. Ихтисослашув чуқурлашган сари янги ва янги турдаги товарлар пайдо бўладики, булар бозорга келиб айирбошлаш доирасини кенгайтиради.

Шундай доно ва маъноли тежамкорлик ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг баъзи бир шакллари хақида тўхталиб ўтамиз: Ўқитувчи ҳар бир тарбиявий дарсларда Болаларга "Электр токини тежаш", "Сувни эъзозлаш", "Болаларга газ арзон ва ажойиб ёқилғи" экани ҳақида тушунча бериши лозим.Буларни ўзига хос шаклларига изоҳ бериб ўтилади.



Масалан: **"Электр токини тежаш"** ҳақида:

**1-мавзу: Чароғон хонадон.** Электр токи, у қаердан олинади? Болаларга электр токи, у қаердан олиниши ҳақида қисқача маълумот бериш. Катталар меҳнатини қадрлаш, чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёқиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш. Машғулот давомида ўтмишдаги ёритиш тизимларини (шағам, пилик, керосинли лампалар), улардан

фойдаланиш йўлларини кўрсатиш. Қоронғиликда улардан фойдаланиш тажрибасини ўтказиш орқали, чироқнинг қанчалик қулайлигини, уларнинг орасидаги фарқни, қанча меҳнат кетишини уларга тушунтиришга қаратиш.

**2-мавзу: Электр жиҳозлари ва уларга эҳтиёткорлик чоралари.** Болаларга электр жиҳозлари, уларнинг электр қуввати орқали ишлаши ҳақидатушунча бериш. Болаларни электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатларини тарбиялаш ҳамда электр токини тежашга ўргатишда давом этиш. Қатъиян тақиқланган нарсалар электр розеткалари ва электр жиҳозларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян ман қилинганлиги ҳақида огоҳлантириш. Болалар ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил равишда электр жиҳозларидан фойдаланиш йўллари, қатъий тақиқланган қоидаларни бузишнинг мумкин эмаслигини тушунтириб борилади..

**3-мавзу: Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни манқилиш.** (электр розеткалари ва электр жиҳозлар)

Болаларга уй-рўзғорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш. Болаларга гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозларйй фақатгина катталар фойдаланиши мумкинлигини тушунтириш. Бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян ман қилинганлиги ҳақида огоҳлантириш. Бола ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил равишда гугурт ишлатишда, газ плитасини ёқиши, электр жиҳозларидан фойдаланишида керакли қоидаларни бузиш мумкин эмаслигини тушунтириш

**4-мавзу. Электр токини тежаймиз.** Болаларга электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш, электр токини тежашга

ўргатиш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёқиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

**5-мавзу. "Чароғбон" касби билан таништириш.** Болаларни чароғбон касби ҳақидаги билимларни аниқлаш ва кенгайтириш. Чароғбон бўлиш учун нима иш қилиш керак, чароғбон қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги билимларни кенгайтириш. Чароғбон касбига бўлган муҳаббатниоширишш.

**6-мавзу. "Бола уйда ёлғиз" суҳбат**. Болаларга уй- рўзғорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш. Болалар ёшини инобатга олган ҳолда эхтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш керак бўлган нарсалар: игна, қайчи, пичоқ; Телевизордан фойдаланилганда унинг олдига яқин бормаслик, унинг муруватларини бекорга босмаслик, телевизорни яқиндан кўриш кўзга ёмон таъсир кўрсатиши ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Бола уйда ёлғиз мавзусида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

**7-мавзу. "Лолахони ўз кийимини дазмоллайди" тарбиявий ўйин.** Болаларга дазмол, дазмол қилиш, дазмолланган кийимлар сип-силлиқ, чиройли бўлиши ҳақида тушунча бериш. Мазкур ўйин орқали болаларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини тарбиялаш. Машғулот давомида болаларга дазмол электр қуввати туфайли ишлаши ҳақида тушунча бериш. Катталар дазмолдан фойдаланганларида уларнинг олдига яқин бормаслик, акс ҳолда бирор жойлари иссиқ дазмолдан куйиб қолишлари мумкинлиги ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Дазмолдан фойдаланиш қоидалари ҳақида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш

**8-мавзу. "Кўчамиздаги чироқлар" расм чизиш.**

Болаларга кўчадаги чироқлар мавзусида мустақил ижод қилиш учун шароит яратиб бериш. Чироқларни гуаш бўёғи билан чизиш, унинг тузилиши, жойлашишига аҳамият бериш. Мўйқалам билан ишлаш техникасини шакллантириш: мўйқаламни эркин ва ишонч билан ушлаб олиш. Ишга нисбатан мустақиллик, ишонч, тартиб билан ишлашга ўргатиш. Ўз кўчаларигаанисбатан муҳаббат уйғотиш.

9-мавзу. "Чироқ ҳақида" қўшиқ ва шеърлар айтиш. Пўлат Мўмин."Чароғбон" шеърини ўқиб бериш. Чироқчилик касби ҳақидаги билимларни аниқлаш ва мустахкамлаш. Чироқчилик касби нечоғлик



керак касб эканлигини болаларга тушунтириш. Болаларни шеърга қизиқтириш, шеър мазмунини тушунишларига ёрдам бериш. Чироқчилик касбига бўлган муҳаббатни ошириш.

Масалан: "Сувни эъзозлаш" ҳақида:

1-**мавзу: "Сувни эъзозлаш"** ҳақида суҳбат: Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювиниш, деҳқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур, табиатга гўзаллик бағишлаши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

**2-мавзу: Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**. Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга қўл ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Қўл ювиш вақтида сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча беришда давом этиш.

**3-мавзу: Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш.** Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга тиш ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Тиш ювиш вақтида сувниисроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча беришда давом этиш.

**4-мавзу: "Бола уйда ёлғиз" суҳбат.** Болаларга уйда ёлғиз қолганларида сув кранларини очиқ қолдирмаслик, сувга эҳтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

**5-мавзу: "Лолахони ўз кийимини ўзи ювади" таълимий ўйин.** Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш. Болаларга кўйлакни тоза ювиш, тоза

чайиш, илиб қуритиш ҳақида тушунча бериш. Кўйлак қуриб бўлгач дазмоллашкераклигини тушунтириш. Болаларга қўғирчоқни кийимини ювиш орқали сувга эҳтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежашҳақида тушунча бериш.

**6-мавзу:Ўсимликларини парвариш қилиш.** Болаларнинг полиз ўсимликлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларнинг полиз ўсимликларига бўлган қизиқишлари ва уларни парваришлашга бўлган иштиёқларини ривожлантириш. Болаларга ўсимликларини парвариш

қилишда оқар сувлардан фойдаланиш, ичимлик сувини тежаш, сувни исроф қилмасликхақида тушунча бериш.

7-мавзу: **"Сув кимга керак?" таълимий ўйин.** Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар учун кераклиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювиниш, деҳқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур, табиатга гўзаллик бағишлаши, энг бебаҳо бойлик эканлиги хақида тушунча бериш Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтиришдадавом этиш.

8-мавзу: **Ў.Хошимов "Томчи ҳақида эртак".** Болаларни адабий эртакка қизиқтириш, маъносини тушунишларига ёрдам бериш.Сувнинг ер ва осмон оралиғида айланиши ҳақида тушунча бериш. Болаларни мантиқий фикрлашгаундаш. Ичимлик сувини тежашга ўргатиш.

9-мавзу: **Сувни асраш ҳақида мақоллар ўргатиш.** Болаларга сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақоллар айтиб бериш, мақоллар маъносини расмлар орқали тушунтириш. Болаларнинг сувни исроф қилмаслик, уни асраш кераклигини тушунишларига эришиш.

Масалан: **"Газ ўта фойдали, уни тежаш зарур"** эканлиги хақида:

1-мавзу: **Табиий газдан фойдаланишимиз, аммо ундан эҳтиёткор бўлиш лозим.** "Онамиз-пазанда", аммо газсиз овқат пишмайди. Суҳбат. Болаларни ота-онасига ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш. Ўзи қилган ишнинг бошқаларга фойдаси борлигини билишга, бошлаган ишини охирига етказиб, ҳаммага ёқадиган бўлишга ундаш. Меҳнатнинг натижасини кўришда қувонишни тушунтириш, меҳнатга тўғри муносабатни тарбиялаш. Ошхона асбобларидан эҳтиёткорона фойдаланишга ўргатиш. Болаларга газ ажойиб ва арзон ёқилғи экани хақида тушунча бериш. Табиий газ заҳарли экани, кундалик турмушда газдан фойдаланишимз, ундан эҳтиёткор бўлиб фойдаланишимиз кераклиги ҳақида тушунча бериш. Болаларга ошхонада газдан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўплаб кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли мурувватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш; Газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида тушунча бериш.

2-мавзу: **Газ билан тўғри муносабатда бўлиш.** Айрим ҳолатларда



газдан тўғри фойдаланишга ўргатиш ва улардан кераксиз жойда фойдаланишни ман қилиш. ( гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш) Болаларга уй- рўзғорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъиянтақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш. Газни тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўплан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли мурватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш.

3-мавзу: **Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш.** "Ўт ўчирувчи" касби ҳақидаги билимларни аниқлаш. Одамларни хавфхатардан муҳофаза қилаётган ташкилотлар ишлари билан таништириш. Кишиларнинг мол- мулклари ва ҳаётларини хавф остида қолишига нималар сабаб бўлиши ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишларига эришиш. Ўт ўчиришда замонавий асбоб-ускуналар билан таништириш. Нима учун хизмат қилишини ўргатиш.

4-мавзу: **"Ёнғин" шеърини ўқиб бериш.** Болаларга шеърни ўқиб бериш орқали гугурт билан ўйнаш ёнғинга олиб келишини, ёнғин - ҳалокат,кулфат экани ҳақида расмлар орқали тушунча бериш. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш йўллари ҳақида тушунча бериш. Ёнғинга қарши қонун-қоидалар билан таништириш. Болаларга гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли мурувватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ хидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтишзарурлигини билишга ўргатиш.

5-мавзу: **"Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар" суҳбат.** Болаларга тасодифий вазиятлардан чиқиш учун телефондан фойдаланиш қоидаларини, таниш ва яқин инсонларнинг телефон рақамларини билишларини ўргатиш. Болаларни телефон билан ўйнашни тасодифан телефон қилишдан фарқлашга ўргатиш. Телефон орқали ҳақиқий сўзлашишни махсус машқларда мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

6-мавзу: **"Оила" тарбиявий ўйин.** Оила ўйини орқали асосий эътиборни гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли мурувватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш хақида болаларга тушунча бериш.

**7-мавзу: "Лолахон кандай овкатланади" таълимий ўйин.** Болаларни овкатланиш одобига ўргатиш. Болаларни овкатланиш вактида ишлатиладигананжомлар билан таништириш ва сўз лугатини бойитиш. Ўйин давомида

ошхонада болаларга катъиян таќикланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газплитасини ёкмасликни тушунтириш.

**8-мавзу: «Тежамкорлик- яхши одат» сухбат.** Тежаш — бу нарсаларни исроф килмаслик, уни кадрлаш, хар бир буюмни ўз меъёрида ишлата билиш эканлиги, исрофгарчиликка йўл кўймаслик, режалилик хар бир оилага кут- барака, бахт-саодат олиб келиши хакида тушунчаларини мустахкамлаш. Исрофгарчиликнинг охири кочорлик, хор-зорликка олиб келишлишиниривоят, хикоятлар оркали тушунтириш. Намунавий машгулот ишланмаси.

**9-Мавзу: Ибрагимованинг «Чирок» хикоясини ўкиб бериш.** Максад:Болаларга хикоя мазмунини тушунишларига эришиш. Болаларга чирок оркалиуйларимиз ёруг, дилларимиз равшан эканини тушунтириш. Чирокни тежаш вауйдан оқилона фойдаланиш кераклиги хакида тушунча бериш. Кундуз кунлари чирокни ўчириш, чирокни тежаш, чирок ёкиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан окилона фойдаланишга ўргатиш. Керакли жихозлар: Мавзуга мос мазмунли расмлар Машгулотнинг бориши. Тарбиячи: Болалар, кандай уйни ёруг уй деймиз? Чирокни кайси вактда ёкамиз? Уйингизда хаммахоналарнинг чироклари бир вактда ёкилалими? Ким бехуда чирок ёкилиб туришини олдини олади?

Хозир мен, сизларга Замира Ибрагимованинг **«Чирок»** хикоясини ўкиб бераман. Болалар, агар хикояни яхшилаб эшитсангиз, ёниб турган ортикча чирокни ўчириб кўйиш, электр токини тежаш, яъни исроф килмаслик эканини билиб оласиз. (Ўкитувчи 1-синф ўкувчиларига хикояни ифодали ўкиб беради).

Замира Иброхимова **"ЧИРОҚ – ЁРУГЛИК"!**

Умар билан Абдусамад бахор келса саккиз ёшга тўлади. Улар кўшни яшайди, мактабга хам бирга боради. Улар хозирпарта устига ёйилган кизил, сарик, кўк кубиклардан уйча куришаяпти. - Мен уйимни куриб бўлдим. Кара,чиройлими? – деди Умар. - Вой, ростдан хам чиройли уй курибсан, - деди астойдил севиниб Абдусамад. - Агар-чи, уйдаги хамма чиробларни ёкиб кўйсам, уй яна хам чиройли, ёп-ёруғ бўлади. - Мен уйдаги хамма чирокни



баравар ёкмайман. Дадам, "Чирокни ўчириб юргин. Электр токини исроф килма!" деганлар.

- Хм-м, даданг, ёп-ёруг уйни ёмон кўрар эканлар-да, - деди Умар масхаралагандек. - Хеч хамде. Ўзинг ёмон кўрасан. Мени дадам ёруғ уйни ростдан яхши кўрадилар, - деди жахлланиб Абдусамад. - -Нега бўлмаса чирокни ўчириб юр !, - дейдилар. - Чирок бекорга ёниб турса, у исроф бўлади-ку, шуни хам билмайсанми? - Кўп-п чирок ёниб турса, хамма жой чараклаб кетади, билдингми? - деди бўш келмай Умар. Тортишувга зимдан кулок солибтурган синф ўкитувчиси – Башорат опа болаларнинг ёнига келди, ва дедилар:Умаржон, болажоним, чараклаган, ёп-ёруг уйни, ёругликни биз хаммамиз яхши кўрамиз. Тўгрими, болажонлар. Партада ўтирган болалар "Тўгри!" деб тасдиклашди. - Лекин, асалтойларим, Абдусаматга дадаси жуда яхши, керакли нарсани ўргатибди. Электр токини тежаш керак. Шунда уйимиз хамиша ёруг бўлади. - Тежаш… нима у? – хайрон бўлиб сўради Умар. - Ёниб турган ортикчачирокни ўчириб кўйсанг, электр токини тежайсан, яъни исроф килмаган бўласан, - деди Башорат опа жилмайиб. - Жўмракдан окиб ётган сувни ўчирибкўйсак, сувни тежаган бўламиз-а, Башорат опа, - деди Муниса. - Баракалла, ширин кизим! Сув, электр токи, овкатларимизни пиширадиган, чойимизни кайнатадиган табиий газ бизга берилган улуғ неъматлардан биридир. Уларни исроф килмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири хисобланади. Сизлар яхши, чиройли одатларга амал килишни ёктирасизми? - Менёктираман, - деди Умар. - Мен хам яхши болаҳан, - деди кўзлари чакнаб Хасан. Гурухдаги бошка болалар хам кувноклик билан уларнинг гапига кўшилди. - Ундай бўлса, келинглар, биргаликда кайтарамиз. Башорат опа донадона килиб, аста такрорлади: - Чирок – ёруглик! Сув - хаёт! Биз хаётни, ёругликни яхши кўрамиз. Уларни бекорга исроф килмаймиз! Болалар устозларининг сўзларини ўктам овозда, баралла кайтаришди. Бугун синф ўкувчилари, айникса Умаржон электр токини исроф килмаслик хакида ана шундай чиройли сабоғ олди. - Ўкитувчи: Баракалла ўкувчилар, сув, электр токи, овкатларимизни пиширадиган, чойимизни кайнатадиган табиий газ бизга берилган улуг неъматлардан бири. Уларни исроф килмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири хисобланади. Сизлар, бундан буён ёниб турган ортикча чирокни ўчириб кўйсангиз, электр токини тежаган бўласиз, электр токи тежалганда уйимизда хамиша чирок ёниб туради. Жўмракдан окиб ётган сувникўрсангиз, ўчириб кўйинг, сувни тежаган бўласиз. Сув хамма учун керакли неъмат. Сувсиз ўсимликлар ўсмайди, одамлар, хайвонлар сувсиз

яшай олмайдилар. Ичимлик сувини тежаб ишлатсак, ичимлик суви ҳаммага етади, тугаб қолмайди. Доимо, ана шундай яхши одатларга амал қилинг.Бундай тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик қилишнинг юқорида кўрсатилган шакл ва усулларидан тўғри фойдалансак ўқувчи онгида бундай билимлар узоқ вақт сақланиш имконини беради. Бу эса бошланғич синф ўқувчилари учун ниҳоятда зарурий билимлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кўҳна Шарқда бозор минг йиллардан бери халқнинг юкини елкасида кўтариб, бозор-ишлаб чиқариш билан истеъмолчини боғловчи олтин кўприкдир. Бутун жаҳон тарихида Туркистон тижорати кечмишидан энг нурли из бўлиб қолган босқич қадимий

—Буюк Ипак йўлидир. Шарқ тарихидан бизга мерос бўлиб келаётган, савдогарлик туркий халққа хос бўлган алоҳида қобилиятдир. Бугун ҳам янги Ўзбекистонда бу борада жуда кўплаб ишлар қилинмоқда. Шундай экан ҳаётга кириб келаётган ўқувчи-ёшларни бозор одобига мослаштириш, ўргатиш ва тарбия бериш бу давр талабидир. Дунёдаги ҳар бир халқнинг тил-забони ўзгача бўлгани каби, миллий хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, феъл-атвори, муомала муносабати, турфа урф-одатлари билан ҳам ажралиб, фарқ этиб туради, лекин умуминсониятга хос бўлган меҳр-муҳаббат, ҳаё- иффат, раҳм-шафқат, ҳурмат-иззат ва қадр-қиммат деган туйғулар борки, бу ҳамма миллатлар учун бирдек гўзал фазилат ҳисобланади. Бозор деган жойнинг табарруклиги одамлар эҳтиёжини қондирадиган эл дастурхони бўлиши билан бирга, ҳеч бир миллат ажратмай, ҳеч кимни камситмай барчани ўзига чорлайди. Бозорга қайси миллат-элат кириб келмасин, ҳаммаси бир инсон сифатида ўзаро муомала-муносабатда хушмуомала, ширинсўз ва адолатли бўлишлари табиий ҳолдир, шундан келиб чиқиб бозор – ҳамманики, насиба – эгасиники, ҳар ким насиб қилганини олади, дейишимиз жоиздир. Бозорнинг турли-туман одоб-қоидалари борки, улардан баъзиларини қуйида баён этдик. "Савдогар- сотувчиларга" ва "Харидор муштарийларга" деган ўгитларга амал қилиб, ўзларига кераганини олади деган умиддамиз. Бозорга Оллоҳ таоло бахт-барака ато этсин! Бозорни – фаришта, одамларни фаришта деб билинг. Бозорда баланд овозда бақириб-чақирманг, ҳаё-иффатингизни сақланг. Ҳисоб-китобда бир- бирингизга хиёнат қилманг, хиёнат баракани учиради. Демак Шарқда азалдан бозор одобига амал қилишган.



## 6. ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МОС КЎРИНИШЛАРИ ВА ТУЗУЛИШ

Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорликнинг миллий қадриятларимизга хос тузулиш функцияларига тўхталар эканмиз бу борада Қурони Карим ва Ҳадислардаги иқтисодий тарбия, Ибн Сино ва Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий қарашлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Марказий Осиё буюк донишмандларининг фалсафий ва ижтимоий таълимотларидаги иқтисодий мерослари умуман кўп жиҳатли ҳамда мазмунан бойдир. Марказий Осиё олимлари тўғ алиик масаласини ўз даврида энг муҳиммуаммоларидан бири эканлигини таъкидлаш билан унинг моҳиятини очиш учун интилганлар. Ўлкамизда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорликнинг ривожланиши ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ғоялари ҳар доим ўтмишда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қимматли ўгитлари ва қадриятлар ҳаёт билан доимо чамбарчас боғлиқлиги маълум.

Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини тежамкор бўлишга ундаганларини халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, тежамкорлик мавзусида халқ мақолларида ҳам ўз аксини топган. Зеро, бу мақоллар юз йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг дилида сақланиб келган. Мақоллар кишиларнинг тарихий тажрибаси сифатида кўпгина синовлардан ўтиб шаклланади ва чуқур маъно касб етади. Мана уларнинг айримлари: "Тежаган-бирга бирни қўшар, тежамаган бирини ҳам бой берар", "Пул топиш учун куч-қувват керак, тежаш учун-фаҳму-фаросат", "Ўзингникини бир бор тежаманг, халқникини минг бор тежа", "Тежамлигу расомдлик-ака-ука, тўғрилигу ҳалоллик-опа-сингил", "Тежамкор-олкиш олар, исрофгар қойишга қолар" ва ҳоказо.

Ҳаттоки, ота-оналаримиз тежамкорлик руҳида тарбиялаш вазифасига фарзандларининг бахтли-саодатли бўлишининг бир шарти, ахлоқий тарбиянингбир кўриниши сифатида қараганлар.

XXI аср бошига келиб ер юзида бир неча миллион хил товар нафақат миллий бозорда, балки халқаро бозорда ҳам айирбошланди. Бозорнинг

афзаллиги шундан иборатки, у чекланган ресурслар шароитида эхтиёжларни кам меҳнат сарфлаган ҳолда ва тўлароқ қондириш имконини беради. Бозор кўрсатадиган хизматларга зарурат бўлганидан у доимо кенгайиб боради, бозор алоқалари домига тобора кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни тортилади.

**Маҳаллий бозор** – бу кичик худуддаги бозор бўлиб, унинг иштирокчилари шу ерли сотувчилар ва харидорлар бўлади. Бубозорда асосанмаҳаллий товарлар олди-сотдиси юз беради. Ҳудудий бозор — бу бир неча чегарадош худудлар доирасидаги бозор бўлиб, маҳаллий бозорлар мажмуасидан иборат.

**Миллий бозор** — бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги, яъ ни мамлакатнинг ички бозори. Бу бозор миллий иктисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг иштирокчилари муайян

мамлакатдаги барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва улар ўртасида турган воситачилардан иборат.

Миллий бозор мамлакатдага барча бозорларни бирлаштиради, бу ерда миллий пул харид учун ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат килади. Миллий бозор давлат ҳимоясида бўлади. У очик бозор, унга кириб келиш, ундан чикибкетиш эркиндир.

**Давлатлараро бозор** — бу икки ва ундан кўп мамлакатларнинг ўзаро бозори бўлиб, бунда турли мамлакатлар фирмалари ва давлат идоралари катнашади. Бу бозорда товарни бевосита истеъмол этувчилар — хонадонлар катнашмайди. Бу бозор чегарадош давлатлар бозори бўлиб, бу ерда шу мамлакатларда яратилган товарлар, четдан келтирган товарлар олди-сотди килинади. Айтилган мамлакатларда чегара олди савдо-сотиги кенг таркалган бўлади.

**Жаҳон бозори** – бу дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ муносабати. Бу бозорда тараккиёт даражаси, бинобарин Товар ишлаб чиқаришсалоҳияти ҳар хил мамлакатлар катнашади. Улардан бири тайёр маҳсулотлар етказиб берса, бошкаси хом ашё ва ёкилги каби ресурсларни бозорга чиқара- ди. Бунда нархнинг моҳияти ва функцияси бениҳоят катта. Бозорда товар ва хизмат харид этилган чогда унга канча пул тўлаш кераклигини нарх белгилайди. Нарх арзон бўлса пул камроқ тўланади, нарх киммат бўлса пул кўп тўланади. Эркин бозор нархларининг юзага келиши омилари куйидагича шаклланади. Биз биламизки, эркин ракобатли бозор ва монопол бозорлар бор, бу ерда нархлар турлича бўлади. Лекин бундан катъий назар ҳамма ерда



нархларнинг шаклланишига таъсир этувчи умумий омиллар амал килади. Булар: харажат, талаб, таклиф ва рақобатдир.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, Кўҳна Шаркда бозор минг йиллардан бери халкнинг юкини елкасида кўтариб, бозор-ишлаб чиқариш билан истеъмолчини богловчи олтин кўприкдир. Бутун жаҳон тарихида Туркистон тижорати кечмишидан энг нурли из бўлиб колган боскич кадимий

—Буюк Ипак йўлидир. Шарк тарихидан бизга мерос бўлиб келаётган, савдогарлик туркий халкка хос бўлган алоҳида кобилиятдир.

Бугун ҳам янги Ўзбекистонда бу борада жуда кўплаб ишлар килинмокда.Шундай экан ҳаётга кириб келаётган ўкувчи-ёшларни бозор одобига мослаштириш, ўргатиш ва тарбия бериш бу давр талабидир. Дунёдаги ҳар бир халкнинг тил-забони ўзгача бўлгани каби, миллий хулк-атвори, одоб-аҳлоки, феъл-атвори, муомала муносабати, турфа урф-одатлари билан ҳам ажралиб, фарқ этиб туради, лекин умуминсониятга хос бўлган меҳр-муҳаббат, ҳаё- иффат, раҳм-шафкат, ҳурмат-иззат ва қадр-киммат деган туйгулар борки, бу ҳамма миллатлар учун бирдек гўзал фазилат ҳисобланади. Бозор деган жойнинг табарруклиги одамлар эхтиёжини қондирадиган эл дастурхони бўлиши билан бирга, ҳеч бир миллат ажратмай, ҳеч кимни камситмай барчани ўзига чорлайди. Ҳар қандай шароитда бошланғич синф ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тушунчаларини шакллантириш ва тарбиялашда оила билан ҳамкорликнинг миллий қадриятларимизга хос функцияларига эътибор берар эканмиз, бу борада тижорат ва тадбиркорлик ҳунари-муқаддаслигини асосланимиз лозим.

**"Ҳаромдан топганинг- ҳаромга кетади, ҳалолдан топганинг лаззатли бўлади"**

(Мақол).

Инсон ҳаёт экан, яшаш учун курашади. Бу курашнинг тагида эса меҳнат ётади ва у жисмоний, аклий, илмий меҳнат каби турли хил шакл ва кўринишларда бўлиши мумкин. Тижорат, тадбиркорлик, бугунги тил билан айтганда **"Бизнес"** бозор иктисодиётининг энг муҳим меҳнат турларидан.

**Аклли болалар вақтларини бекор ўтказмайдилар, ғайрат билан ўкийдилар, ишлайдилар, олтинга тенг вақтларини қадрлайдилар, куннинг ҳар лаҳзаси улар учун ҳисобли. Донишмандларни ҳам улугликка элтган нарса вақтдан унумли фойдаланиш бўлган. Инсонни бахтли килувчи ва умрини безатган ҳам вақтдир.**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида қийин иқтисодий холатга тушиб қолишга таъсир қиладиган омиллардан бири, бу халқ оммасида иқтисодий тарбия ва хуқуқий билимнинг етишмаслигидир.

Иқтисодий равнақ асосан иқтисодий билим ва тарбия орқали амалга оширилиши барчага аён бўлиб, у, энг аввало, жамиятимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни иқтисодий билим ва тушунчалар билан қуроллантириш, уларда иқтисодий масалаларга қизиқиш уйғотиш, ерга эгалик қилиш, ўз касбига, хунарига садоқатлилик каби хисларини тарбиялаш орқали амалга оширилади.

Мустақиллик маънавияти хақида фикр юритар экан, биринчи ПрезидентимизИ.А.Каримов шундай деган эди: **"Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламиз"**[13]

Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, Ўзбек халқи қадимдан ота-боболарнинг урф-одатларини, миллий қадриятларимизни изчил давом эттириб, хаётда яшашнинг халол сир-асрорларини мукаммал эгаллагани, хеч качон, хеч бир жойда ва хеч кимга муте бўлмагани, бокимонда холга тушмагани барчага аён.

Шу маънода иқтисодий тарбиянинг негизи хисобланган тадбиркорлик ва тежамкорлик инсон хаётида мухим саналсада, унинг негизи бўлган савдогарлик хунари хам хамиша муқаддас хисобланиб, унга халоллик рамзи деб қаралган.Савдогарлик сўзи маъносига келсак у худди заргар, мисгар, дурадгор каби касб-хунарни англатади, демак савдогарлик хам касб-хунардир. Буни хам эплайдиганва шу сохага қобилияти бор одам қила олади. Савдогарлар халқнинг турмуш- турмушини, рўзғор харидини, талаб-эхтиёжини яхши биладиган, йўкни- йўндирадиган, бозор пештахталарини зарур моллар билан тўлдирадиган, эл-юрт хожатини чиқарадиган, эпчил ва уддабурон фидойи кишилардир.

Тасаввур қилинг, бир тадбиркор, тижоратчи ёки савдогар хорижий мамлакатдан мол келтириб бозорни тўлдирса, мўл-кўлчилик қилса, келтирилганмол-холини сотишда нарх-навони инсоф, диёнат билан қўйса бундан улуг касб- хунар бўлмаса керак. Бу ерда одамларга моддий имкониятлари яратиш биланбирга, бир вақтнинг ўзида савдогарнинг хам моддий даромадларини ошириш назарда тутилади. Дарвоке, бу касбнинг

[13] Туркистон газетаси 1995 йил, 2 феврали



тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Қадимий Хитой манбаларида кўрсатилишича, милоддан аввалги II-Iасрларда Бақтрия замини "Дахя"- деб аталиб, унга Амударёнинг ўрта оқими: хозирги Ўзбекистоннинг жанубий қисми, Тожикистоннинг жанубий туманлари, Туркманистоннинг шарқий қисми ва Шимолий Афгонистон худудлари кирган. Бу ерда ахоли савдо ишларида мохир - деб бахоланган.Турон заминида хатто ёш болаларни савдо ишларига ўргатиш одат-анъана бўлганлиги тарих китобларидабитилган. Масалан, қадим даврларда ўспиринлар Самарқанд шахри бозорларида савдога тортилиб, хар томонлама тижоратга ўргатилган. Улар чет тилларини ўзлаштириб ўзоқ юртлардан келган савдогарлар билан исталган тилда тилмочларсиз гаплашиб савдо қила олганлар. Демак, минг йиллар илгари савдо-тижорат билан шуғулланиб келган халқлар савдогарлик касб-хунари савобли вақтлуг юмуш эканини ақл-заковат билан чуқур хис этганлар. Хусусан, Туркистон тижорати тарихда ўчмас из қолдирган "Буюк Ипак йўли"да ўзбек савдогарларихам жавлон урганлар, савдо-сотиқнинг сир-асрорларини пухта эгаллаганлар.

Шуни алохида қайд этиш жоизки, Ўзбекнинг савдогари хеч қачон фақат ўзининг бойишини кўзлаб, мол ва буюмларни омборларга яшириб қўйиб, танқислаштириб, сўнг нархини кўтариб, халқни қақшатиб бойиган ёки халққа хиёнат қилган эмас. Аксинча, юртлардан-юртларга, шахарлардан-шахарларга зарурий мол-буюмларни ахтариб йўл азобини тортиб келтирган, халқнинг эхтиёж-талабини қондирган, савоб-дуо олишган, шунинг учун хам уларнинг савдо-сотиқишлари баракали ва файзли бўлган, ўзлари хам иззат-хурмат кўрганлар. Хатто хорижда савдогарлар турли-туман юкларни катта туя карвонларида олиб келганларида уларни мамлакат подшолари, шахар хокимлари, уламою-фузалолар, бутун халқ тантана ва қувонч билан кутиб олганлар. Ўз навбатида савдогар савдонинг нонини халоллаб егани учун кўплар уни касб-хунар билиб уни эгаллашган ва садоқат эътиқод билан халққа хизмат қилишган. Савдогарлик касббўлиши билан бирга покиза хунар хисобланган. Унинг тартиб-қоидаларини муқаддас - деб билганлар, савдодан келадиган фойда халол бўлишини дилда махкам сақлаганлар. Чиндан, савдо хам халол мехнат бўлиб покизалик билан адо этилса, мўл-кўлчилик ризк-насиба ва қут-барака топилади. Ўзбек халқи савдогарчиликнинг хамма фазилат хосиятлари туб мохиятини яхши тушунгани учун қадимдан ота-боболаримизнинг бу касб-корларини эъзозлаб келган.

Бугунги ва келажак авлод хам хамиша ота-боболаримиз одатларига содиқ қолдилар ва бу касбни поклик, халоллик рамзи - деб биладилар.

Бунга шубхамиз йўқ. Нега деганда , бугун Ўзбекистонда тадбиркор, тижоратчи ва савдогарга қонун доирасида ҳалол фаолият юритишлари учун барча шарт – шароитлар яратиб берилган. Жумладан, уларга имтиёзли кредитлар бериш, айрим солиқларидан қисман ёки тўла озод қилиш, бож солиғини камайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Агар инсон молу-дунёга хирс қўйган бўлса, бундай кишилар савдогарлик касбида узоқ ишлай олмайдилар. Инсон ҳалол мехнатга, пешона тери билан топилган бойликка шукрона айтиши керак. Ҳар бир одам ўз касби-ҳунари туфайли ўз имконияти ва ўз иқтидорига яраша ишлаб, ундан топган бойлигидан эхтиёжига яраша фойдаланса, ҳалоллик билан хаёт кечирган бўлади.

Унутмайлик одамлар ризқи-насибасининг муътабар даргохи бўлмиш бозорлар ва дўконлардаги олди-сотди ишларида хоҳ сотувчи, хох харидор бир-бирига хиёнат қилмаслиги керак. Тижоратда сотувчи харидорни алдаса, тош-торозудан ва ўлчовдан уриб қолса, сотилаётган нарсаларининг айбини яшириб бир амаллаб харидорга ўтказиб юборса, гуноҳ бўлади. Харидорга нарса сотганда ҳақини аниқ ҳисоб-китоб қилиб олиш, унинг нарсасини танлашда ёрдам
қилиш савоб бўлади.

**Жаноби пайғамбаримизнинг "Ўзингизга раво кўрган нарсани бошқа бировларингизга ҳам раво кўрмагунингизча мўмину комил бўла олмайсизлар" деган ҳадислари айни шунга қаратилган.**

Ҳалоллик хақида машҳур мухаддислардан имом Або Муслим шундай бир ривоятни келтирдилар: "Кунлардан бир кун Расуллулох(с.а.в.) бозорда буғдой сотаётган одамнинг олдидан ўтиб қолдилар. Сотувчи олдида тўхтаб қўлларини буғдой халтасининг ичига тиқиб кўрдилар. Қўллари нам бўлиб чиқди. Шунда Расулоллоҳ сотувчига қараб: "Бу нимаси?"дедилар. У одам: "ёмғир теккан эди , ёРасулоллох",- деб баҳона қилган бўлди.Он хазрат айтдиларки: "Ёмғир теккан бўлса, нега ташқарига чиқариб қўймай, ичига яшириб қўйдинг? Ахир одамлар молингни яхши ёмонини билиб, кўриб, ундан кейин харид қилсинларда. Кимки бизни алдаса, у биздан, яъни мусулмонлардан эмас", - деб қойиган бўлибтилар".Бундан кўринадики, бугунги кунда бозорларда олди-сотдида қилинадиган хийла-найранглар, хиёнатлар, бировларнинг ҳақларидан юлиб-юлқибқолишлар, "бир"га олиб, "ўн"га пуллашлар жуда "азим" гуноҳ хисобланади. Бундай кишилар Аллох олдида хам,бандаси олдида ҳам қолаверса виждони олдида хам муттаҳамдирлар.

Савдогарлик ҳалоллик ва поклик касбидир, уни муқаддас - деб



билайлик ва ёшларни ҳамиша бунга одатлантирайлик. Шу маънода, бугунги кунда, бозорда савдо билан шуғулланувчи ёшларимизга савдогарлик сири ва касбини улуғлаб, халққа маданий хизмат қилиш ҳалоллик ва поклик бу касб-ҳунарнинг негизи эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Албатта бундай қонун, қоида ва талабларга амал қилган савдогар, тижоратчи ва тадбиркор эл назарига тушади, ўз меҳнатидан ўзи, жамият ва давлат манфаат кўради. Бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларни шакллантириб ва ўргатиб бориш, уларни келажакда умид билан бу касбларни эгаллаш имконини беради.

Маълумки, тарбия, жумладан, иқтисодий тарбия энг аввало оиладан бошланади. Ҳар қандай жамиятнинг ҳужайраси бу оила ёки уй, хонадон хўжалиги бўлиб, у айнан хонадоннинг аҳволи, турмуш даражаси ва охир-
оқибат унинг ҳолати бутун бир мамлакатнинг ҳолатини, тараққиёт даражасини ифодалаб беради. Оиланинг вужудга келиши меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ. Жамият тараққиётининг маълум бир даврида инсонлар меҳнат унумдорлиги ўсиши туфайли жамоадан ажралиб чиқиб, алоҳида яшаш имкониятига эга бўлганлар. Аёл ва эркак биргаликда яшаб, фарзанд кўриб, уларни вояга етказиш, биргаликда меҳнат қилиш, яшашучун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан уйхўжалиги вужудга келган. Оила тушунчаси кўп асрлар давомида тубдан ўзгарди. Лекин унинг энг асосий вазифаларидан бири, бу зурриёт қолдириб, уни вояга етказиш, парваришлаш, тарбиялаш, турли хавф-хатарлардан химоя қилиш кабилар ҳанузгача ўзгаргани йўқ. Ота-оналар фарзандлари учун хамма нарсага тайёр, хатто ўзларини қурбон қилишдан ҳам қайтмаганлар. Бу хақда ҳаётдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «... ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир»[14], деган фикрлари фикримиз исботидир. Оила – қариндошчилик алоқалари, қондошчилик хис-туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, руҳий, иқтисодий эхтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳдир. Оила ўз эхтиёжларини иложи борича максимал даражада қондиришга ҳаракат қилади ва уни амалга оширади. У ишлаб чиқариш омиллари, ҳеч

[14] Туркистон газетаси 1993 йил, 2 февраль.

бўлмаганда меҳнат омили эгаси ҳисобланиб, «инсон капитали» ни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Аниқ ҳаётда оила мустақил хўжалик юритувчи бир кишидан ҳам иборатбўлиши мумкин. Анъанавий равишда оила никоҳдан бошланади. Никоҳ жараёни мамлакатнинг тараққиёти, қабул қилинган конституция ва қонунлар,асрлар давомида шаклланган анъана, удумлар асосида амалга оширилган. Бу борада миллий қадриятларимиз асосида бериладиган билимлар бошланғич синф ўқувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси учун асосий манба ҳисобланади.

Деярли барча мамлакатларда оила қуриш учун бир-бирини танлаш жараёни ўхшаш бўлиб, мавқеи, билими, дини, ирқи ва бошқа қатор жиҳатларибилан бир-бирига мос келишига эътибор берилади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қозонига яраша қопқоғи», «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан» деган нақл айнан ана шу муносабатларни ифодалайди. Оила доирасида ҳар биртомон маълум бир юмушларни бажаришни ўз зиммасига олади. Деярли барча халқларда анъанавий равишда уй юмушларини бажаришни аёллар, оилани моддий жиҳатдан таъминлашни эркаклар ўз зиммаларига олишган. Ҳозирги тараққиёт бу анъанавий меҳнат тақсимотига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, уни ҳар бир оила эр-хотинининг хислатларидан келиб чиққан ҳолда ечишга ҳаракат қилади. Оилада ҳар икки томон оила фаолларини вужудга келтириш ва мустаҳкам моддий асосини яратишдан манфаатдордир. Оила ўзига хос инвестицион лойиҳа бўлиб, бир неча йилдан сўнг маълум натижага эришишга қаратилган. Бу жиҳатдан уни ўзига хос бизнесга, инвестицияга ўхшатиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, инсонларни оила бўлиб яшашлари, улар учун рационал бўлиб, унда ҳар икки томон ўз нафлилигини максималлаштиради. Бунинг учун инсон якка яшаганга қараганда никоҳда яшашнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжудлигини ҳисобга олиб, қарор қабул қилади. Уларнинг энг асосийларига эътибор қаратишга тўғри келади. Оилавий ҳаётнинг муҳим афзалликларидан бири моддий жиҳатдангина эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватловчи, қариганда таянч бўладиган фарзандлардир. Жуда кўпчиликни ўйлантирадиган иккинчи томони эса эркинлик, мустақилликнинг чекланиши бўлиши мумкин. Умуман олганда, одамлар ҳеч қачон эркин эмас, чунки унинг фаолияти, ҳаёти бошқаларнинг ҳаракати, фаолияти билан боғлиқ, доимо уни ҳисобга олиш зарур, оилада эса ана шу ҳолат нисбатан тўғридантўғри ва кўпроқ бўлса, биргаликда



яшагандан сўнг, албатта бир-бирига мослашишни талаб этади. Оилавий масалаларга оид қарор қабул қилинганда одатда оила аъзоларининг фикри ҳам ҳисобга олинади. Одатда, оила аъзолари кўпчилик бўлса қарор қабул қилиш қийинроқ бўлади, узоқроқ муддат талаб этилади, сабаби кўпчилик ўртасида бир фикрга келиб, қарор қабул қилиш қийин. Масалан, оддийгина оилали одам машина олиши учун умр йўлдошининг ҳам розилигини олиши керак. Якка киши эса маблағи бўлса, ўзи истаган нарсасини сотиб олаверади. Ҳаёт кўрсатадики, намунали (идеал) оила аъзолари бир- бирларини ҳурмат қилади, севади. Дунёқараши, қадр-қиммати ўлчови бир- бирига яқин кишилар қурган оила энг идеал оила ҳисобланади. Бундай оилаларда келажакда эл ҳурмат қиладиган комил инсонлар тарбияланади. Аниқ ҳаётда кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш, лекин бир-бирини севмаган ёки аксинча қаттиқ севадиган, дунёқараши, маънавий қадр-қиммати ўлчови жиҳатидан катта фарқ қиладиганлар ҳам оила қуриши мумкин. Кўпинча, маънавий жиҳатдан катта фарқ қилувчилар ўртасидаги никоҳ узоққа чўзилмайди, оила бузилиб кетади. Демак, ёшлар оила қуришда бир-бирларини ана шу фазилатларига диққат қаратишлари лозимлигини уқтириш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг жамиятдаги ўрни янада ортади. Оила, яъни уй хўжалиги ниҳоятда мураккаб иқтисодий вазифаларни бажаради. У оилавий бизнес юритувчи, иш кучи-меҳнат омилини такрор яратувчи, яъни инсон капиталига инвестиция қилувчи, зарур даражада истеъмол талабини ҳосил қилувчи ва бошқаларни амалга оширувчи субъект ҳисобланади ва ана шу жараёнда оила жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилади. Бозор иқтисодиётида ҳар бир оиланинг ўз манфаатларини кўзлаши юқори даражада бўлса-да, оилада қариндошчилик мажбуриятлари, қариндошчилик алоқаларида беғаразлик, холис ёрдам бериш кучлидир. Фирмалар, корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги алоқалар эса ички ва ташқи муносабатлар орқали амалга оширилади. Оила – уй хўжалиги фирмалар, корхоналарга ресурслар, яъни ишчи кучини етказиб беради. Фирмалар оилани товар ва хизматлар билан таъминлайди. Оиланинг ресурслари эвазига даромадлари истеъмол харажатларига тенг бўлиши керак. Даромад билан харажат тенглиги бутун иқтисодиётга хосдир. Бизга маълумки, бозор иқтисодиёти доиравий айланишида оила ёки уй хўжалиги турлитуман вазифаларни бажаради. Ужамият фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади ва жамиятда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг йўналишини белгилаб беради. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, у

бажариладиган вазифаларда намоён бўлади. Оиланинг бош вазифаси фарзанд тарбияси, уни комил инсон қилиб вояга етказишдир. Авлод давомчиси, иқтисодиёт учун иш кучи ва меҳнат омили такрор яратилади. Бошқача иқтисодий термин билан айтганда, инсон капиталига инвестиция қилиш жараёни нуқтаи назаридан, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш жараёнини қуйидаги уч жиҳатларга ажратиш мумкин:




**(2-расм): Фарзанд тарбияси билан шуғулланиш.**

Оилада моддий базанинг яратилиши шундан иборатки, унда янги қурилган оиланинг моддий базаси яратилади. Яъни уй хўжалиги юритилиб, оиланинг даромади шакллантирилади. Ўзбекистонда бу жараён кўпинча мустақил эмас, балки ота-онанинг кўмагида амалга оширилади. Ота-она ўз фарзандини уйлайди, беминнат ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди. Янги қурилган оиланинг кўпинча ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ота-онанинг кўмагига таяниши бир томондан янги оиланинг тажрибасизлигидан келиб чиқадиган муаммоларини ечишга ёрдам берса, иккинчи томондан бу жараённинг чўзилиб кетиши, уларнинг мустақил равишда муҳим қарорлар қабул қилиши, масъулиятни зиммасига олиши ва уни натижаси учун жавоб беришини чеклайди. Ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандай туюлиб, ёш оила учун ҳаёт кечиришнинг осон йўлига ўтиб, кейин келажакда қаттиқ қийналиши мумкин. Оилада фарзанднинг дунёга келиши ва унинг тарбиясида ёш оилада фарзанд
кўриш, уларни тарбиялаш ва вояга етказиш амалга оширилади. Инсон капиталининг табиий асоси яратилади. Фарзанд инсонга чексиз бахт, қувонч, ҳис-туйғу, шодлик олиб келади ва уни бошқа ҳеч қандай неъмат билан таққослаб бўлмайди. Туғилган фарзанднинг келажакда қандай инсон бўлиши фақат ирсиятнинг натижаси эмас, балки унинг соғлиги,



таълим-тарбияси,иродаси, феъл-атвори, шароитга мослашиши, муҳими ижтимоий таълим- тарбиянинг мураккаб натижаси бўлиб юзага чиқади. Ҳар бир ота-она ўз оиласи учун жамият олдида жавобгардир. У қонун йўли билан эътироф этилган. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига нисбатан маълум даражада ҳокимият ушлаб туриши ҳамда ўз оиласи олдида обрўга эга бўлиши керак. Оила аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган жамиятнинг аъзоси бўлсалар-да, ота-оналар ва фарзандларининг оилада тутган ўрни тубдан фарқланади: энг аввало, биринчилари оила бошқарувчилари, иккинчилари эса оиладаги тарбияланувчилар ҳисобланади. Ҳар бир ота-она билиши, аниқ кўз олдига келтириши кераки, у оилада хоҳлаганини қила олмайди. Улар айнан фарзандларини тарбиялаши, вояга етказиши учун масъулдир. Билим олиш ва касб-ҳунар ўрганишда оилада тарбияланаётган фарзанд билимли, касб- ҳунарли бўлиб вояга етиб, оилада шу ўрганган билими, қобилияти, эгаллаган касб-ҳунарини ҳаётга татбиқ этишни ўрганади. Фарзанд кўриш ва уни тарбиялашда йўл қўйилган ёки қўйиладиган хато ва камчиликларнинг оқибати аянчли бўлади. Айниқса, фарзандни туғилишидан вояга етказиш даврида ота-онанинг ҳаёт тажрибасининг камлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунда, одатда, фарзандга тарбия беришда бобо, бувиларининг ёрдами ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Чунки бобо-бувилар катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ўзлари йўл қўйган хато-камчиликларини фарзандлари такрорламасликлари учун ҳаракат қилишади. Фарзандлар ўз ота-оналарини қариганларида ёлғизлатиб қўймасликлари, уларни парваришлашлари лозим. Бу жиҳатдан қараганда, фарзанд ота-она учун ўзига хос «суғурта» вазифасини ўтайди. Ҳозирги пайтда пенсия, ижтимоий суғурта кабилар мавжудки, айниқса Ғарбда кўп ота-оналар фарзандларидан кўра ҳам ана шуларга таянишади. Умуман олганда, ота-оналар бу муаммога рационал нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилишади. Бунда фарзанд тарбиялашга сарфланган ва сарфланадиган харажатлар ҳамда ота-оналарнинг маълумотлари муҳим ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Ота-она учун фарзанд тарбиясига қарагандан ҳам юқорироқ баҳоланадиган нарса борми-йўқми, шунга аҳамият қаратиши.

2. Маълумоти юқори бўлган сари аёлнинг фарзанд кўриш эҳтимоли йилдан-йилга пасайиб бориши.

3. Маълумоти юқори бўлган ота-оналар ўз фарзандларини талаб даражасида яхши тарбиялаши, фарзанд билиши зарур бўлган назарий ва амалий маълумотларни осонлик билан тушунтириб бериши, уларнинг

билим олиши, дунё сирларини ўрганиши, касб-хунарлар эгаллашига қизиктириш имкониятларининг катта бўлиши.

Оиладаги фарзандлар сони, уларнинг соғлом, билимли, одобли бўлиб етишишлари учун сарфланиши зарур бўлган харажатларни ўз даромадларидан келиб чиққан холда белгилашлари. Одатда, бу харажатларнинг бир қисмини давлат кўтаради. Булар тиббиёт, маориф, спорт, таълим кабилар ҳисобланади. Қолган харажатларни ота-оналарнинг ўзлари амалга оширадилар. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан бирга ана шу харажатларда оиланинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Оиланинг муҳим вазифаларини уй хўжалигини юритиш, товар ва хизматлар яратиш, оилавий бизнес, яъни мулк эгаси сифатида индивидуал ишлаб чиқариш ташкил этади. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий бизнес, фермер ва деҳқон хўжалигини ташкил этиб, фаолият юритади. Оиланинг яна бир муҳим вазифаси оиладаги иқтисодиётни капитал билан таъминлашдир. Бунда айниқса оиланинг жамғармаси (даромад)нинг инвестицияга айланиши муҳим аҳамиятга эга. Одатда, мамлакат миқёсида иқтисодиётда резерв (захира) фонди, барқарорлаштириш фонди ташкил этилади. Даромад (жамғарма) ҳам оила учун ана шундай фонд бўлиб ҳисобланади1. Одамлар нима сабабдан маблағларини сарфлашлари тушунарли, лекин нима сабабдан жамғарадилар? Бунинг сабаблари жуда кўп.

Улардан энг асосий 3 тасини кўрсатишимиз мумкин (3-расм): 1. Келажакда кўп маблағ талаб қиладиган нарсани сотиб олиш учун. Одамлар жорий харажатларни деярли ҳар куни амалга оширадилар. Олинган даромад ҳаммасибир кунда сарфланмайди. Унинг маълум бир қисми ой давомида сақланади (нақд пул ёки кредит карточкасида), қатор нарсаларни бир ойлик топилган даромадга сотиб олиш қийин, шунинг учун пул тўплаш керак. 2. Ҳар эҳтимолга қарши (суғурта). Инсонлар доимо келажак ҳақида ўйлашади. Келажакда камроқ даромад олишлари ёки қўшимча харажатлар қилишларига тўғри келиши мумкин. 3. Даромад олиш учун. Жамғарма, инвестиция манбаи ёки капитал ўзи нима?






**3-расм:Даромаднинг инвестицияга айланиши:**

. Даромаднинг инвестицияга айланиши, келтирадиган фоиз, қўшимча даромад топишга интилиш жамғариш учун муҳим стимул бўлиб ҳисобланади.

Жамғарма қандай шаклларда бўлиши мумкин? Агар мамлакатда молиявий институтлар ривожланмаган бўлса, одамлар жамғармаларини қандай шаклда сақлашади? Биринчи навбатда, нақд пул шаклида. Сабаби, унинг ликвидлиги энг юқори, лекин энг катта камчилиги – инфляция туфайли қадрсизланади. Шунинг учун кўпинча одамлар пулини ишончли чет эл валюталарида сақлашга ҳаракат қиладилар. Агар инфляция унча кучли бўлмаса ва пул яқин орада сотиб олиниши лозим бўлган нарсага йиғилаётган бўлса, миллий валютада сақланади. Иккинчидан, қимматбаҳо кўчмас мулк, антиквариатлар (уй-жой ва ҳоказо), қимматбаҳо зеб-зийнатлар шаклида сақлаш мумкин. Улар ҳеч бўлмаса номинал қийматини сақлайди ёки нархи кўтарилади. Уларни сақлаш керак, сақлаш эса қўшимча харажатларни талаб қилади. Ликвидлиги паст, тезда нақд пулга айлантириш қийин. Учинчидан, капиталга айлантиришга ҳаракат қилиш, ўз бизнесини очиш. Бу ерда молия бозори ёки банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг вужудга келиши

шахсий жамғармани кўпайтириш, даромад топишнинг янгиянги имкониятларини вужудга келтиради. Лекин юқори даромад орқасида риск (таваккалчилик) ҳам юқори даражада бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамғармани сақлашнинг турли-туман йўллари мавжуд. Агар қарилик пайтига пул йиғиш керак бўлса, пенсия фонди, ҳаётни турли ҳодисалардан суғурта қилдириш, исталган турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш мумкин. Молия, банк муассасалари аҳоли пулини жамғариш учун кўрсатилаётган хизматлари қулай ва фойдалидир. Молия институтлари бу пулларни бизнесга йўналтиради, эгасига ҳам даромад келтиради. Уйда пулни сақлаш, қўриқлаш ташвишларидан холи қилади. Ота-она ўз фарзандларининг биринчи тарбиячиси ҳисобланади. Фарзанд хулқининг шаклланиши ва унинг умумий камол топишида уларнинг таъсири ғоят катта. Фарзанд ўз ота-онасини ҳаммадан яхши, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқадиган деб ҳис этади. Фарзанд қанчалик ёш бўлса, катталар хулқатворига шунчалик эргашувчан бўлади. Шунинг учун ўз фарзандига ота-она тарбия берар экан, уларга қуйидаги тарбия методлари орқали таъсир кўрсатади: – сўз орқали тарбиялаш
(тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, савол-жавоб, намуна, ўрнак кабилар); – амалий, яъни таълим-тарбия олувчиларнинг бандлигини таъминлаш, бунда бирор бир машғулот, интеллектуал салоҳиятларини оширишга қаратилган ҳунар, спорт, мусиқа тўгаракларига йўналтириш орқали таъсир этиш кабиларга жалб қилиш; – рағбатлантириш ва жазолаш. Ушбу усуллар орқали тарбияланувчининг онги, иродаси, ҳис-туйғулари ва муносабатлар тизимига таъсир этилади. Айниқса, болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратлеккучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроғи йўқ. Шунинг учун доно халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтилмаган. Иқтисодий тарбия билан эса асосан оилада ота-оналар шуғулланишади. Тарбия натижасида фарзанд оилада қуйидаги юмушларни ўзлаштиради:

- ота-онасининг уй-рўзғор ишлари, бозор-ўчарларида ёрдам бериш;
- пулга бўлган муносабатларда, яъни ота-онанинг топган маошлари, олиббергган кийим-кечакларининг қадрига етиш;
- озиқ-овқатни исроф қилмаслик, тежамкорлик;
- меҳнат қилиш, меҳнатдан завқланиш. Мана шу даврда уларда дастлабки иқтисодий тасаввурлар пайдо бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш болалар оилада содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга табиатан тез мослашувчан бўладилар. Демак, ёшликдан тўғри йўналтирилган тарбия, келажакда ўсиб келаётган ёш боланинг



ҳар томонлама камол топишига катта таъсир кўрсатади. Унда табиат берган фазилатлар асосида тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб каби хислатларга тамал тоши оилада қўйилади. Кейинчалик у умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, қолаверса, олий таълимда ҳам ривожлантирилади. Бола тарбияси ва унинг натижаси ҳам шахсий, ҳам ижтимоий манфаат, аҳамият касб этади. Яхши тарбия оила учун қувонч, бахтсаодат, руҳий баркамоллик, иқтисодий бойлик келтирибгина қолмай, жамият учун ҳам фойда келтиради ва шу туфайли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга ҳисобланади. Оила иқтисодиёти, унинг фаровонлиги оилада меҳнатга лаёқатли аъзолар мавжудлиги, уларнинг тадбиркорлиги, билими, иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган моддий неъматлардан иборат бўлганлиги сабабли, ана шу неъматларни яратишда иқтисодий билим муҳим ўрин тутади. Иқтисодий билим шахснинг нафақат ўзи ва оиласига, айни пайтда халқнинг фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бола тарбияси ота-онанинг суҳбати, болалари билан мулоқотида, ўйин ўйнашида, унга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга ошади, деган фикр мавжуд. Лекин хўжалик юритишдақатнашиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки нафақат ҳалол, яхши одам, балки келажакда яхши хўжалик юритувчи инсон тарбиялашимиз зарур. Бола ота- онасини қаерда ишлаши, бу ишнинг қандай машаққатли экани, қандай қилиб муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ҳис қилиши, билиши керак. Умуман олганда, бола ота-onaси ишлаб топаётган пул ҳамма нарсани олиш учун зарур нарса эканлиги билан бирга уни топиш учун кўп меҳнат қилиш кераклигини ҳам билиши керак. Энг аввало, болаларни уй юмушлари, уй хўжалигидаги турли ишларни бажаришга жалб этиш керак-ки, бу уларнинг ота-оналари меҳнатларининг қадрига етишларида ёрдам беради. Меҳнатни қадрлашнинг муҳим кўриниши тежамкорликдир. Тежамкорлик жонкуярликнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, агар жонкуярлик кўпроқ инсоннинг ўй-хаёлида бўлса, тежамкорлик айнан унинг одатида намоён бўлади. Жонкуяр инсон бўлиш, лекин шу билан бирга тежамкор бўлмаслик мумкин. Шунинг учун ёшликдан бошлаб оилада ана шу фазилатни тарбиялаш керак. Бу фазилат, энг аввало, овқатланишдан бошланади. Овқатни тўкмай, исроф қилмасдан ейиш, ўйинчоқларини бузмай ўйнаш, кийимларни

ифлос қилмасликка одатлантириш лозим. Болани тежамкорлик қилгани учун рағбатлантириш лозим. Уларни нафақат ўзини, балки бошқаларнинг нарсаларини, айниқса, атроф-муҳитни асраб-авайлашга ўргатиш зарур. Инсон меҳнати билан улуғ, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошланган. Билимларни эгаллаш ва ҳунар ўрганиш учун ҳам меҳнат қилиш зарур. Меҳнатга тайёрлаш, инсонда меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш нафақат инсоннинг келажаги, қолаверса мамлакат келажагини ҳам белгилайди. Меҳнат қилиш фақат заруриятдан, муҳтожликда қолмаслик учун ҳаракатдангина иборат бўлмай, у ижодий бўлиши, қувонч, қониқиш, ғурурланишга олиб келишини ҳис этиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатга ўргатиш туфайли нафақат касб-ҳунар эгаси тарбияланади, балки атрофдаги инсонлар, нарсаларга муносабат ҳам тарбияланади. Меҳнат инсоннинг нафақат жисмонан, балки руҳий, маънавий жиҳатдан ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Болани меҳнатга ёшлигидан оилада ўргатиш керак. Иқтисодий фаолиятнинг асосини меҳнат ташкил этар экан, демак, меҳнат иқтисодий тарбиянинг ҳам асосидир. Болага дастлаб оилада ўйинлар орқали ўйинчоқларини бузмаслик, озода сақлаш, тартибга солиш кабилар ўргатилса, кейинчалик у уй хўжалигидаги машғул ишларни бажаришда ёрдамлашиш, ҳовли супуриш, сув келтириш, чангларни артиш, пол ювиш, идиш-товоқлар ювиш, уй ҳайвонларига қараш ва ҳоказолар орқали меҳнатга жалб қилинади. Шаҳарга қараганда қишлоқ жойларда болаларни меҳнат билан банд қилиш йўллари кўп бўлса-да, ҳар бир оила қаерда яшашидан қатъий назар, болаларни меҳнат билан банд қилиш учун улар бажарадиган ишларни етарли даражада топиш мумкин. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, оила – қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис-туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, руҳий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳи. Оиланинг жамиятда тутган ўрни у бажарадиган вазифаларда намоён бўлади. Оила даромади – оиланинг даромадлари ва харажатларининг (сметаси) баланси оиланинг ўз вазифаларини бажаришни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг мувозанатидир. Ота-оналар фарзандларига буни тушунтиришлари, уларга оила даромадлари ва харажатлари ҳақида тушунча бериб боришлари тақозо этилади.



## 7. ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУЛКДОРЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-мафкуравий тараққиётининг ҳозирги босқичида Иқтисодий тафаккур ва тарбиялашда оила билан ҳамкорлик технологиясини йўлга қўйишда бозор қонунларига мос ҳолда кишиларда мулкдорлик маданиятини шакллантириш, ресурслардан тежамли ва унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини том маънода юксалтириш, аҳолида иқтисодий билимлар ва онгнинг қанчалик ривожланганлиги билан кўзга ташланади. Тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини – инсоннинг иқтисодий жиҳатдан воқеа- ҳодисаларни таҳлил қилиши, унга баҳо бериш ва қарор қабул қилиш; кишидаги иқтисодий онг, иқтисодий қарашлар, иқтисодий фаолият, иқтисодий билим ва тушунчалар, иқтисодий хатти-ҳаракат мажмуидан иборат бўлиб, унинг асосида иқтисодий маданият пайдо бўлади. Иқтисодий таълим иқтисодий тарбиянинг аҳамиятини янада ошириб, унинг самараси тадбиркорлик, ресурслардан тежамли фойдаланиш, банк кредити билан ишлаш, пинҳоний иқтисодиётдан сақланиш ва солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, уй хўжалигини юритишда ҳисоб-китоб, янгиликларга интилиш ва жамият иқтисодий фаолиятидаги иштирокида намоён бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотларининг жамиятга жадал татбиқ этилиши, унинг асл моҳиятини англаш ва рўёбга чиқариш ҳам аҳолида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлиги ва иқтисодий билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигига боғлиқ. Иқтисодиётни ривожлантирувчи куч инсон омили экан, инсоннинг иқтисодий билимларни эгаллаши ва иқтисодий тарбияга эга бўлиши, иқтисодий маданиятлилигини таъминлайди. Иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни шакллантиришдан иборат. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти томон йўл тутиши аҳолида бозор муносабатларига хос фикрлаш тарзи шаклланишини талаб қилади. Бу тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тушунчаларини ўз шароитига мос

ҳолда ислоҳ қилишни талаб қилади, негаки барча демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш ўз-ўзидан ҳаракатга келаётган жараён эмас, балки уларни ривожлантириш кўпгина ҳолларда ёшларимизнинг иқтисодий билим савиясининг юксалиш даражасига ҳам боғлиқдир. Айни пайтда, бозор муносабатлари халқимиз ва ватанимиз учун бутунлай янги тушунчалар эмасди. Осиё ва Европанинг савдо йўли – Буюк ипак

йўли чорраҳасида жойлашган ўзбек замини асрлар оша Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келди. Ўзбекистон ўзининг ана шу тарихий ва анъанавий ўрнини эгаллаши учун юртимизда замонавий бозор муносабатлари ва аҳоли ўртасида бозор маданиятини шакллантириш лозим эди. Бу эса осон иш эмасди. Зеро, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган совет даврида – 70 йил мобайнида халқимиз ҳақиқий бозор қадриятларидан бутунлай узоклаштирилган, одамлардаги бозор муносабатларига хос ташаббускорлик, тежамкорлик, изланувчанлик ва тадбиркорлик сўндирилган, боқимандалик кайфияти чуқурлашиб кетган эди ва иқтисодий тарбияга етарлича эътибор берилмас, иқтисод фанининг асослари мактабларда етарлича ўрганилмасди.

Аммо, ҳозирликда Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлаб олгач, иқтисодий тарбия масаласи энг муҳим, долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига етиш учун биз иқтисодиётнинг ривожланишини таъминловчи шахслар, кадрларга эга бўлишимиз зарур. Иқтисод илмидан бохабар бўлган кишиларгина ҳар доим қиладиган сарф- харажатларининг самарасини олдиндан ҳисоб-китоб қиладилар, тадбиркорлик асосида иш юритадилар, бизнесни тўғри танлайдилар, қачон, қаерда, нима ва қанча ишлаб чиқаришни яхши биладилар. Пировард натижада келажак тараққиёти, жамият барқарорлиги ва оила фаровонлиги таъминланади. Бироқ ҳар қандай инсон ҳам бирданига иқтисодий фикрловчи, ишбилармон ёки тадбиркор бўлиб қолмайди. Инсон фаровон ҳаёт кечириши учун жамият томонидан тан олинган меҳнатни бажариши, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш, топган даромадини оқилона тақсимлашни билиши керак. Ёшларда бозор иқтисодиётига хос билим кўникмаларни шакллантириш сўзсиз иқтисодий таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Бу фаолият бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида ўз тасдиғини топган. Мисол учун, Америкада бўлажак бизнесменлар учун турли махсус машғулотлар мавжуд. Мактаб ёшидаги болалар учун амалий иқтисод ва бизнес бўйича энг донғи кетган дастурларнинг машҳурларини «Жунйор Ачивмент» корпорацияси тузган. Бу дастурлар ўз ичига компьютер ўйинлари, дарсликлар, амалий машғулотларни қамраб олган. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг ўзлари ҳақиқий компанияларни тузиб, реал бизнес билан шуғулланишларини кўриш жуда қизиқ. Дастурнинг асосий мақсади ёшларда тадбиркорликка қизиқишни уйғотиш, иқтисодий билимларни ривожлантириш эмас, балки



бизнесга алоҳида муносабат пайдо қилишдир. Бу муносабатнинг ўзаги – ҳалоллик ва софдиллик, фақат ўз эҳтиёжини ўйлабгина қолмай, балки ўзгаларнинг манфаатларини ҳам ўйлашдир. Иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия узлуксиз жараён ҳисобланади. Қадимдан «Бешикдан қабргача илм изла», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шу сабабли иқтисодий ривожланишлар сари одимлаётган илғор мамлакатимизда ҳам ёш авлодга иқтисодий таълим-тарбия бериш масаласини тизимли ташкил қилиш ва ушбу вазифаларни амалга оширишда қатор тадбирларни амалга ошириш зарур. Бизнингча, уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий тарбияни шакллантиришнинг узлуксизлигини таъминлаш зарур, биринчи навбатда иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий ҳис-туйғуларни шакллантиришни аввал оиладан, энг содда малакалар ҳосил қилишдан бошлаш, сўнгра боғча-мактаб, кейинчалик олий таълим муассасаларида давом эттириш;
- маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари ёрдамида иқтисодий тафаккур шаклланишига хизмат қилувчи амалий тадбирларни ташкил қилиш, улар ёрдамида ҳар бир оилага кириб бориш, суҳбатлар ташкил қилиш, иқтисодий маданиятни тарғиб қилувчи шиор ва ташаббуслар билан чиқиш, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- мактаб, ўрта-махсус билим юртларида иқтисодий ва ҳуқуқий таълим беришни янада кучайтириш, ёшларни иқтисодий маданиятни мустаҳкамловчи турли тўгаракларга жалб этиш, улар ўртасида иқтисодий билимларни мустаҳкамловчи тадбирлар, мусобақа ва танловларни кўпайтириш;
- мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилаётган «Иқтисодий билим асослари» фанига хонадон молиясини ўргатувчи мавзуни киритиш;
- даврий нашрларда иқтисодий маданиятни тарғиб этувчи махсус рукн ташкил этиш, энг яхши мақола ва асарлар муаллифлари учун танлов ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида махсус дастурлар яратиш ва уларни кенг оммага етказиш;
- иқтисодий саводхонликка хизмат қилувчи дарслик, ўқув қўлланма, рисолалар, турли адабиётларни яратишни рағбатлантириш ва таъсирчанлигини ошириб бориш;
- таълимда иқтисодий саводхонликни таъминловчи мотивацион, ақлий, иродавий, ҳиссий ва амалий омилларни қўллашни йўлга қўйиш керак. XXI аср интеллектуал аср, деб эътироф этилиши таълимда

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини туғдирмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодий соҳадаги билимларни беришда ҳар томонлама чукур мушохада қилиш ва такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Бозор муносабатлари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига хос турмуш тарзини яратишимиз, чекланган ресурслардан тежамли ва унумли фойдаланишимизда янгича замонавий иқтисодий фикрлашга ўрганишимиз фойдадан холи эмас. Бугунги кунда иқтисодий қонунлар ўзининг янги талабларини шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсон олдига қўймоқда. Шунингучун ҳам иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш, уларни уйғунлаштирилган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият ва анъаналаримиз билан бойитиш билан бирга, замонавий чўққиларини ҳам забт этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қуйидагини таъкидлаганди: "Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди "[15]

Мамлакатимиз ёшларининг юқори савияда комил инсон бўлиб етишишларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларни эгаллашлари жуда муҳимдир ва бу ҳолат шак-шубҳасиз буюк келажагимиз равнақига хизмат қилади.

**Тежамкорлик** ғоялари илгари сурилган халқ тарихий ва миллий мерос билан танишиб чиқамиз. Халқнинг орзу-интилишлари, урф-одатлари, анъаналари. Тарбия хусусиятлари шакилланган оғзаки ижоди намуналарида тежамкорликка чорловчи фикрлари, қарашларини кўришимиз мумкин. Мисол қилиб халқ оғзаки ижодининг ихчам ва мазмундор, таъсирчан тури мақолларни келтиришимиз мумкин.

Масалан: "Тежамли иш бежоглик", "Ошни тежасанг ошга, Нонни тежасанг нонга" "Озни бежа, кўпни тежа", "Кам-кам есанг доим ерсан, Кўп- кўп есанг нени ерсан", Йиғсанг кўп, сочсанг оз", "Ота мулки бўлса ҳам аяб е","Нимани хор қилсанг-Ўшанга хор бўласан" каби мақоллардан

[15] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегияси" -Т.: Ўзбекистон, 2017 й.



тежамкорлик ғоялари мужассамлашган. Бу мақолларни ўқиб ўрганиш давомида ўқувчилар тежамкорлик сирлари, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳар бир нарсанинг қадрига етиш, асраб авайлаш лозимлиги ҳақида билим ва тушунчага эга бўлади.Ривоятлар ҳам халқ оғзаки ижодининг тарбия берувчи ноёб турларидан биридир. Ривоятлардан бола халқнинг турмуш тарзи, миллийм удумлар, таълимтарбия анъаналари ҳақида маълумотларга эга бўлади. Ривоятларда ҳам фарзандга тежамкорлик тарбиясини сингдирувчи ғоялар мавжуд.

Мисол қилиб: "Ноннинг ушоғи ҳам нон", Бир шамни ўчириб, бошқасини ёқди", ривоятларини келтиришимиз мумкин. Бу ривоятлар орқали ҳам бола тежамкорлик қирраларини ўрганиб олади. Ривоятлардаги воқеа-ходисани бола ўқиб, ўша ходисани тасаввур қилади. Айтайлик "Ноннинг ушоғи ҳам нон" ривоятида бой-бадавлат шоҳ ўз молдунё, бойлигини тежамкорликка риоя қилганлиги, исрофгарчиликка йўл қуймаганлиги туфайли болада катта таъсурот қолдиради."Бир шамни ўчириб бошқасини ёқди" ривоятида эса болага нафақат ўз шахсий нарсаларини, балки жамоа, давлат мулкини тежаб, асраш ҳақида маълумот берилади. Бизга маълумки, иқтисодга оид эҳтиёжлар ва уларга мос товарлар доимо инсон учун қизиқарли манба бўлган ва уни эришиш йўллари доимо инсон тафаккурининг биринчи босқичларидан ўрин олган.

**Иқтисод** илк боболар ҳаётидан бошлаб, антик адабиётлар Платон, Аристотел қадимги Миср, Хитой, Ҳинд ва Марказий Осиё олимларининг асарларидан ҳам ўрин олган. Бундай буюк инсонлар ўз асарларида инсон ҳаёти учун зарур бўлган хом ашё буюмлари ишлаб чиқарилган товарлар нақадар зарур эканлигини кўрсатибгина қолмасдан уни қўлга киритиш, ундан фойдаланиш, уларга сайқал бериб ва келгуси авлодга етказиш технологияларини ишлаб чиққанлар.

Шу сабабли, аввало, инсоннинг ўзини унинг умри, кучи, ақл-заковати, истеъдоди, қобилиятини, меҳнатга қобилиятини асраш умрининг узайтириш тежамкорликнинг энг хусусиятли томони ҳисобланади. Вақт- инсон ихтиёридаги бебаҳо хазина. Уни фақат дунёни ўрганиш ва ўзгартиришга, шахсий манфаати ва эл-юрт хизматига, меҳнат самарадорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга сарф этиш хусусияти ҳар бир кишида шаклланиши зарур бўлган улуғвор фазилатдир.

Ёшларга даромад ҳажмини белгилаш ва харажатнинг меъёрини барқарорлаштириш, бошқача айтганда, неъмат яратиш ва уни тасарруф

этиш режасини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш кўникмаси сингдирилишидаркор.

Ишни топшириш билан чекланмай, бола уни қандай бажараётганини назорат қилиб туриш, лозим бўлса, маслахат, кўмак бериш, ғайратбахш сўзлар айтиб руҳлантириб туриши мақсадга мувофиқдир. Бола мустақил топшириқни бажариш жараёнида режадаги ишни уддалаш учун сарф этиладиган хом ашё, маблағ, вақт, куч, кайфият, ҳажмини аниқлаш, керакли ускуналарни тайёрлаш, созлаш малакалари такомиллашади. Матбуот, радио, телевидения хабарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар томонидан берилгантежамкорликка оид маълумотлар, ота-оналар ҳамда кексаларнинг бу тўғридаги маслаҳатлари, танбеҳлари ҳам болада мазкур тушунчанинг кенгайишига ижобий таъсир этади.

Дарҳақиқат, тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфларига ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ. Мактаб шароитида иқтисодий тарбиянинг хилма-хил вазифалари бир неча фан бўйича дарсларда амалга оширилади. Масалан, табиий фанлар, математика, физика, кимё, биология ўқувчиларга иқтисодий ривожланиш ички кучларга эътибор беришни ўргатадилар.

Бугунги кунда умумий таълиммактабларининг бошланғич синфларида ўтиладиган барча фанлар замирида иқтисодий тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш орқали уларни ҳаётга тарбиялаб бориш йўлга қўйилмоқда. Бошланғич таълимда ўқувчиларга сингдирилиши лозим бўлган тушунчалар нафақат дарс жараёнида балки дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларда ҳам ҳар хил ўйинларни ўтказиш жараёнида ўқувчилар онгига сингдириб борилади. Шуни алоҳида таъ кидлаб ўтиш лозимки ўқувчиларда иқтисодий тарбияни юксалтиришда меҳнатнинг ўзига хос таъсир этиш кучи бор. Шунинг учун ҳам ўқувчида иқтисодий тарбияни шакллантиришда меҳнат тарбияси билан интеграциялаш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат тарбияси болаларда меҳнат қилиш истаги ва иштиёқини таркиб топтириши, уларни жамиятимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилишга амалий тайёрлаш лозим. Бунинг учун болаларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига

чуқур ҳурмат ҳисларини тарбиялаш керак. Ўқувчиларга турли дарслар жараёнида ва дарсдан ташқари тадбирларда меҳнат тарбияси бериш мумкин. Бизга маълумки, қадимдан ота – боболаримизнинг кундалик ҳаётига бўлган эхтиёж кун сайин ошиб борган. Шу сабабли ҳам улар яшаш учун курашганлар.



Бошланғич таълимда иқтисодий тарбияни йўлга қўйиш 1-синфдан

бошлаб математика дарсларида амалга оширса мақсадга муофиқ бўлади. Чунки математика дарслари орқали ҳисоблаш жараёнларида иқтисодий фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади.

Мисол учун: 1-синф математика дарсида хисоблаш орқали ўқувчиларда иқтисодий фикрлашни ўстириш. Дарс жараёнида ўқувчилар диққатини, фикрлаш қобилиятини ўстириш баробарида уларни тежамкор бўлишга ватадбиркорликка ҳам ўргатиб борилади. Она табиатни асраш, авайлаш лозимлигига алохида эътибор қаратилади. Ундан ташқари мактабда олган билимларини амалда қўллашга ҳам йўналтирилади

Бугунги кунга қадар кўплаб олимлар томонидан ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашда миллий-маънавий қадриятлар муҳим омил эканлиги эътироф этилмоқда. Ёшларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳамда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки ёшларда иқтисодий тарбияни юксалтириш орқали гуллаб яшнаб келаётган юртимизнинг иқтисодиётинииямада юксалтириш ва унинг тараққиётига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Умумий олганда иқтисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб улар бир-бирини тўлдиради. Уларни биз ўзимиз тўлиқ англаб етганимиздан кейин, ўқувчиларга иқтисодий билимлар беришимиз ва шу орқали ўқувчиларда иқтисодий, билим, иқтисодий маданият, иқтисодий

дунёқарашлар амалга оширилади. Иқтисодий қонунларни ўргатиш орқали биз ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, қилаётган саъй – ҳаракатлари самарали бўлишга, тежашга, авайлаб-асрашга, ўргатиб исрофгарчиликка йўл қўйишнинг олдини оламиз. Иқтисодий билимлар ҳар доим кишилик жамиятининг ривожига ҳисса қўшиб келганлиги боис иқтисодий тарбияга эхтиёж бор. Бунда ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнида узлуксиз иштирок этиши боланинг етук шахс бўлиб етишишига асосий туртки бўлади.

## 8. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙВА АХЛОҚ-ОДОБ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ЎРНИ

*Бахтга элтувчи ягона йўл, бу фаолиятдир.*

"**Бернард ШОУ**"Инсон яшар экан ,у озиқланади, турар жой, ўзи учун зарур бўлган хаётий эхтиёжларини қондириш учун имкониятлар яратади.Бозор иқтисодиётининг асосий шартлари ва талаблари мумкин қадар кўпроқ сифатлироқ, рақобатбардош товар ишлаб чиқариш. У асосан ўзига хос янги бир йўлни танлади ва жахон ҳамжихати олдида бу йўлнинг афзалликларини кўрсатди.

Маънавият ва иқтисод ўзаро боғлиқдир. Президентимиз айтганидек, "Иқтисодий ислохотларни асосий тамойиларидан бири иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигиладир"[16]. Эркин бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўгланиш, иқтисодий тикланиш ва ривожланиш маънавий ривожланиш билан покланиш, маънавий юксалиш харакатлари билан уйғун холда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг энг мухим сохаларидан бири иқтисод ва маънавиятнингуйғунлигини таъминлашдир. Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларихакида сўз юритганда, «биз иқтисодий ўгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўгланиш, маънавий покланиш,
маънавий юксалиш харакатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз, дейди у. Сиёсатимизни шунга асослаиб қурамиз ва уни тўла татбиқ этамиз...Маънавият ва иқтисод бирбирини инкор этмайди, балки бирбирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу»[17]

Дархақиқат, маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб, нафақат иқтисодий юксалишларга, балки, умуман жамият тараққиётида юксакликларга эришиб бўлмайди.

---

[16] *И. А. Каримов.* "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 й.

[17] И. А. Каримов. Ўзбекистон [illegible]. Тошкент, 1993 йил, 47 бет.



Иқтисодий ислоҳотлар хар қандай шароитда, ҳар қандай ижтимоий тузум ёкижамиятда зарурий эхтиёж хисобланади, бироқ бу жараён маънавий ислохотлардан ажратиб олинган ҳолда юз берадиган бўлса, жамият тараққиётини тўла таъминлаган - деб бўлмайди. «Бозор муносабатларига ўтиш кўркўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор стимессирларини, хариклар ва камбағалночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бундақа бозорнинг уйи куйсин, - - деб таъкидлайди И. А. Каримов. - Юксак маънавий бурчлар неча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган. Бозор иқтисодиёти - деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсакда, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса бундай жамиятнинг хеч кимга кераги йўқ»[13].

Иқтисодиёт моддий тушунча, ахлоқийлик эса маънавий категория бўлсада мана шу иккала холатни уйғунлаштирмай туриб мамлакатимизда янги жамият қуриш мумкин эмаслиги, юқоридаги сўзларда ниҳоятда кескин даражада қўйилади. Тарихдан маълумки, иқтисоднинг маънавиятдан ажралиб қолиши, пойма-поймилиги боришқ билан маънавият, инсон билан олам ўртасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, Инсонлар хар қандай шароитда хам, ҳар қандай йўл билан бўлсада, хатто юрт манфаатларини сотиш эвазига хам,бойлик, молмулк орттиришга харакат қилади, яшашнинг осон йўлларини ахтаради, унинг виждон, иймон, одамгарчиликдан махрум воситаларини топишга руҳу қўядилар. Демак, иқтисод билан ахлоқ, моддий эхтиёж билан маънавий зарурат ўртасидан уйғунлик бузилган жойда жамият таназзули учун замин пайдо бўлади.

Маънавият ва иқтисод ўртасидаги алоқадорлик ҳақида сўз юритиш учун аввалоэбор «иқтисодиёт» тушунчасининг мазмунини ёритиш тақозо этилади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, иқтисодиёт фаолиятнинг алоҳида турисифатида хўжаликни бошқариш - деб эътироф этилади.

Дархақиқат, инсонлар хаёт кечириш учун моддий неъматларга эга бўлиши керак. Бунинг учун уларни яратишга эхтиёж туғилади. Табиийки, бу жараён, бир томондан, табиат нарсаходисалари, бошқа томондан,

---

[13] И. А. Каримов [illegible]

одамларнинг ўзаро муносабатлари асосида юз беради. Англашиладики, етиштирилган истеъмол махсудотларида нафақат уларни етиштирувчилар ўртасидаги моддий муносабат, балки, шу билан бирга маънавий муносабатлар ҳам амал қилади.

"Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) киради. Иқтисодиёт аввало одамлар фаолиятидир, уларнинг табиатга ва ўзаро таъсири натижасида моддий неъматлар ва хизматларнинг яратилиш жараёнидир. Кенг маънода иқтисодиёт шу неъматлар ва хизматларнинг вужудга келтирилишидир"[17]. Агар масалага бозор иқтисодиётига ўтиш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, у суянадиган барча объектив омиллар айни вақтда маънавий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай омилларнинг дастлабкисини моддий шарт-шароитлар билан боғлаб тушунтирсак, унда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, кишиларда хўжайинчилик (мулкка эгалик) ҳиссини таркиб топтирган, соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш каби жараёнлар кўзда тутилади. Ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоя омилининг ҳам катта ўрин борлиги ҳаммамизга маълум, бунда бозор муносабатлари шароитида одамларни ижтимоий муҳофаза қилиб бориш, янги иқтисодий тизимга ортиқча азиятсиз, озор чекмасдан ўтиш масаласини ижобий ҳал қилиш зарурати туғилади. Энг муҳими, кишиларимизнинг бозор муносабатларига ўтиш ва бозор шароитида яшашлари учун уларни маънавий жиҳатдан тайёрлаш, эски иқтисодий ҳаёт руҳиятидан, айниқса, боқимандачилик кайфиятидан бутунлай халос этиш керак бўлади

Дарҳақиқат, кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятларини бериш керак. Ўз-ўзидан равшанки, янгича иқтисодий тафаккур маънавий жараён бўлиб, инсон ҳаёти ва тақдири, унинг ахлоқий фазилатлари, ички дунёси, характери билан боғлиқ ҳодисадир. Бунинг маъноси, тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, биринчидан кишилар мулксизлик ҳолатидан мулкка эгалик қилиш ҳолатига ўтишлари, мулкни тасарруф қила олишда эркинликка эга бўла олишлари, боқимандачиликка барҳам бериб, ўзларининг иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳволини яхшилашлари учун шахсан масъул эканликларини англашлари, иқтисодий соҳадаги

[17] К. Абдуллаев, Х. Муҳаммадиев. Иқтисодий билим асослари. – Тошкент, "Ўқитувчи" 1997 йил. 16–17-бетлар



рақобат курашида маънавий жиҳатдан собит бўлишлари, маънавият, ҳалоллик, поклик, ишбилармонлик фазилатларини таркиб топтиришлари тақозо қилинади. Иккинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги унинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқлиги, шахсий меҳнати, тадбиркорлиги, ўз мулкини омилкорлик билан бошқариши, фан техника янгиликларини чуқур эгаллаши, иқтисодий маданиятини ошириб боришини кун тартибига қўяди. Учинчидан, ҳар бир киши ўз фаолияти ва меҳнатини қайси соҳа бўйича ривожлантириши, фойда-зарарнинг фарқини била олиши, ҳисоб-китоб қила билиш малакасини ривожлантириб бориши керак. Табиийки, юқоридаги жараёнлар инсон маънавияти, шунингдек, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий тамойиллари билан боғлиқ талаблар доирасида амал қилади[25].

Республикамизда маънавий муҳитнинг соғломлиги, ҳар қандай ислоҳотлар, аввало, одамлар онги ва дунёқарашига, руҳий оламига мослаштириб олиб борилаётганлиги сабабли фуқаролар имконияти, яратувчанлик ва бунёдкорлик имкониятлари тобора кенгаймоқда, уларда Ватан, миллат, ғурур тушунчалари чуқурлашмоқда. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсат туфайли ҳар қандай моддий манфаадорлик, ҳар қандай иқтисодий равнақ бевосита маънавий баркамоллик туйғулари билан боғлиқ эканлиги, шу негизидагина ҳақиқий ривож топиш мумкинлигига ишонч ортиб бормоқда. Бу ерда яна бир маънавий омил тўғрисида тўхташ лозим - деб ўйлаймиз, у ҳам бўлса, бозор муносабатлари таркиб топиши жараёнида халқимизнинг бой маънавий мероси улкан тарбиявий аҳамият касб этиши масаласидир. Кишиларимиз бозор муносабатлари таркибига ва жараёнига кириб эканлар, аввало, ана шу қадимий талаб ва фазилатларга амал қилишлари тақозо этилади. Қуръони Карим, Ҳадислар, шунингдек, алломаларимизнинг салоҳиятлик, бозор муносабатларига онд қарашлари алоҳида бир мактаб вазифасини ўтайди, яъни улар одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда поклик, ҳалоллик, тўғри сўзлик, ёлғон ишлатмаслик, мурувватли бўлиш каби инсоний фазилатларга катта эътибор беришга даъват этади. Шунингдек, улар тўғридан-тўғри хўжалик юритиш билан, иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ бўлган категориялар (ижара, солиқ, истеъмол, эҳтиёж, ҳунар, деҳқончилик, пул, тақсимот кабилар)нинг маънавийлик негизига қараб чиққанлар ва бунда инсонийликни биринчи ўринга қўйганлар. Шундай қилиб, маънавият билан иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ижтимоий

[25] К.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 139–140-бетлар

тараккиётимизга катта ижобий таъсир кўрсатмокда. «Халкнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий топтириш йўлидан муваффакиятли равишда олга силжитишда хал килувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»[16] Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш жараёнида маънавиятни бойитишнинг алоҳида ўрни мавжудлигини қайтақайта уқтирмоқда. Шунингдек,юртбошимиз ёшлар онгига дунёвий билимлари сингдириш билан бирга, мингйиллар мобайнида синалган ва юксак диний тамойиллар билан уйғунлашиб кетган одобахлоқ кўрсатмалари асосида уларни тарбиялаш, камол топтириш ишига хам алохида эътибор бераётганлиги маълум. Президентимиз Имом алБухорий ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган нуткида диннинг инсон маънавиятини баркамоллаштиришдаги ролини шундай таърифлаган эди:"Мен илохий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат киладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмастуганмас кучкудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман" ("Миллий тикланиш",1998 йил, 27 октябрь).

Маънавият, иқтисод бу энг аввало оиладан бошланади. Оила - деб аталмиш муқаддас Ватанда истиқомат килувчи ҳар бир инсон оила фаровонлиги учун ҳаракат килмоғи керак. колаверса, ҳар ким яшаш учун курашади, меҳнат килиб,моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади.

Оила иктисоди уйрўзғор юритиш ҳақидаги билим, малака ва кўникмалар йиғиндисидан иборат. Абдулла Авлоний таърифига кўра, «Иктисод - деб, пул ва мол каби неъматларнинг кадрини билмакни айтиладур». Пулу давлати кўп бўлган инсон бой эмас, балки иктисодчи инсон бой ҳисобланади. Оила иктисодини шакллантиришда, бошқариш ва назорат килишда унинг ҳар бир оила аъзосининг ўз ўрни бор. Инсондан пул, молу дунё топиш учун бор ақлни, ундан окилона фойдаланиш эса ўн марта ортиқ ақлни талаб этади. Шунинг учун оила иктисодига ўта масъулият билан муносабатда бўлмоқ лозим.

Пул, аввал таъкидлаганимиздек, халол, пок йўл билан қилинган меҳнат эвазига топилмоғи зарур. Ўғрилик, пора, алдамчилик, ҳаллоблик билан орттирилган бойлик ҳаром саналади. Шунинг учун оила иқтисодига қўшиладиган хисса халол бўлмоғи лозим. Ҳалол билан ҳаромни фарклай билишни эса бола онгига ёшликдан сингдириб бориш керак. Одатда ўзбек хонадонларида оиланинг моддийтаъминоти эркак зиммасида бўлади. Оила



жамғармасини тежамкорлик билан ўзўрнида сарфлаш, исрофгарчиликка йўл қўймасдан, оилада кутбарака бўлишинитаъминлаш аёлнинг вазифаси. Шунинг учун хонадоннинг бой, тўк, фаровон турмуши, эрхотиннинг тежамкорлик одобидан хабардорлигига хам боғлик. Оилафаровонлигини таъмин этиш билан унда камолга стаётган фарзандларининг келгусида моддий фаровон турмушига асос солиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият бойлиги учун заминдир.

Абдурвуф Фитрат айтганларидек: "Маълумки, яшаш учун пул, пул топиш учун касбҳунар ва амал лозим. Аёллар эркакларга ўхшаб хаёт машғулотларига тоб бермай, турмуш таҳлилида қийналиши мумкин. Тажрибасизлик ва заиф мижозлари устига аёл зоти баъзи йиллари тўккиз ой "ҳомиладорлик" юкини кўтариб юради, бола туғилишидан бошлаб тарбияси билан машғул бўлади. Янаборив ишлаб пул топиш эса уларга қушкулдир. Ишлаб, саъйҳаракат қилиб пултопиш бу эркаклар бурчидир. Эркаклар бор кучларини ишга солиб, пул топиб бирқисмини ахлуаёллари эхтиёжлари учун сарф килишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар болачақалари ва ахлиаёлларининг нафақалари хусусида зикналик қилсалар ё" нафақаларини бериб миннат қилсалар, ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун бошқўлдан садақа бериб, ўзлари бошқа жойларда айшишрат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик килишларига шубҳа йўқдир. Зулм ва инсофсизлик эса исломда куфр ва ҳаромдир. Бас, эркакларнинг бу харакатларихам харомдир

Президентимизнинг: "Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик, қанийди, онагинам тирикбўлсалар, дунёни сайру саёхат қилдириб келмасмидим. Оналаримизнинг, оталаримизнинг умрини ғанимат билиб, кадрига етайлик», деган сўзлари хар биримизнинг ёдимизда турмоғи керак.Уйрўзғорда тежамкор бўлиш инсоннинг фаровон яшашини таъминлайди. Бунинг учун оила аъзолари масъулдирлар. Барчамаҳсулотлар катта меҳнат орқали бизга етиб келади. Меҳнат килган одам ўзмеҳнат маҳсулини тежабтергайди. Бу фазилатни биз тежамкорлик одоби деймиз. Энг киммати бойлик вактдир. Фурсатдан яхши фойдалансангиз олтинлар топилади, вақтни бекор ўтказиш олтинларни қўлдан бой беришдир. Ақлнишиларнинг вақти оқилона тақсимланади. Ота-боболаримиз: "Вактинг кетдиақлинг кетди". "Вактни сақла, фурсатни қочирма", деганлар, вактдан

Ақлли болалар вактларини бекор ўтказмайдилар. ғайрат билан ўкийдилар, ишлайдилар, олтинга тенг вактларини қадрлайдилар. кунининг

ҳар лаҳзаси улар учун ҳисобли, Донишмандларни улуғликка элтган нарса вақтдан унумли фойдаланиш бўлган. Инсонни бахтли қилувчи ҳам ва умрини безаттан ҳам вақтдир. Вақтинг кетди - бахтинг кетди.

Маъно кўпдир бу ҳикматда.

Вақтни
қадрлаганлар
Доим юрар
иззатда.

*(Мақол)*

Оила иқтисодини режалаштирмасдан туриб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш мумкин эмас. Аксарият, ўзбек оилаларида даромад, кундалик эҳтиёжларининг сарфхаражатлари, ҳар бир киши учун йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари режалаштириб ўтирилмайди. Лекин Ота- боболаримизнинг рўзғор юритиш тажрибаларидан келиб чиқилса, бу нарса оила иқтисодини режалаштиришдан бошланмоғи зарур. Халқимизда «Режали иш бузилмас», «Маслаҳатли тўй тарқамас», «Режасиз иш - қолипсиз ғишт» каби мақоллар бор. Бу ишни ҳар бир киши олдиндан пухта ўйлаб, режа асосида қилмоғи зарур, деган маънони беради.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, маънавият узлуксиз жараён бўлиб, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг чуқур ифодасини топади. Мустақиллик маънавияти ҳақида фикр юритар экан, Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: "Маънавият деганда, аввалambor, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан"

## 9.БОЗОР ОДОБЛАРИ ҲАҚИДА

"Отанг бозор, онанг бозор"
(Мақол).

Дунёдаги ҳар бир халқнинг тил ва забони ўзгача бўлгани каби, миллий хулқ- атвори, одоб-ахлоқи, феъл-атвори, муомала-муносабати,турфа урф-одатлари билан ҳам ажралиб фарқ этиб туради, лекин умуминсониятга хос бўлган меҳр- муҳаббат, хаё иффат, раҳм-шафқат, ҳурмат-иззат ва қадр-қиммат деган туйғулар борки, бу ҳамма миллатлар учун бирдек гўзал фазилат ҳисобланади. Бозор деган жойнинг



табаррукликги одамлар эҳтиёжини қондирадиган эл дастурхони бўлиши билан бирга, ҳеч бир миллатни ажратмай, ҳеч кимни камситмай барчани ўзига чорлайди. Бозорга қайси миллат ёки элат кириб келмасин, ҳаммаси бир инсонсифатида ўзаро муомала-муносабатда хушмуомала, ширинсўз ва адолатли бўлишлари табиий ҳолдир, шундан келиб чиқиб бозорҳамманики, насиба эгасиники, ҳар ким насиб қилганини олади, дейишимиз жоиздир.

Бозорнинг турли туман одоб қоидалари борки, улардан баъзиларини қуйидагича баён этамиз. "Савдогар-сотувчиларга" ва "Харидор муштарийларга" деган сарлавҳаларда насиҳат эмас, зарурий ҳисобланган маслаҳатларни илтимос тарзида, эслатма қилиб келтирдик, булардан мақулларини қўллаганларга Аллоҳтаоло бахт-барака ато этсин!

Бозорни - саришта, одамларни фаришта - деб билинг.

Бозорда баланд овозда бақириб-чақирманг, ҳаё-иффатингизни

сақланг. Ҳисоб-китобда бир-бирингизга хиёнат қилманг, хиёнат

баракани учиради.Бозор ризқи-рўз дастурхони, уни ифлос қилманг.

Покиза неъмат –тани- сиҳатга қувват.

Бозорда бир-бирларини ота-она, ака-ини, опа-сингилдек ҳурмат қилган иззаттопади.Икки кишининг - сотувчи ва олувчининг келишиб турган савдосини бузманг, гуноҳ бўлади.

Бозорда ҳеч кимга унинг дилини оғритадиган аччиқ-қуруқ гап қилманг. Ҳадисда айтилган, "Ўзингизга раво кўрган нарсани бошқа биродарингизга ҳамраво кўрмагунингизгача мўъмини комил бўла олмайсизлар" васиятини дилда маҳкам тутинг. Сўз ғазабига миниб, оғзингизга эрк берманг.

Чайқовчи-олибсотарларга дуч келиб қолсангиз, ранжиб: "Илоё бозорига ўт тушсин - деб айюҳаннос солманг, ҳалол савдогар бозорчиларнинг дилини оғритиб қўйманг!

Бозорда кўпчилик ичида қарғиш ва сўкиниш сўзларини тилга олманг.

Бозорда бировга маҳлиёмуз тикилманг ва қўл бармоғи билан ёнингиздаги одамга бировни нуқтаб кўрсатманг.

Бозорда биров бехосдан туртилиб кетса, "ҳайвонга ўхшамай ўл", "Туркинг қурсин", "Кўзингга қараб юр, аҳмоқ" каби сўзлар билан ҳақорат қилманг. Бундайҳолда: "Ие, нима бўлди, эҳтиёт бўлиб юринг", - деб танбеҳ берилса, унинг ҳушёр бўлишига кифоядир.

Бозорда иложсизликдан харидга чиқиб, мункиллаб қалтираб қолган қарияларга ёрдам ва мадад бермоқ савобли ва раҳматли юмуш эканини унутманг.

Сиздан ёрдам-мадад сўраган ожиз, нотавон, қария, заифа, бемор кишиларникўрганда илтижоларини эшитмагандек тескари қараб кетманг, илтижоларинибажо этинг, омма раҳматини оласиз!

Харидор муштарийларга илтифотли бўлиши керак.

Харидорликни ширин сўз билан бошланг, харидингиз хайрли бўлади.

Сотувчининг молини ёқтирмасангизолманг, лекин хунук сўз айтиб лат урибкетманг.

Бирор харидор оламан - деб турган нарсани тортиб олишга уринманг, бундайқилсангиз бировнинг оғзидаги луқмани еганчалик гуноҳига коласиз.

Нимаики харид килмоқчи бўлсангиз, нархини камайтириш ниятида: "Молингиз яхши эмасу, арзонроқ берсангиз оламан", - деб сотувчини дилини огритманг.

Бир киши олаётган нарсадан, "менга қолмайди" - деб шошманг, сизнинг насибангизга аталгани ҳам борлигини унутманг.

Сотувчи камгап камсуқум одам бўлса, сўзамоллик қилиб ранжитиб қўйманг.

Пештахталардаги ювилган ювилмаган меваларни оғизга солаверманг, бирор юқумли дардга чалиниб қолишингиз мумкин. Ноз-неъмат харид қилишда сифатимазасини билиш учун сотувчи деҳқоннинг розилигини олиб, сўнг еб кўринг.

Сотувчи айтган нархга нирса олманг, ҳадисда "мусулмонларда савдолашмасдан олишлик "ҳаром"га киради деган иборани эсланг.

Нарх-навода сотувчи билан қилишинг, лекин уч қайта сўраганингиздан кейин бермаса, зўрламанг, чунки "Сўраганнинг бир юзи қора, бермаганнинг икки юзиқора" бўлишини унутманг.

Сотувчи молни тош-тарозида тортганда: "Бир-иккита ташлаб юборинг", - - дебтаъмагирлик қилманг, ҳимматин ўзига ҳавола этинг.

Сотувчи ноз-неъматни олиб тарозуга қўяётганда, сиз ҳам қўл чўзиб, чангаллабтарозуга солишга одатланманг, агар ёмонини кўриб қолсангиз, олиб ташлашнисотувчидан яхши сўз билан илтимос қилинг.

Бозорга тушишдан олдин уйда зарурий нарсаларни рўйхат қилиб ёзиб олинг, шунга яраша тўрва-халта идишларни эсдан чиқарманг. Сотувчи нарсани тортибтайёр қилганда, тўхтатиб мақтал қилиб қўйманг.

Харид қилган мева-чевангиздан еб, чиқиндисини дуч келган жойга улоқтирманг.

Сотувчи битта олувчи мингта, сотувчини айблаб, қаттиқ сўз айтманг.

Деҳқондан ноз-неъмат олганда, "Барака топинг, Аллоҳ қувват берсин", - - дебяхши тилак айтишни унутманг.

Мол-буюмни баҳолашни билмасангиз, арзон ёки қиммат нархни айтиб



бировларга жабр қилманг, яхшиси аралашманг.

Сотувчи кўпчилик билан олди-сотди қилаётганда, сизга ортикча қайтим бериб юборса, "бопладим савдогарни" - деб кетманг, бу ҳаром пул рўзғорингизбаракасини қул қилади.

Яхшиларнинг бозорлари баракали, нон насибалари ва имонлари бутун бўлсин,топган-тутганлари тўй-у, хайрли ишларга буюрсин!

Савдогар - сотувчиларга қуйидагича муомалада бўлиши лозим.

Савдогарликнинг энг яхши фазилати меҳр-муҳаббатли, ҳурмат-иззатли ва илтифотли бўлишдир.

Савдо-сотиқда тор феълли бўлганнинг ҳамёни ҳам торайиб боради.

Ҳалол савдогарнинг қўлига, мевали дарахтга қушлар келиб қўнавергандек барака кираверади.

Харидордан ҳақни тўғри ҳисоблаб олинг, қайтимини тўғри санаб беринг, сўнгрози-розилик тилашиб қўйинг.

Харидорга сертакаллуф, ширин лутф, одамшаванда бўлинг.

Сотувчиларнинг забонида: "Келинг, пулингиз бўлмаса ҳам олиб кетинг. Олмасангиз ҳам тотиб кўринг, эгангизга пул олмаймиз", "Ош бўлсин" баракатопинг деган тилаклар бўлиши қанчалар яхши эканини доим ҳис этинг.

Харидорнинг халта-тўрвасига тарозидан нарсани беозор жойлаб бериб: "Уйингизга яхши етказиб олинг", - - деб тилак айтинг.

Касал кўргани борадиган харидор илтимос қилса, ноз-неъматлан саралаб беринг, шунда сиз ҳам беморни кўрганлик савобини оласиз.

Харидор тажанг бўлса, сиз кулиб очилиб муомала қилинг

— таранг асаби бўшашади, феълатвори

— тош бўлса, саховатлик қилинг, тошдек дили мумдек юмшайди.

Харидор билан нархни келишолмай қолсангиз аччиқланиб: "ўтинг, сиз оладиган нарса, "хув анёқда" - деб дил оғритиб йўл-йўриқ кўрсатманг, яхшиси:"Нархини келиша олмадик, бошқаларникини сўраб кўринг", - деб чиройли муомала қилинг. Илтифотли бўлинг, харидор ҳар бозорга тушганда сизни қидириб топадиганбўлсин.

Иқтисодиётнинг нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш зарур деган азалий муаммоси бозорда аниқланади. Бозорнинг зарурлиги ана шу ерда кўринади.

Шу сабабли бозор тизими қонунқоидаларини ўрганишни бозордан бошлаймизва энг аввал бозорнинг ўзи нималигини аниқлаймиз, сўнгра унинг турларини кўриб чиқамиз.

Ишлаб чиқаришда яратилган турли-туман маҳсулотлар ва

кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларга тўғридантўғри эмас, балки бозор орқали етиб боради. Бозор ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди, чунки ҳеч бир нарса текингаберилмайди, уни бозорда пулга сотиб олиш талаб қилинади.

Бозор - бу харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир. Бозорга товар эгаси уни сотиш учун, харидор эса уни олиш учун чиқади. Сотувчилар - бу товар ишлаб чиқарувчи фирмалар, фермер хўжаликлари, яккатартибда ишлаб чиқарувчи кишилардир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар, яъни хонадонлар, ресурсларни олиб ишлатувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилар бўлади. Агар аҳоли бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олса, фирмалар ва якка тартибда ишловчилар асбоб-ускуна, машиналар, ёқилғи, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиболадилар. Бозорда товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари товар айирбошлашда муҳим аҳамиятга эга. Товар пула айирбошланганда (ТП бўлганда) сотиш операцияси, пул товаргаайирбошланганда (ПТ) харид этиш операцияси юз беради..*

Демак, бозор муносабатларида ҳам товарлар, ҳам пул ишлатилади. Шунингучун буни товар-пул муносабати - деб айтилади.

Ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва хизматлар бозорда товар шаклигакиради. Шунинг учун ҳам товар деганда бозорда сотиш учун чиқарилган нарсалар тушунилади.

Ҳамманинг иши бозорда битади, чунки у ердан пулга барча керакли истеъмол буюмлари ва ресурсларни топса бўлади. «Ҳамма нарсанинг отаси ҳам бозор, онаси ҳам бозор» деган гапнинг маъноси мана шунда. Ҳамма ишнинг бозордабитиши унинг афзаллиги бор дегани. Хўш, бу афзаллик нимада? Бу бозор алоқаларининг иқтисодий жиҳатдан қулай бўлишида, албатта. Гап шундаки,
ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқаргандан кўра бир хил маҳсулотни чиқариб, бошқасини сотиб олиш нафли бўлади. Товарни яратувчининг меҳнати ихтисослашган бўлади, яъни ишлаб чиқарувчилар фақат у ёки бу товарни ишлаб чиқариш билан машғул бўладилар, натижада касбларнинг тури кўпайиб боради. XXI асрга келиб ер юзида 20 мингдан зиёд касблар пайдо бўлдики, улар билан машғул кишилар 40 триллион доллардан зиёд (2000 й.) маҳсулот ва хизматларни яратдилар, булар ғоят хилмахил товарлар бўлиб, уларни ишлаб чиқарувчилар бозор орқали бирбирига етказиб берадилар.



Ихтисослашув товарларни айирбошлаш орқали истеъмол этишини қулай қилганидан бунга зарурат пайдо бўлади. Ихтисослашув чуқурлашган сари янгиза янги турдаги товарлар пайдо бўладики, булар бозорга келиб айирбошлаш доирасини кенгайтиради. XXI аср бошига келиб ер юзида бир неча миллион хилтовар нафақат миллий бозорда, балки халқаро бозорда ҳам айирбошланди.

Айирбошлаш заруратини, унинг афзаллигини тушуниш учун иккита ихтисослашган фермер хўжалиги нима қилишини кўриб чиқамиз. Биринчиси сут етиштиради, иккинчиси буғдой экади. Улар ўзида йўқ маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни икки йўл билан қондиришлари мумкин: а) йўқ маҳсулотни ишлаб чиқариш; б) ўз маҳсулотига йўқ маҳсулотни бозор орқали айирбошлаб олиш. Фермерлар иккинчи усулни танлаб оладилар, чунки бу афзаллик беради. Ресурслар чекланган бўлганидан бир вақтнинг ўзида керакли нарсани ишлаб чиқариш учун бошқасидан воз кечиш керак. Чорвадор ўзига керакли буғдойниетиштириш учун сут ишлаб чиқаришдан воз кечиши, зироатчи эса ўзига кераклисутни олиш учун буғдойдан воз кечиши керак. Чорвадор 1 литр сут олиш учун 1соат вақт сарфлайди, зироатчи 1 кг буғдой учун 20 минут сарфлайди. Сутнингбозор нархи 300 сўм, буғдойники 100 сўм. Нарх нисбати 3:1, иш вақтини 6 соат - деб олсак, чорвадор кунига 6 литр сут олади, зироатчи эса 18 кг буғдойга эга бўлади. Улар ихтисослашганлиги учун чорвадор ўзига керак 3 кг буғдойни ўзиетиштирса, бунга 2 соат вақт сарфлайди. Бу вақт мобайнида эса у 2 литр сутнийўқотган бўлади. Натижада унинг ихтиёрида 4 литр сут ва 3 кг буғдой бўлади.Зироатчи ҳам ўз ишидан ташқари чорвага қўл урса, 1 литр сут олиш учун 1,5 соат
вақт сарфлайди, бу билан у шу вақт ҳисобидан 4,5 кг буғдой йўқотади. Унинг ихтиёрида 13,5 кг буғдой ва 1 литр сут бўлади. Агар чорвадор ва зироатчи ўз маҳсулотларини бозорда айирбошласалар, ютуққа эга бўладилар. Бунда чорвадор ихтиёрида 15 литр сут ва 3 кг буғдой бўлар эди. Зироатчи айирбошлаш туфайли15 кг буғдой ва 1 литр сутга эга бўлади, у ўзи ишлаб чиқарганда қўлида 13,5 кг буғдой ва 1 литр сут бўлар эди. Демак, айирбошлаш ҳам чорвадор, ҳам зироатчи учун нафли экан. Бозорда товар айирбошлашнинг уч афзаллиги бор. Биринчидан, бозор орқали эҳтиёж қондирилганда товарларни ўзи ишлаб чиқариб истеъмол этгандан кўра сотиб олиш арзонга тушади. Иккинчидан, истеъмол учун керакли маҳсулот ва хизматларни бозордан осонгина топиш мумкин, бу билан истеъмолни қондириш сарфлари тежалади. Агар бозор бўлмай маҳсулотни бир-бирига тўғридан-тўғри айирбошланса, керакли маҳсулотга етишиш учун жуда

кўп айирбошлаш операциясини ўтказиш керак. Масалан, «А» махсулот эгасига
«Х» махсулот керак бўлса, бунда камида 25 марта айирбошлаш операциясини ўтказиш керакки, бу гоят катта харажатларни юзага келтиради, яъни халқ таъбирибилан айтганда «эшагидан тўқими қиммат бўлади». Учинчидан, бозорда товарларни танлаб олиш имкони бор. Ҳамма ишлаб чиқарувчилар бир хил ёкиўринбосар товарларни бозорда кўплаб тақдим этганидан булар хох ресурс, хоқ истеъмол товарлари бўлсин, улардан маъқулини танлаб олиш мумкин бўлади. Ўзи ишлаб чиқарганда танлаш имкони бўлмас эди.

Бозорнинг афзаллиги шундан иборатки, у чекланган ресурслар шароитида эхтиёжларни кам мехнат сарфлаган ҳолда ва тўларок қондириш имконини беради. Бозор кўрсатадиган хизматларга зарурат бўлганидан у доимо кенгайиб боради,бозор алоҳалари дамига тобора кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар тортилади.

Бозор инфратузилмаси эътибор берайлик.Бозордаги иқтисодий алоҳаларда кўпчиликдан иборат субъектлар қатнашади. Бу алоҳалар гоят хилмахил бўлиб,мураккаб кечади, булар бевосита алоҳалар ва билвосита алоҳалардир. Бевоситабозор муносабати пайдо бўлганда сотувчи ва харидор бирбири билан
тўгридантўгри алоқа ўрнатади, бу ерда хеч ким улар ўртасида воситачилик қилмайди. Билвосита бозор муносабати юз берганда сотувчи ва харидор ўртасидаги алоҳалар воситачилар орҳали ўрнатилади. Улар олдисотди соҳасида бозор иштирокчиларига ўз хизматини кўрсатадилар, бу инфратузилма хизмати бўлади. Бозор инфратузилмаси бозор алоҳаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи институтлардир, яъни фирма ватурли муассасалардир.

Бозорнинг микёси, унда иштирок этувчи товарларнинг таркиби, олдисотди муносабатларининг характерига ҳараб турли инфратузилма бўгинлари амал қилади. Инфратузилма 2 хил бўлади. Биринчиси ҳамма бозор алоҳаларига хизматқилувчи инфратузилма. Бу товарларни кандай кўламда, қандай усуллар билан сотилишидан қатъий назар ҳамма бозорларга хос бўлади. Бунга сугурта, савдо-сотиқ партнёр (шерик) топиш, пулни ундириш каби хизматларни кўрсатувчи муассасалар киради. Улар хизматидан бозорнинг барча иштирокчилари керакбўлган пайтда фойдаланади. Инфратузилманинг иккинчи тури бу махсус бозорларда махсус хизмат кўрсатувчи институтлардир. Булар жумласига савдо уйлари, товар биржалари, реклама компаниялари, меҳнат



биржалари, фонд (қимматли когозлар) биржалари, брокер компаниялари, аудитор фирмаларинин киритиш мумкин. Булар хам воситачилик қилади, аммо улар хизмати ҳамма ердаэмас, балки айрим бозорларда юз беради. Товар биржалари улгуржи савдо хизматини кўрсатади, улар орҳали товар ишлаб чиқарувчилар харидор топади.Меҳнат биржаси иш берувчи билан ишга кирувчига хизмат кўрсатади. Фонд биржаси қимматли қогозлар (акция, облигация, сертификат ва бошҳалар) эгалари билан уларга харидорларни бирбирига боглашда хизмат қилади. Брокер фирмалари улгуржи савдода воситачилик қилади. Аудитор фирмалари хизматимахсус тавсифга эга. Улар ахборот хизматини кўрсатадилар, яъни тафтиш асосида фирмаларнинг аҳволига тегишли холисона ахборотни бозор иштирокчиларига етказиб беради.
Бозор инфратузилмасида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин тутади.

Бозорда фаолият юритишнинг қоидалари турли қонунларда белгиланади, улар қарнон этиш назорат қилинади. Бозор қоидатари унинг ҳамма иштирокчилари манфаатини ҳисобга олади, қандай иш қилиш мумкинлигини ва қандай ишга йўлберилмаслигини аниқлаб қўяди. Бозор қонунқоидалари бузилганда унинг лаёқатсизлиги пайдо бўлади, муҳими бозор алоҳаларини ўрнатишга ҳаратилганхаражатлар (булар трансакцион харажатлар - деб юритилади) ортиб кетади, бозорўз вазифаларини яхши бажармай қўяди. Шу сабабли қонунқоидаларининг бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий хизматлар борки, буларни хўжалик судлари, арбитраж фирмалар ва адвокатлар фирмалари бажаради.

Бозор кўлами. Бугунги кунда иқтисодиёт учун бозор кўлами гоят муҳим, чункибозор қанчалик кенг бўлса, шунчалик ишлаб чиқаришнинг ўсишига шароит муҳайё бўлади, яъни товарлар ўз вақтида сотилади, керакли ресурслар сотиб олиниб, ишлаб чиқариш давом этади. Бозор кўлами - бу бозорнинг каттакичиклиги бўлиб, олди-сотдининг ҳажми билан ўлчанади. Кўлам товарларнинг миқдори, уларнинг нархи ва неча марта олди-сотди қилинишигабоглиқ бўлади. Масалан, мамлакатда, 1 млн. дона товар яратилган бўлиб, унингўртача нархи 100 бирликка тенг - деб олсак, жами товарлар нархининг суммаси
100 млн. бирликни бозорда сотадилар. Бозор миқёси товар оборотининг (айланмаси) хажми билан ўлчанади, бу эса олди-сотди кўламини билдиради. Бозорнинг каттакичиклиги умумий тарзда ва айрим бозорларга татбиқан аниқланади. Агар истеъмол товарлари бозорини олсак, унинг умумий хажмини айрим товарлар бозори, масалан,

озиковкат, кийимкечак ва турли хизматлар бозорининг ҳажми шиклайди. Бунинг қандай эканлигини чакана савдо оборотига қараб билиш мумкин. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистондаги чакана савдо обороти 52600 млрд. сўмни ташкил этди. Бозорнинг кенгайиб боришини унинг кўламининг ортиб боришини ифодалайди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ҳажмига ва яратилган маҳсулот ва хизматларнинг нақадар хилма-хил бўлиши, бинобарин айирбошлашга мўлжаллангланлигига боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг қандай қисми айирбошланиши унинг товарлилик даражасини билдиради. Бу даража қанчалик юқори бўлса, шунчалик бозор хажми катта бўлади. Демак,
иқтисодда шундай қоида бор:

Бозорнинг кўлами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг миқдорига ва уларнинг товарлилик даражасига тўғри мутаносибликда бўлади.

Махсулот ва хизматлар бозор учун ва ўзи учун яратилади. Булар ўзи учун қанчалик кам ва бозор учун қанчалик кўп яратилса, шунчалик бозор кенг бўлади.Шу сабабли жами яратилган маҳсулот бозор махсулотидан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистондаги сутнинг мутлақ катта қисми деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқада ишлаб чиқарилади. Сут бозорининг ҳажми унинг сутнинг қандай қисми хўжаликларда хонадон истеъмоли ва бузоқларни боқиш учун қолишига ва қанчаси сотишга чиқарилишига боғлиқ бўлади. Бозор муносабати ривожланган сари ўзи учун ишлаб чиқариш қисқаради ва бозор учун ишлаб чиқариш кенгаяди.

Бозорнинг ҳажми ишлаб чиқариш холатига қараб ўзгариб туради. Ундаги ўзгаришларни динамикада (ҳаракатда) билиш учун реал товар оборотини аниқлаш зарур. Реал товар обороти ўзгармас ёки базавий йилдаги нархлар воситасида, яъни инфляция таъсиридан холи этилган нархларда хисобланган оборотдир. Буни аниқлаш учун жорий нархларда ҳисобланган товар обороти нархнинг ўзгариш индексига бўлинади. Масалан, жорий нархдаги чакана савдообороти 696 млрд. пул бирлигига тенг, жорий йилдаги нарх 1,2 марта ўсди шунарх индекси; савдо обороти 580 млрд. Мана шу бозорнинг реал хажми бўлади. Реал оборотга қараб бозорнинг кенгайгани ёки торайганини билиш мумкин.

Бозор кўлами ва иштирокчилари жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий, давлатлараро ва жаҳон бозорига ажратилади.

Маҳаллий бозор бу кичик ҳудуддаги бозор бўлиб, унинг иштирокчилари шуерли сотувчилар ва харидорлар бўлади. Бу бозорда асосан маҳаллий товарлароддиситдиси юз беради. Бунга мисол қилиб



Ўзбекистондаги туман бозорини олиш мумкинки, бунга шу ердаги савдо шохобчалари, буюм бозорлари, деҳқон бозорлари киради. Унинг иштирокчилари туман аҳли бўлиб, булар истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчи фирмалар, савдо фирмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа соҳибларидан иборатдир.

Ҳудудий бозор бу бир неча чегарадош ҳудудлар доирасидаги бозор бўлиб, маҳаллий бозорлар мажмуасидан иборат. Унинг субъекти иштирокчилари ҳудуддаги товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади. Унинг объекти турли ҳудудларда яратилган махсулот ва хизматлар ҳамда ташқаридан келтирилган товарлар хисобланади. Ҳудудий бозор кўлами маҳаллий бозор кўламидан катта бўлади, унинг иштирокчилари ҳам кўп. Ҳудудий бозорга мисол қилиб Ўзбекистондаги Шарқий ҳудуд (Фарғона водийси) бозорини кўрсатиш мумкин.

Миллий бозор - бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги, яъни мамлакатнинг ички бозори. Бу бозор миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг иштирокчилари муайян мамлакатдаги барча товар ишлабчиқарувчилар, истеъмолчилар ва улар ўртасида турган воситачилардан иборат. Миллий бозордаги товарларнинг асосий қисми мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилади, қисман чет элдан келтирилади, аммо иқтисодий қолоқ ва харам мамлакатларда улар яратган махсулотлар асосан хом ашё бўлиб, у мамлакат ички товар оборотида иштирок этмайди, балки четга чиқарилади. Улар ички бозорида четдан келтирилган товарлар устувор бўлади. Бундай миллий бозорда харамлик аломати бўлади. Миллий бозор мамлакатдаги барча бозорларни бирлаштиради, бу ерда миллийпул харид учун ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Миллий бозор давлатҳимоясида бўлади. У очиқ бозор, унга кириб келиш, ундан чиқиб кетиш эркиндир.

Давлатлараро бозор - бу икки ва ундан кўп мамлакатларнинг ўзаро бозори бўлиб, бунда турли мамлакатлар фирмалари ва давлат идоралари қатнашади. Бубозорда товарни бевосита истеъмол этувчилар хонадонлар қатнашмайди. Бу бозор чегарадош давлатлар бозори бўлиб, бу ерда шу мамлакатларда яратилгантоварлар, четдан келтирган товарлар олдисотди қилинади. Айтилган мамлакатларда чегара олди савдосотиги кенг кучушиш оулади.

Жаҳон бозори - бу дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ муносабати. Бу
бозорда тараққиёт даражаси, бинобарин товар ишлаб чиқариш салоҳияти
хар хил

мамлакатлар катнашади. Улардан бири тайёр махсулотлар етказиб берса, бошкаси хом ашё ва ёкили каби ресурсларни бозорга чикаради. Жахон бозори ўзининг учта белгиси билан ажралиб туради. Биринчидан бу бозорда товарлар эмас, балки сайланган, яъни кўпчилик учун зарур (масалан, нефть, газ, кўмир,ёғоч, дон, жун ва бошкалар) олди-сотдиси юз беради. Иккинчидан, бу бозорда истеъмолчиларнинг ўзи, яъни аколи харидор сифатида катнашмайди. Бу вазифани савдо фирмалари бажаради. Учинчидан, бу бозорда товарлар улгуржига сотилади. Жахон бозори халкаро биржалар ва савдосотик ташкилотлари фаолиятида намоён бўлади.

Жахон бозорининг хажми турли мамлакатлардаги ишлаб чикариш кўламига ваунинг накадар ихтисослашувига, яъни бозорга товар етказиб беришига боглик бўлади. Одатда жахон ишлаб чикаришининг ўсиши билан жахон бозори хам кенгайиб боради. Бунда нархнинг мохияти ва функцияси бенихоят катта.

Бозорда товар ва хизмат харид этилган чогда бунга канча пул тўлаш кераклигини нарх белгилайди. Нарх арзон бўлса пул камрок тўланади, нарх киммат бўлса пул кўп тўланади. Нарх бозордаги олдисотди алокаларини таъминлайди. Хўш, нархнинг ўзи нима?

Нарх бозор алокаларининг асосий иктисодий воситаси бўлиб, товар ва хизматбирлигини сотиб олиш учун тўланадиган пул микдорини билдиради.

Товарни пули бор одам сотиб олади. Унинг канча товар сотиб олиши мумкинлигини, яъни унинг харид курбини биринчидан товар нархи белгиласа, иккинчидан, унинг пулини микдори белгилайди. Товарнинг кандай нархда олдисотди килинишини сотувчи ва харидорнинг келишуви асосида белгиланади. Сотувчи бозорга ўз нархини таклиф килади, харидорнинг хам ўзи мўлжаллаган нархи бор, бу унинг ёнидаги пулига боглик. Сотувчи ва харидор нархи бирбирига мос тушганда бозор нархи пайдо бўлади ва шу нарх билан товар сотилади. Сотувчи ўз нархини фойдани кўпрок олиш учун белгилайди. Харидор нархи эсаунинг кўлидаги пулга сифатлирок ва кўпрок товар олишга каратилади. Савдолашув асосида хар икки томонга маъкул нарх пайдо бўлади.

Бозор тизимидаги барча иктисодий алокалар нарх воситасида амалга ошганидан у бозор хўжалигининг амал килишида асосий роль ўйнайди.



## ХУЛОСАЛАР

Биз хулоса килиб шуни айтишимиз мумкинки, ўкувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорлик технологиялари асосидан амалгаоширилган ишлар бутун дунёнинг доим диккат марказида турган асосий муаммолардан бири хисобланади. Инсон учун ейиш, ичиш, ўкиш ва хаётда ўз ўрнини топиш, сарф-харажат, айнан тадбиркорлик, тежамкорлик, иктисод ва унга таълукли тушунчаларни шакллантиришда мухимрок ўрин тутади. Биз тадбиркорлик, тежамкорликни давлат сиёсати даражасида кўтаришимиз ўкувчиларда тежамкорлик тушунчалари хакидаги билимларини янада мустахкамлашимиз лозим. Хар бир оилада унинг аъзоларига тадбиркорлик, тежамкорликка ва иктисодий тарбия масалаларига алохида эътибор каратишлари лозим деб ўйлаймиз.. Бунинг учун ўкувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорлик технологияларини ёшларга ўргатиш зарурий эхтиёж айланиши лозим.

Бу борада юкорида олиб борган мавзулар тежамкорлик хакидаги хикоялар, ривоят ва шеърлардан иборат бўлган тарбия жараёнида, ўкувчилар кисман бўлсада тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчалари хакида маълумотга эга бўладилар. Шуни таъкидлаш лозимки, мавзуни ёритишда кўпрок миллий меросмиз намуналаридан самарали фойдаланиш максадга муофикдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ривожланган давлатларда хусусанхозирги шиддат билан тараккий этаётган мустакил Ўзбекистонда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия масаласига давлат ва шахсий мулкини эхтиётлаб саклаш ва уни мустахкамлаш нуктаий назаридан ёндашиш биринчи вазифа сифатида каралади:

1. Бу нарса узок йиллар давомида иктисодчилар, педагоглар, философларва технологларининг иктисодий тарбия масаласига ўзгача ёндашуви, унинг

сабаб ва окибатларига диккат эътиборни каратганини билдиради. Ўкувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини оркали ёшларни хар томонлама баркамол шахс сифатида камол топтириш, уларни жахон хамжамиятидаги муносиб ўз ўрнини белгилаши учун замин тайёрлашимумкин;

2.Ўкувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия

тушунчаларини шакллантириш зарурий эхтиёж турлари эканлиги ва уларни кондириш манбалари хакида етарли маълумотлар бериш ва уни амалда фойдаланиш;

3.Ўкувчиларга иктисодий тарбия зарурлиги тўғрисида, инсон ва жамият хаётида пулнинг роли, даромадларнинг манбайи ва оила сарф-харажатлари структураси тўғрисида тушунчалар бериш, тасаввур хосил килишни ўргатиш,ўз пулларидан кандай килиб яхширок фойдаланиш ва эхтиёжларни кондиришда меҳнатнинг аҳамиятини тушунтириш лозим;

4. Ўкувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш учун мухим шарт-шароит яратишдир. Бозор иктисодиётига ўтаётган бир шароитда ривожланиш учун хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган салмокли ишларда доимо фаол бўлиш;

5. Ўкувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантириш билан бирга улар онгида иктисодий тафаккурнинг барча боскичлари - шахсий хаёти, кишилар билан муносабати, унинг хулк-атворидаги фазилатлар, хаётга бошкача кўз билан караш, ижтимоий муносабатларда ижобий кўникмалар хосил бўлади.

6. Ўкувчиларга тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясини такомиллаштириш ва уларни иктисодий фаолиятга тайёрлаш учун имкониятлар яратиш. Бу эса ёшлардан жамиятимизнинг иктисодий манфаатлари негизини билиш, иктисодий билимлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чикаришни кенгайтириш ва атроф - мухит хамда моддийзахиралардан окилона фойдаланишни ўргатиб боришдир.

7. Ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси хакидаги билимни ва кўникмаларни ривожлантириш педагогик сохасида мухим муаммо саналади.

8.Ўкувчиларида тадбиркорлик. тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорлик технологияси, тарбияжараёнида халқ педагогикаси Шарқ мутафаккирларининг асосий гояларидан максадга мувофиқ фойдаланиш тарбия самарадорлигини амалга оширишга ёрдам беради.

9. Ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорлик технологияси оид билим ва кўникмаларини ривожлантиришда маълум максад,



вазифалар, мазмун, шакл, метод ва воситалари ифодаланган бир бутун тизимни ташкил этади.

10. Ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси ташкил этишда халк анъаналаридан самарали фойдаланиш технологиясини яратиш.

11. Тадқиқот давомида олиб борилган тажриба синов ишлари ва уларни натижаси биз юкорида баён этган фикрларнинг ишончилигини тасдиқлайди.

Тадкикот ва тажриба синов ишларининг умумий натижаларига таянган холда ўкувчиларида тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси билим ва малакаларини шакллантириш ишларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат килувчи куйидаги тавсияларини илгари сурамиз:

Ўзбекистан Республикаси мустакилликка эришгандан кейин ўкувчиларда тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясига жуда катта эътибор берилиб келинмокда. Ўкувчиларига ота - боболаримиз томонидан яратилган ва бизгача етиб келган тадбиркорлик, тежамкорлик ва
иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясига эътибор беришимиз кераклигини алохида қайд этиш билан бирга, келажакда бўлажак фукароларимизнинг ўз она Ватанини севишга харакат киладиган ёшлар бўлиб етишиш учун мухим аҳамиятга эгадир. Бу эса биз олиб борган тадқикот ишимизнинг асосий мазмуни ва максади хисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Ўзбекистон республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637- сонли —Таълим тўғрисида‖ги Қонун //https://www.lex.uz/acts/16188

2.Мирзиёев Ш.М.нинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги сўзлаган нутки. // —Халқ сўзи‖ газетаси, 2020 йил, 24 сентябрь, 202 (7704)- сони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2016 й. 185-сон "Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

4 .Ўзбекистон Республикасининг 20.12.2012 й. ЎРҚ-341-сон "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни 5.Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 й. 69-II-сон "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири, ЎзР 02.05.2012 й. ЎРҚ-328-сон Қонуни билан тасдиқланган) Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2012 й., 1-сон.

6. Мирзиёев Ш.М.нинг 01.02.2017 й. ПҚ-2750-сон "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

7."Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари" тўғрисида ПФ-5690-сон Фармони.

8. Мирзиёев Ш.М нинг "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳлиллар имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. -Т.: 2021 йил 15июль.

9. Мирзиёев Ш.М.нинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари юзасидан "Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда" номли интервюси. – Т,: 2021 йил 17 августь куни.

10.Мирзиёев Ш.М.нинг "Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш — энг муҳим вазифамиздир" мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. –Т.: 2021 йил 20 августь

11.Мирзиёев Ш.М. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз". Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016. — 56 б.

12.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.
- Т.: «Ўзбекистон», 2017. –44-б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Т.1. – 364 б.

14.КаримовИ.А.Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 264 б.

15.Каримов И.А. "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Т,:
//Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.

16. Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»,"Ўзбекистон", Тошкент, 1998-йил. 146-бет

17.И.Каримовнинг "Юксак маънавит – енгилмас куч" асари. Тошкент. "Маънавият" нашриёти 2008. 146-б

18.Азизов Х.Т., ва бошқалар. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Академия, 2013. – 114 б.

19. Азизов Х.Т. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларни такомиллаштириш. "Ўзбекистон демократик ислоҳотлар ва фуқаролик
жамиятини ривожлантириш йўлида" мавзусидаги Республика илмий-амалийконференция материаллари тўплами. –Т.: Академия, 2012.Б.60-62.

20. Азизов Х.Т. Аҳоли фаровонлигини таъминлашда фермер ҳаракатинингроли. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2013 й.

21.Аъзамова М.Н."Тежамкорлик сабоқлари". –Т.: Инновация-зиё. 2015 й

22.Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар.
Нашрга тайёрловчилар А.Тилавов, И.Сайдуллаев. - Т.: «Sano-standart», 2016. -92-б.

23. Бабакулов С.Б., Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар. – Тошкент, -Т.:ТДЮИ, 2012. – 52 б.

24. Бабакулов С., Ибратова Ф., Кичик бизнес хусусий тадбиркорлик ижтимоий ва сиёсий барқарорликни кафолати. Ўқув услубий мажмуа. - Тошкент 2011. 64 б.

25. Бурханходжаева Х.В. Тадбиркорлар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилиниши. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари. Илмийамалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ 2002.- Б.170- 172.

26.Бўри Зиёмуҳаммедов, Педагогика. Тошкент.: "Турон-Истиқбол". 2006, 112бет.

27. Бабакулов С.Б., ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган юридик кафолатлар. -Т.: ТДЮИ, 2012. –50 б. 28.Бабакулов С.Б. ва бошқалар. Хўжалик(тадбиркорлик) ҳуқуқи.. Ўқув-услубий мажмуа. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 150 бет.

29. Дўстов У.Н. Хўжалик юритувчи субъектлар банкротлиги. Ўқув қўлланма –Т.: ТДЮИ.2006

30. Зиёдова Т., ва бошқалар.Талабаларда ихтисосий билим, кўникма ва малакалар интеграциясини таъминлаш-касбий маҳоратни шакллантириш омили. -Гулистон.2012й. 132 б.

31. Зилола Қобилжонова, Тошкент шаҳридаги 318-ихтисослаштан боғча- мактаб мажмуасининг Бошланғич синф ўқитувчиси. "Бошланғич таълим"

№10. –Т.: 2008 й

32.Ибратова Ф.Б. Хозяйственное процессуальное право. Учебник. – Ташкент:ТДЮИ. 2011.-705с.

33.Ибратова Ф.Б. «Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг ҳуқуқиймуаммолари». Монография -Тошкент. ТДЮИ 2012. 405-б.

34..Ибратов Б.И.Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи.-Т.: Молия. 2001. -218 б.

35.Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Окюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010.

– 206 с.

36.Отахонов Ф.Х Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида).Муаллифлар жамоаси. - Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

37.Окюлова О. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. - Т.:ТГЮИ, 2010. 560 с.

38..Окюлов О ва бошқалар. Оилавий тадбиркорлик – мустаҳкам оила асоси.–Тошкент, ТДЮИ, 2012. – 52 б.

39. Олейник О.М. Предпринимательское (хозяйственное) право.- М.:



Юрист,2001.Том 1-2.

40.Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли. Тадбиркорларни қўллабқувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./ Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ, 2002.-Б.73-81

41.Оқюлов О. Сохта банкротликка оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси- Т.: 2012. №4. Б.43-46.

42.Оқюлов О., Отахонов Ф., "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари", Тошкент. ТДЮИ 2010, 200-б. 43.Оқюлов О. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга нисбатан тўсиқларни бартараф қилишнинг ҳуқуқи муаммолари. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. - 2002.-Б.36-39

44.Оқюлов О. Президент фармонлари – иқтисодий ислоҳотларни таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари.

/Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Т.:ЎзР.ИИВ Академияси. -2005.-Б. 366-367.

45.Сарсенбаева Р.М., Оилада иқтисодий таълим-тарбияни шакллантириш йўллари. "Замонавий таълим" журнали. №5. 81-88-бет .-Т.: 2017 й.

46. Раҳмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари.- Т.: 2013. -181 бет.

47. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик субъектлари мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари. - Т.: Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2006.11-12. 48.Рўзиназаров Ш.Н., Синдаров К.О., Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари. (савол-жавоб, қонун ҳужжатлари). - Т.: Консаудитинформ, 2002. -208 б. 49 Раззоқов А. "Оила-фароғат қасри" -Т. Сано-стандарт нашриёти.2012. -102 б

50. Рахимова,К. ва бошқалар "Ҳаёт хавфсизлиги асослари " услубий қўлланма.Тошкент. Наврўз,2006 йил

51.Сарсенбаева Р.М. Иктисодий фанларни ўқитишда қўлланиладиганинтерактив методлар. / Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ТМИ. 2015. 52.Тожибоева Д. Иқтисодий педагогика. – T.:«Fan va texnologiya»,2007- 242-б.53.Тошкўзиева А.З. "Иктисодий

билимлар сари". Тошкент-2009йил

54.Ҳасанбоев Ж., ва бошкалар. "Педагогика фанидан изохли луғат" -Т.: "Фанва технология". 2009 йил.

55.Худойкулов Х. Ж Замонавий таълим самарадорлигида педагогиктехналогиянинг ахамияти. -Т.: Навруз 2011й.135-бет

56.Худойкулов Х. Ж.Бошлангич синф ўкувчиларида иктисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари. Пед.ф.докторлик диссертацияси. –Т.: 2009 й.

57.Худойкулов Х. Ж. Бозор одоби-миллий кадриятларимиз кўзгуси. – Т.: Фан. 2008 й.

58.Хаитбоев М. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жавобгарликкатортишнинг хукукий асослари –Т.: ТДЮИ Ахборотномаси. 2007.5.

59.Ходжаев Б. Реклама хизмати ва реклама хизмати кўрсатишнинг фукаролик хукукий тавсифи, –Т.: ТДЮИ Ахборотномаси, 2008.4.

60.Ходжаев Б., Ибрагимов Б.. Бозорда истеъмол маданиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари. Рисола. -Тошкент: Адолат. 2012 -131 б.

61.Шукуруллаев А. Банкротликка оид конунчилик мазмун мохияти// Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2009. 9.

62.Кодиров К.Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. -Т.: "Янги аср авлоди"- 2003.
– 691 б.

**Интернет сайтлари**

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат хокимияти портали
2. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларимаълумотлари миллий базаси.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. http:// www.businesspravo.ru. 2. http: // www.gov.uz

3. http:// www.inter-mba.ru 4. http:// www.law.uk.edu

5. http:// www.legislature.ru 6. http: // www.lex.uz

7. http: // www.press-service.uz

8. http:// www.law.harvard.edu/news/spotlight/businesslaw/index.html

9. http:// onlinelibrary.wiley.com/journal/10.1111/(ISSN)1744-1714

10. http:// businesslaw.calbar.ca.gov/



# М У Н Д А Р И Ж А

**КИРИШ**......................................3-бет

1.Ўкувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик қилишнинг бугунги бозор талаби асосида ривожланиши ва унинг моҳияти....................6-бет

2.Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан хамкорликнинг илмий-назарий педагогик асослари....................19-бет

3.Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик қилишнинг ўзига хосзамонавий илғор технологиялари....................35-бет

4.Ўкувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик ҳақида Шарқ мутафаккирларининг тарихий меросидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти....................40-бет

5.Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иктисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясининг ўзига хос амалий шакллари, усуллари ва воситалари....................66-бет

6.Ўқувчиларига тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий тарбия тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик қилишнинг миллий қадриятларимизга мос кўринишлари ва тузулиш....................79-бет

7.Ёшларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда мулкдорлик маданиятини шакллантириш....................95-бет

8.Бозор муносабатларини шакллантиришда маънавий ва ахлоқ-одоб фазилатларини ўрни....................102-бет

9.Бозор одоблари ҳақида....................108-бет

**ХУЛОСА**....................119-бет

**ФАЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**....................122-бет

БОБОҚУЛОВА ДИЛФУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

**ЎҚУВЧИЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВАИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**(Услубий-қўлланма)**

**Нашр учун маъсуллар:**

**Мухарир:И.Ахмедов;**
**Бадиий мухаррир:Ж.Адилов;**
**Техник мухаррир:М.Пардаева;**
**Компьютерда сахифаловчи Ф.Тугешева.**

Нашр лицензияси А1 №102; 15.02.2022.
Босишга рухсат этилди.2022 йил. Бичими:60х84 1/16
Офсет қоғози: Tints New Roman гарнитураси Кенгаш 12 шрфитли
Адади:100 нусха.Буюртма№78.

**Тошкент "Таълим нашриёти" МЧЖ. 2022**
**Адрес: Тошкент шахри, Я.Гуломов кўчаси 74-уй.**

БОБОҚУЛОВА ДИЛФУЗА МЕНГЛИБОЕВНА

# ЎҚУВЧИЛАРИГА ДАСТЛАБКИ ТАДБИРКОРЛИК, ТЕЖАМКОРЛИК ВАИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

(Услубий-қўлланма)

**Нашр учун маъсуллар:**

**Мухарир:И.Ахмедов;**
**Бадиий мухаррир:Ж.Адилов;**
**Техник мухаррир:М.Пардаева;**
**Кампьютерда сахифаловчи Ф.Тугешева.**

Нашр лицензияси А1 №102; 15.02.2022.
Босишга рухсат этилди.2022 йил. Бичими:60x84 1/16
Офсет қоғози: Tinis New Roman гарнитураси Кенгаш 12 шрфитли
Адади:100 нусха.Буюртма№78.

**Тошкент "Таълим нашриёти" МЧЖ. 2022**
**Адрес: Тошкент шахри, Я.Ғуломов кўчаси 74-уй.**

ISBN 978-9943-69-70-9-6